

ISSN 2181-9521

№ 3-son, 2021



ODILLIK MEZONI

ILMIY-AMALIY, HUQUQIY JURNAL



“БУНДАН БУЁН ЎЗБЕКИСТОНДА БИРОНТА ҲАМ АЁЛ ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТНИНГ ЭЪТИБОРИДАН ЧЕТДА ҚОЛМАЙДИ.”

2021 йил 6 март куни Тошкентдаги Халқаро конгресс марказида 8 март – Халқаро хотин-қизлар кунига бағишланган байрам тадбири бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев иштирок этди ва хотин-қизларга ушбу улуғ айём муносабати билан табрик йўллади.



“Бу ёруғ дунёни қуёшсиз, еру осмонсиз тасаввур этиб бўлмаганидек, ҳаётимизни ҳам мўътабар оналаримиз, меҳрибон аёлларимиздан айри ҳолда тасаввур этолмаймиз.”

“Сизлар биз учун аввало муқаддас она, азиз Ватан, оила тимсоли, битмас-туганмас меҳр, эзгулик ва куч-ғайрат манбаидирсиз.”

“Сизларнинг барча соҳалардаги фидокорона меҳнатингиз ҳисобидан мамлакатимизнинг қудрати ва салоҳияти, халқаро обрў-эътибори тобора ортиб бормоқда.”

“Ҳозирги вақтда мамлакатимиз бошқарув тизимида аёлларнинг улуши 33 фоизга етди. Юртимиз бўйича бир ярим мингга яқин хотин-қизлар турли даражадаги раҳбарлик лавозимларида ишламоқда. Хусусан, ташкилотчи ва ташаббускор она-сингилларимиз 6 та туманда ҳоким вазифасида, юзлаб ҳудудларимизда ўринбосар ва маслаҳатчи лавозимларида самарали фаолият кўрсатмоқда. Йирик корхоналар, банклар ва компаниялар, тадбиркорлик субъектларини бошқармоқда.”

“Жорий йилда турмуш шароити оғир бўлган аёллар ҳамда ёлғиз онаси қарамоғида ўсган қизларни уй-жой билан таъминлаш мақсадида бюджетдан 210 миллиард сўм маблағ ажратилади.”

“Бошпанаси бўлмаган аёлларни ижара асосида “ижтимоий уй-жойлар” билан таъминлаш учун яна 211 миллиард сўм йўналтирамыз. Бундан ташқари, боқувчисини йўқотган ҳамда ўзгалар парваришига эҳтиёжманд бўлган хотин-қизларга моддий ёрдам бериш ва малакали тиббий ёрдамга муҳтож аёлларни даволаш учун қўшимча равишда 110 миллиард сўм берилади.”

“Оила – бу меҳр ва бахт қўرғони. Оила бор экан, фарзанд деган бебаҳо неъмат бор, инсоний қадр-қиммат ва маънавият бор. Оилавий бахт бу – энг улуғ саодатдир.”

ЯНГИЛАНИШ ВА ЯШАРИШ АЙЁМИ – НАВРЎЗИ ОЛАМ БАРЧАМИЗГА МУБОРАК БЎЛСИН!

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг
2021 йил 21 мартдаги Наврўз умумхалқ байрамига бағишланган
тантанали маросимдаги табрик сўздан иқтибослар:

“Бугун сизларнинг нурли чеҳрангизни кўриб, халқимиз ҳам худди гўзал баҳор фаслидек куч ва қудратга тўлиб бораётганига яна бир бор амин бўлдим.”

“Кўклам нафаси юртимиз узра кезаётган мана шундай тароватли кунларга соғ-омон етказгани учун Яратганга чексиз шукроналар айтиш биз учун ҳам қарз, ҳам фарздир.”

“Чиндан ҳам, бизнинг кучимиз – бирлик ва аҳилликда; бизнинг қудратимиз – меҳр-оқибат, ўзаро кўмак ва саховатда; бизнинг ютуғимиз эртанги кунга бўлган юксак ишончимизда.”



“Наврўз – чинакам халқ байрами, миллий ўзлигимиз кўзгуси, маънавий ва маданий ҳаётимизнинг ажралмас қисмидир.”

“Минг йиллар олдин ота-боболаримиз бу улуғ айёмни қандай пок ният ва ёруғ умидлар билан кутиб олган бўлсалар, бугун ҳам халқимиз мана шундай баланд кайфият билан Наврўзга пешвоз чиқмоқда.”

“Наврўзнинг ўлмас руҳи ва боқий фалсафаси биз бугун бунёд этаётган янги Ўзбекистон гоёси билан гоёят уйғун ва ҳамоҳангдир.”



“Бутун олам, еру кўк уйғонаётган бу ажиб фаслда юртимиздаги янги Уйғониш даври – Учинчи Ренессанс орзуси қалбларимизга беқиёс куч ва ишонч олиб кирмоқда.”

“Наврўзи оламнинг мазмун-моҳиятида инсонни улуғлаш, унинг қадрини, иззат-ҳурматини жойига қўйиш каби эзгу фазилатлар мужассамдир.”

“Наврўз – инсон ва табиатни асраб-авайлашга, тинчлик, дўсту биродарлик ва ҳамкорлик каби умумбашарий қадриятларни эъозлашга чорлайдиган улуғ байрамдир.”



Саҳифаларни Қўнғирот туман иқтисодий судининг судьяси
Дилмурод ДАВЛЕТОВ тайёрлади.

“ODILLIK MEZONI”

илмий-амалий, ҳуқуқий журнал

Муассис: Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби

Ҳамкорлар

Ўзбекистон Республикаси
Судьялар олий кенгаши,

Ўзбекистон Судьялари ассоциацияси

ТАҲРИР КЕНГАШИ

Холмўмин ЁДГОРОВ
Убайдулла МИНГБОЕВ

Ҳожи-Мурод ИСОҚОВ

Дилшод АРИПОВ

Комил СИНДАРОВ

Илҳом НАСРИЕВ

Малика ҚАЛАНДАРОВА

Беҳзод МЎМИНОВ

Шерзод ЮЛДАШЕВ

Бош муҳаррир

Арслон ЭШМУРОДОВ

Навбатчи муҳаррир

Шахбоз САИДОВ

Саҳифаловчи дизайнер

Шокиржон АЛИБЕКОВ

Журнал Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий агтестация комиссияси Раёсатининг 2019 йил 31 январдаги 261/8 сон қарори билан юридик фанлар бўйича диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

Манзил: 100097, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Чўпон ота кўчаси, 6-уй

Электрон манзил:
odillikmezoni2019@umail.uz

Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигидан 2019 йил 27 августда 0972-рақам билан қайта рўйхатдан ўтган.

Обуна индекси: 1317

Ҳар ойда бир марта чоп этилади.

Журналда эълон қилинган материаллардан фойдаланилганда, манба қайд этилиши керак.

Босишга 24.03.2021 да рухсат берилди.

Бичими 60x84 1/8, 8 босма табоқ

Буюртма № 12 Адади 1800

Баҳоси келишилган нархда

“Aldin-group” МЧЖ босмаҳонасида чоп этилди.

Босмаҳона манзили: 100027, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Олмазор кўчаси, 1-уй

МУНДАРИЖА**КУН МАВЗУСИ****6****ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН – ЯНГИ СУД ҲОКИМИЯТИ****10****ЯНГИ БОСҚИЧ**

**СУДЬЯЛАР ҲАМЖАМИЯТИ ОРГАНЛАРИ
МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ
АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
МАСАЛАЛАРИ**

ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛ**14**

**ИНГЛИЗ ҲУҚУҚИДА ХОДИМ
СОҒЛИФИГА ЕТКАЗИЛГАН ЗАРАР УЧУН
ИШ БЕРУВЧИНинг ФУҚАРОЛИК-
ҲУҚУҚИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ**

17**ИБРАТ****ТИЛ ВА ЮРАК****ҚОНУН ИЖОДКОРЛИГИ****18**

**ПАРЛАМЕНТ – ЖАМИЯТ ҲАЁТИНИНГ
КЎЗГУСИ**

20**МУТАХАССИС МУЛОҲАЗАСИ**

**ҲУҚУҚ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ҲОЗИРГИ
БОСҚИЧИДА – РАҚАМЛИ ДАВЛАТ
ХАРИДЛАРИ**

ҚОНУН ВА АМАЛИЁТ**24**

**МАНСАБДОР ШАХСЛАРНИНГ
ҚАРОРЛАРИНИ
ҲАҚИҚИЙ ЭМАС ДЕБ ТОПИШ
ТЎҒРИСИДАГИ ИШЛАРНИ
СУДДА КЎРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС
ХУСУСИЯТЛАРИ**

26

ТАДҚИҚОТ

ВОЯГА ЕТМАГАН
АЙБЛАНУВЧИНИ СЎРОҚ
ҚИЛИШДА ПЕДАГОГ ЁКИ
ПСИХОЛОГНИНГ ИШТИРОКИ

ТИНГЛОВЧИ МИНБАРИ

29

ЖУРНАЛИСТИКАДА ҲАМ
СОҲАВИЙ ИХТИСОСЛАШУВНИНГ
ВАҚТИ КЕЛДИ

30

ОИЛА ИНСТИТУТИ

“ҚАЕРДА ОИЛА МУНОСАБАТИ
КУЧЛИ ИНТИЗОМГА ТАЯНСА,
МАМЛАКАТ ВА МИЛЛАТ ҲАМ
ШУНЧА КУЧЛИ ВА МУАЗЗАМ
БЎЛАДИ”

МУҲИМ МАВЗУ

32

ФОРС-МАЖОР
ТУШУНЧАСИ ВА БЕЛГИЛАРИ

36

МУЛОҲАЗА

ШАРТНОМАНИ БЕКОР
ҚИЛИШ ТАРТИБИ

ЭКСПЕРТ ФИКРИ

39

ТРИПС БИТИМИ ВА ЎЗБЕКИСТОН
МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИГИ

42

МОЗИЙДАН САДО

СУДЬЯ (ҚОЗИ)ЛИК ТАЛАБ
ҚИЛИНМАЙДИ

44

ОҚЛОВ

АДОЛАТ ҚАРОР ТОПДИ

СУДЕБНО-ПРАВОВАЯ РЕФОРМА

47

ОБЕСПЕЧЕНИЕ ПРАВ И
СВОБОД ГРАЖДАН ЯВЛЯЕТСЯ
ВАЖНЕЙШЕЙ ОБЯЗАННОСТЬЮ
ОРГАНОВ ПРОКУРАТУРЫ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАНА

50

ВАЖНАЯ ТЕМА

НАЦИОНАЛЬНО-МЕНТАЛИТЕТНЫЕ
ПРИЧИНЫ ВОЗНИКНОВЕНИЯ
НЕКОТОРЫХ ВИДОВ
ЛАТЕНТНЫХ ПРЕСТУПЛЕНИЙ

ПРОЦЕСС

54

ОСОБЕННОСТИ ЭТИКИ СУДЕЙ
И ЕГО ЛИЧНОЙ ЖИЗНИ

58

REASONING

ADVANTAGES AND DISADVANTAGES
OF ARBITRATION IN
RESOLVING DISPUTES BETWEEN
COMMERCIAL ORGANIZATIONS

ANALYSIS

59

RIGHTS OF NATIONAL MINORITIES IN
INTERNATIONAL STANDARDS:
SOME THEORETICAL ASPECTS

63

ЖАРАЁН

ЖОЙЛАРДА СУДЬЯЛАР ВА СУД
ХОДИМЛАРИНИНГ КАСБИЙ
ЭТИКАСИ БЎЙИЧА ЎҚУВ КУРСЛАРИ
ЎТКАЗИЛМОҚДА



**Холмўмин
ЎДГОРОВ,**
Ўзбекистон
Республикаси
Судьялар олий
кенгаши раиси

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН – ЯНГИ СУД ҲОКИМИЯТИ

Янги Ўзбекистон тараққиётининг устувор ғоясига айланган инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини тўлақонли ҳимоя қилиш ҳамда адолатни қарор топтиришга қодир бўлган суд органлари фаолиятини йўлга қўйиш мақсадида 2016-2021 йилларда манتيқий изчилликка асосланган ва бир-бирини тўлдириб бораётган демократик ислоҳотлар амалга оширилди. Ислоҳотлар самарасида Ўзбекистон суд тизими ривожланишининг мутлақо янги бир даври бошланиб, одил судлов шакл нуқтаи назаридан ҳам моҳият эътиборига кўра ҳам янги қиёфа касб этди.

Халқаро стандартлар ва ривожланган демократик давлатларнинг илғор тажрибасига тўлиқ мос келадиган судьяларни танлаш ва лавозимга тайинлашнинг очик, ошкора ва муқобил тизими яратилди.

2020 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши фаолиятида илк марта бўш судьялик ўринларига танлов ўтказилишини оммавий ахборот воситалари орқали эълон қилиш амалиёти жорий этилди. Номзодларнинг билимини синашнинг янги тартиби, электрон саволлар дастури ишга туширилди, номзоднинг суҳбатдан ўтиш жараёни очикланиб, жараёни бевосита ва билвосита (онлайн тарзда) кузатиб бориш имконияти яратилди.

2020 йил 7 декабрь куни қабул қилинган “Судьяларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш ҳамда суд тизимида коррупциянинг олдини олиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президентимизнинг фармонида судьяларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига аралашуш ҳолатларига барҳам бериш, шунингдек тизимда коррупцияга қарши курашиш, номзодларни танлаш ва тайинлашда очикликни амалда таъминлаш, судья фаолиятининг самарадорлигини электрон рейтинг орқали очик ва шаффоф баҳолашни таъминлайдиган аниқ мезонлар ишлаб чиқилиб, амалиётга татбиқ этиш ҳамда судьяларни рағбатлантиришнинг янги тартибини жорий этиш белгиланди.

2021 йил 18 январь куни Ўзбекистон суд тизими тарихида биринчи марта жамоатчи-

лик асосида фаолият юритувчи Судьялар клуби ташкил этилди. Судьялар клубини ташкил этишдан кўзланган энг асосий мақсад, судьяларнинг билим ва касбий малакасини ошириб боришга кўмаклашадиган мулоқот майдонини ташкил этишдир. Бугунги кунда мазкур клуб судьяларни бирлаштириш, ўзаро фикр алмашиб туриш, энг муҳими суд амалиётида учрайдиган айрим муаммоларни судьялар ўртасида кенг муҳокама қилиб, унинг ечимини топишда амалий аҳамият касб этмоқда.

Суд ҳоқимиятининг чинакам мустақиллигини амалда таъминлаш, жамият ҳаётида судьялик касбининг нуфузини, обрў-эътиборини ошириш, юксак малакали ҳамда самарали фаолият юритувчи суд корпусини шакллантириш мақсадида судьяларнинг ваколат муддатлари қайта кўриб чиқилди.

Халқаро принцип ва стандартлардан келиб чиққан ҳолда, судьялик лавозимига биринчи беш йиллик, кейинги ўн йиллик ва муддатсиз даврга тайинлаш (сайлаш)ни назарда тутувчи янги тартиб жорий этилди.

Ушбу тартиб Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Суд органлари мустақиллигининг асосий принципларига тўла мос бўлиб, ўз навбатида, судьянинг ваколати муддати судьялик лавозимида юқори ёшига қадар сақланиб қолишини назарда тутди.

Шу ўринда алоҳида таъкидлаш керакки, навбатдаги ўн йиллик муддатга ва кейинчалик муддатсиз даврга судьялик лавозимига

тайинланадиган (сайланадиган) номзоднинг муносиблигини аниқлашда унинг ҳалоллиги, поклиги, адолатлиги, қарор қабул қилишда қатъийлиги инobatга олинади.

Бугунги кунда амалда фаолият юритаётган 1235 нафар судьяларнинг 619 нафари биринчи беш йиллик муддатга; 559 нафари 10 йиллик муддатга; 57 нафари муддатсиз даврга тайинланган.

Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди, округ ва ҳудудий ҳарбий судлари мукамаллаштирилди. Олий суднинг Ҳарбий ҳайъати, Ҳарбий суд, округ ва ҳудудий ҳарбий судлар штат бирликларини судьялар ва ҳарбий судлар ходимларидаги ҳарбий хизматчилар ҳуқуқий мақоми, шу жумладан ҳарбий хизматчилар учун белгиланган ҳуқуқ, имтиёз ва афзалликлар сақланмаган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари таркибидан Олий суд тизимига ўтказилди.

Янги таҳрирда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”-ги қонунда Конституциявий суд судьясини алмаштириб бўлмаслик принципи тарихан биринчи марта жорий этилиб, судья ўз ваколатлари даврида алмаштирилмаслиги, судьянинг ваколатлари қонунда белгиланган тартибдан ҳамда асослардан бошқача тарзда тугатилиши ёки тўхтатилиши мумкин эмаслиги белгиланди.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурига мувофиқ суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш мақсадида Олий Мажлис ҳузурида Суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлашга кўмаклашувчи комиссия тузилди.

Унинг асосий вазифаси этиб суд ҳокимияти ва судьяларнинг мустақиллигини таъминлашга қаратилган қонун ҳужжатлари ижроси устидан тизимли мониторингни амалга ошириш, суд ҳокимияти ва судьяларнинг мустақиллигини таъминлаш борасидаги муаммоларни, суд-ҳуқуқ соҳасидаги қонун ҳужжатларини танқидий таҳлил қилиш каби муҳим масалалар белгиланди.

Судьялик лавозимига номзодларнинг ёш цензи оширилди. Янги ислоҳотлар давригача ўттиз ёшдан кичик бўлмаган шахслар судья лавозимига тайинланиши мумкин бўлган бўлса, эндиликда ўттиз беш ёшдан кичик бўлмаган, олий юридик маълумотга ва юридик ихтисослиги бўйича, авваламбор, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда камида беш йиллик меҳнат амалиётига эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқароси туманлараро, туман (шаҳар) судининг, ҳудудий ҳарбий суднинг судьяси бўлиши мумкинлиги тўғрисида муҳим ўзгартиш киритилди.



Суд амалиёти таҳлиллари шуни кўрсатдики, судлар томонидан одил судловни амалга оширишда йўл қўйилаётган аксарият камчиликлар ва хатолар айнан илк бор судьялик лавозимига тайинланган ва ўттиз беш ёшга тўлмаган судьялар ҳисобига тўғри келади. Бу эса аввал белгиланган ёш цензининг “Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши тўғрисида”ги қонунда биринчи марта тайинланадиган судьяларни танлашнинг асосий мезонларига муносиб келмаслигини кўрсатди. Жумладан, адолатли ва қонуний қарор қабул қилиш учун уларда етарли ҳаётий тажриба ва лаёқатлилик етишмаслиги аниқланди.

Судьялар учун ёш цензининг оширилиши муносабати билан “Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши тўғрисида”ги қонуннинг 20-моддасига ҳам ўзгартириш киритилиб, судьялик лавозимларига биринчи марта тайинланадиган номзодлар захирасига кириш ёши ҳам оширилди. Унга биноан захирага судьялик лавозимлари учун зарур билимга, етарли ҳаётий тажрибага ва бенуқсон обрў-эътиборга эга бўлган юқори малакали юристлар орасидан ўттиз уч ёшдан кичик бўлмаган, олий юридик маълумотга, юридик ихтисос бўйича камида беш йиллик иш амалиётига эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари киритилиши мумкин. Ушбу ёшнинг белгиланишида, шу жумладан, номзодларнинг шахсий фазилатларини ва касбий фаолиятини ўрганиш ҳамда Судьялар олий мактабида ўқиш муддатлари эътиборга олинган.

Хорижий давлатлар тажрибасини ўрганиш натижасида ҳам ривожланган давлатларда судьялар ёшига нисбатан анча юқори талаблар белгиланганлигини кузатиш мум-

кин. Жумладан, АҚШ ва Францияда судьялар учун аниқ ёш цензи белгиланмаган бўлсада, бироқ мутахассислик бўйича зарур меҳнат амалиётининг юқорилиги ва бошқа талаблардан келиб чиқиб, ушбу лавозимга АҚШда 40-45 ёшдан, Францияда 40 ёшдан сўнг амалда тайинланиш мумкин. Буюк Британияда эса мустақил адвокат лавозимида 10 йилдан 20 йилгача ишлаган шахсларгина судья мақомига эга бўлиши мумкинлигидан келиб чиқиб, ёш цензи ўртача 35-45 ёшни ташкил этади.

Судьялар учун ёш цензининг оширилиши муносабати билан халқ маслаҳатчилари учун ҳам ёш цензи 35 ёш деб белгиланди.

Адлия органларининг умумий юрисдикция судлари фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш соҳасидаги вазифа ва ваколатлари Олий суд ҳузуридаги Судлар фаолиятини таъминлаш департаментига ўтказилди.

Суд ҳокимиятининг молиявий мустақиллигини янада мустаҳкамлаш, судлар фаолияти учун зарур шарт-шароитлар яратиш мақсадида алоҳида Суд ҳокимияти органларини ривожлантириш жамғармаси ташкил этилди.

2017 йилнинг 1 сентябридан бошлаб судьялар ҳамда судлар ва Департамент ходимлари лавозим маошларига устама ва ҳар ойлик қўшимча ҳақ тўлаш, белгиланган тартибда уй-жойни ижарага олиш, бошқа жорий харажатлар Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилиши белгилаб қўйилди.

2021 йил 1 январидан бошлаб суд тизимида собиқ тоталитар тузумдан эскилик сарқити бўлиб келаётган “назорат тартибида ишларни кўриш” амалиётидан тўлиқ воз кечилди.

Бу суд амалиётидаги ҳар қандай ишларни назорат тартибида кўриб, янгидан қарор чиқариб, қуйи судларнинг қарорини бекор қилиш орқали уларга таъсир кўрсатишдек номақбул амалиётга барҳам беради. Ушбу тартиб халқаро ҳамжамият томонидан суд тизимида ҳал қилувчи аҳамиятга эга прин-



цип сифатида қараладиган, судьялар мустақиллигини таъминлаш имконини беради. Судьяларга холис, қонуний ва адолатли қарор қабул қилишда ҳеч қандай усул билан босим ўтказишга йўл қўйилмайди. Бундан ташқари, фуқаролар овора бўлишининг, судларда иш ҳажми асоссиз ва мақсадсиз ортининг, коррупция билан боғлиқ ҳолатлар вужудга келишининг олди олинади.

Айни пайтдаги ривожланган демократик давлатлар суд тизимидаги тенденция ишларнинг юқори инстанцияларда бир неча бор кўрилишига йўл қўймасдан, суд қарорини бир марта қайта кўриш билан унга нуқта қўйишга қаратилган. Кўпчилик давлатлар тажрибасида, хусусан англо-саксон ва романо-герман ҳуқуқ тизимларида, қолаверса МДҲ мамлакатларида ҳам апелляция ва кассация тартибида ишларни кўриб чиқиш амалиёти кенг татбиқ этилади.



Фуқароларнинг судма-суд сарсон бўлишларининг олдини олиш мақсадида ортиқча суд босқичларини бекор қилиш орқали “бир суд – бир инстанция” тамойили жорий этилиб, туманлар аро, туман (шаҳар) судларининг қарорларини вилоят даражасидаги судлар томонидан апелляция тартибида, апелляция тартибида кўрилган суд қарорларини эса Олий суд томонидан кассация тартибида қайта кўриб чиқиш, кассация тартибида кўриб чиқилган ишлар бўйича суд қарорларини эса Олий суд раиси, Бош прокурор ва уларнинг ўринбосарлари протестига кўра кассация тартибида такроран кўриб чиқиш амалиёти йўлга қўйилди.

Бунинг натижасида суд ишларини назорат тартибида кўриш институти тугатилмоқда. Бундай янги тартибнинг ўрнатилиши судда ҳар бир иш бўйича якуний тўхтамга келиш имконини беради. Бу ўз навбатида судьяга жуда катта масъулият юклайди. Демак, судья барча ишлар бўйича чиқараётган суд ҳужжатлари ҳар томонлама асосли, қонуний бўлиш чора-тадбирларини кўриши шарт. Айни пайтгача давом этиб келаётган амалиёт, яъни бир суднинг ўзида биринчи инстанцияда кўрилган ишлар шу суднинг

ўзида кейинги инстанция сифатида яна такроран кўрилишида ҳеч бир мантқиқ йўқ эди. Шу ўринда куйидаги статистик маълумотларни келтириб ўтиш мақсадга мувофиқ: вилоят судлари 3 та (биринчи, апелляция ва кассация) инстанцияда ишларни кўриб чиқиш ваколатига эга эди. Биргина 2019 йилнинг ўзида айни бир вилоят судида биринчи ва апелляция (кассация) инстанциясида кўрилган ишларнинг 13 мингга яқини Олий судда ўзгартирилган ёки бекор қилинган. Қабул қилинаётган суд қарорларининг сифатини ошириш ва барқарорлигини таъминлаш, ҳар бир инстанция судида муайян иш бўйича якуний тўхтамга келиш мақсадида туман (шаҳар) ва вилоят судлари ҳамда Олий суд ваколатларининг аниқ чегарасини белгилаш, туман (шаҳар) судида ишлар фақат биринчи босқичда, вилоятда – апелляция, Олий судда эса кассация тартибида кўрилиши алоҳида белгилаб қўйилди.

Бундай ислохотларнинг натижасида судларнинг чинакам мустақил ҳокимият тармоғига айланаётганлиги бугунги кун амалиётида яққол кўзга ташланмоқда. Хусусан, 2020 йилнинг ўзида судлар томонидан 719 нафар фуқарога нисбатан оқлов ҳукми чиқарилганлиги, судланган шахсларнинг 74 фоизига нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар тайинланганлиги, 5 958 та шахсга нисбатан асоссиз қўйилган моддалар айбловдан чиқарилганлиги ёки ўзгартирилганлиги, охириги икки йилда ҳокимият ва назорат органларининг 2,5 мингга яқин қарори жисмоний ва юридик шахслар аризасига кўра судлар томонидан бекор қилингани фикримизнинг далилидир.



Дилшод АРИПОВ,
юридик фанлар
номзоди

СУДЪЯЛАР ҲАМЖАМИЯТИ ОРГАНЛАРИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Судлар фаолиятининг судьялар ҳамжамияти томонидан ташкил этилиши, бошқарилиши ва назорат қилиниши суд ҳокимиятининг мустақиллигини амалда таъминлашнинг асосий кафолатларидан ҳисобланади. Зеро, судлар фаолиятини ўзини-ўзи бошқариш принципи асосида ташкил этиш суд ҳокимиятининг бошқа ҳокимият органларидан холи ва ташқи аралашувларсиз фаолият юритишини таъминлайди. Шу боис, судьялар ҳамжамияти фақат судьялардан ва улар томонидан тузиладиган махсус тузилмалардан ташкил топиши, судлар фаолиятини бошқаришда муайян ваколатларга эга бўлиши ва албатта мустақил ҳолда фаолият юритиши талаб этилади.

Бир гуруҳ олимлар ушбу фикрга қўшилган ҳолда суд ҳокимияти мустақиллигининг ҳуқуқий кафолатларига судьялар ҳамжамияти органларининг мавжудлигини ҳам киритиш мумкинлигини, судьялар манфаатларини ифодаловчи судьялар ҳамжамияти органлари судьялар мустақиллигини таъминловчи муҳим институт ҳисобланишини, судьялар ҳамжамияти ўзининг органлари орқали судларни ташкил этиш ва фаолият юритишига фаол таъсир кўрсатишини таъкидлайдилар¹.

Европа Иттифоқи Вазирлар қўмитасининг (2010) 12-сонли тавсиялари ҳамда Европа судьялари Маслаҳат Кенгашининг 10-сонли хулосасига кўра судьялар ҳамжамияти органларини тузишдан асосий мақсад – бу судлар ва алоҳида судьялар мустақиллигини таъминлаш ва шу орқали суд тизимининг самарали фаолият кўрсатишини рағбатлантиришдир².

Демак, судьялар ҳамжамияти деганда суд ҳокимиятининг мустақиллигини амалда таъминловчи, судлар фаолиятини ташкил этиш, бошқариш ва назорат қилишда бевосита иштирок этувчи, судьяларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилувчи, одил судловни қонуний ва адолатли амалга оширилишига кўмаклашувчи, суд ҳокимиятининг нуфузини ошириш ва фуқароларнинг судларга бўлган ишончини кучайтиришга хизмат қилувчи республика барча судларининг судьялари ва улар томонидан ташкил этиладиган судьялар ҳамжамияти органлари йиғиндиси тушунилади.

Судьялар ҳамжамияти органлари эса суд ҳокимияти манфаатларини ифодаловчи, унинг мустақиллиги конституциявий принципига риоя этилишини таъминлашга, судьяларнинг фаолиятига оид ташкилий, ҳуқуқий, ижтимоий ва бошқа

масалаларни ҳал қилишга кўмаклашиш мақсадида судьялар ҳамжамияти томонидан ташкил этиладиган, қонун ҳужжатлари билан муайян ваколатларга эга бўлган юридик шахслар, уларнинг органлари ва юридик шахс мақомига эга бўлмаган алоҳида тузилмалардир.

Миллий қонунчилигимизда судьялар ҳамжамияти органлари турлари белгиланмаган бўлса-да, амалиётда ушбу органларга хос вазифаларни амалга оширувчи тузилмалар фаолият юритади. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг Судьялар олий кенгаши (кейинги ўринларда - Кенгаш), судьяларнинг малака ҳайъатлари, судьяларнинг конференциялари шулар жумласидандир. Қонунда Кенгаш судьялар ҳамжамияти органи сифатида эътироф этилган бўлса, қолган икки тузилманинг бундай мақомга эгалиги назарда тутилмаган. Ваҳоланки, судьяларнинг малака ҳайъатлари ва конференциялари судьяларнинг мустақиллиги ва дахлсизлиги масалалари, судьялар ҳамжамияти органларини шакллантириш борасида муайян ваколатларга эга³.

Киев конференцияси тавсияларига кўра битта судьялар ҳамжамияти органи кўлида ҳаддан ташқари кўп ваколатларнинг тўпланишини ва корпоративизмнинг олдини олиш мақсадида улар ваколатларини чегаралаш тавсия этилган. Бунинг учун бир институт ёки ваколатли тузилма назоратида фаолият юритадиган суд бошқаруви оид муайян масалаларга масъул бўлган бир неча мустақил органларни ташкил этиш таклиф этилган.

Президентимизнинг ПФ-5953-сон Фармони билан тасдиқланган Давлат дастурида судьялар ҳамжамияти органлари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини шакллантиришни назарда тутувчи “Ўзбекистон Республикаси судьялар ҳамжами-

яти органлари тўғрисида”ги қонунни қабул қилиш белгиланган. Фикримизча, ушбу қонунда судьялар ҳамжамияти ва унинг органлари тушунчаларини белгилаш, судьялар ҳамжамияти органлари таркибига Ўзбекистон Республикаси судьялари съезди, Судьялар олий кенгаши, судьяликка номзодлардан малака имтиҳонини қабул қилиш бўйича Имтиҳон комиссияси, Судьялар олий малака ҳайъати ва жойлардаги судьяларнинг малака ҳайъатлари, вилоят судлари судьяларининг конференцияларини киритиш мақсадга мувофиқ.

Қайд этиш лозимки, судьялар ҳамжамияти органлари ичида Кенгаш марказий ўринни эгаллайди. Европа судьялари Маслаҳат Кенгашининг 10-сонли хулосасига кўра Судьялар кенгаши суд тизимининг аксарият соҳаларидаги фаолиятида, жумладан судьяларни сайлаш, уларни мансаб поғоналари бўйича кўтариш, судьялар фаолиятини баҳолаш, интизомий жавобгарликка тортиш, судьялар малакасини ошириш, ўз бюджетини назорат қилиш ва бошқариш, судларни бошқариш, судья шаънини ҳимоя қилиш, жамият олдида масъулиятли бўлишда асосий ролни ўйнаши керак.

Мамлакатимизда суд ҳокимияти мустақиллигининг конституциявий принципига риоя этилишини таъминлаш мақсадида судьялар ҳамжамиятининг органи сифатида Судьялар олий кенгаши ташкил этилиб, унинг фаолияти махсус норматив-ҳуқуқий ҳужжат – “Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши тўғрисида”ги қонун билан тартибга солинган. Конституциямизнинг 111-моддасида Судьялар олий кенгаши судьялар ҳамжамиятининг органи бўлиб, у Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимиятининг мустақиллиги конституциявий принципига риоя этилишини таъминлашга кўмаклашиши белгиланган. Судьялар олий кенгашига конституциявий мақом берилганлиги унга юклатилган вазибаларни мустақил ва самарали амалга оширилишининг муҳим ҳуқуқий кафолати ҳисобланади. Судьялар олий кенгаши аъзоларининг кўпчилигини судьялар ташкил этиши халқаро талаблар ва суд ҳокимиятининг ўзини ўзи бошқариши принципига тўлиқ мос келади. Масалан, Болгарияда 25 тадан 14 та, Испанияда 21 тадан 13 та, Францияда 18 тадан 12 та, Венгрияда 15 тадан 11 та, Италияда 27 тадан 18 та, Руминияда 29 тадан 16 та Кенгаш аъзолари судьялар ҳисобланади.

Қайд этиш лозимки, суд органлари ва судьяларнинг мустақиллиги кўп жиҳатдан айнан судьялар ҳамжамияти органларини ташкил этиш ва уларнинг фаолияти билан узвий боғлиқдир. Зеро, ушбу органларнинг мустақиллигини таъминламай туриб, бутун суд ҳокимиятининг мустақиллигини таъминлаш имконсиздир.



ЕХХТнинг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюросининг хулосасига кўра, судьялар кенгашлари ёки шунга ўхшаш органлар суд тизими мустақиллигини таъминлашга кўмаклашиш бўйича асосий вазифани бажаради. Ўз ўрнида уларнинг ўзи ҳам мустақил ва холис бўлиши, яъни ижро ва қонунчилик ҳокимияти аралашувидан холи бўлиши зарур. Ҳақиқатдан, судьялар мустақиллиги кафили бўлган органлар фаолиятига аралашиб бутун суд тизими мустақиллигига салбий таъсир кўрсатиши ва уни таҳдид остида қолдириши мумкин⁴.

Бу борада судьялар ва адвокатлар мустақиллиги бўйича БМТнинг махсус маърузачиси Диего Гарсия-Саян томонидан билдирилган тавсияларда⁵, ЕХХТнинг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюросининг 2018 йилдаги “Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши тўғрисида”ги қонунига нисбатан берган хулосасида, шунингдек коррупцияга қарши курашиш бўйича Истанбул ҳаракатлар режаси мониторинги 4-раунд натижалари юзасидан Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилотининг Ўзбекистонга билдирган тавсияларида Судьялар олий кенгаши ҳамда судьяларнинг малака ҳайъатлари фаолиятини халқаро стандартларга мувофиқ такомиллаштириш лозимлиги қайд этилган.

“Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши тўғрисида”ги қонуннинг 5-моддасига мувофиқ Кенгаш раис, раис ўринбосари, унинг аъзолари ва котибидан – жами йигирма бир нафар кишидан иборат таркибда судьялар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари ва ҳуқуқ соҳасидаги юқори малакали мутахассислар орасидан шакллантирилади. Бироқ, Кенгаш таркибда қонунчилик ва ижро ҳокимияти, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар вакилларининг бўлиши суд ҳокимияти мустақиллиги принципига зид ҳисобланади. Кенгаш аъзолигига номзодларга нисбатан талаблар, уларни судьялар орасидан танлаш тартиби ва мезонларининг ҳам белги-ланмаганлиги амалиётда муайян қийинчиликларни туғдиради.

Бу борада инсон ҳуқуқлари бўйича Европа судининг қарорига кўра суднинг мустақиллигини баҳолашда судьялар кенгашига судьяларни тайинлаш тартиби, хусусан тайинлашни амалга оширувчи органларнинг характери суднинг ўзини ўзи бошқарувида долзарбдир. Бунинг учун сиёсий органларнинг таъсирини камайтириш мақсадида суд корпусининг ўзи мустақил равишда ўзининг вакиллари Кенгашга сайлаши муҳимдир⁶.

Судьялар мустақиллиги бўйича Венеция комиссиясининг таъкидлашича, муайян судьялар кенгаши таркиби бир-биридан фарқ қилиши мумкин, бироқ умумий талабга кўра унинг камида ярми ўзларининг ҳамкасблари сайлаган судьялардан ташкил топиши лозим⁷.

Хорижий давлатлар қонунчилигига кўра судьялар орасидан Кенгаш аъзолигига номзодлар Украинада Судьялар съезди, Қозоғистонда Олий суднинг кенгайтирилган ялпи мажлиси, Литвада судьяларнинг умумий мажлиси, Грузияда судьяларнинг ўзини-ўзи бошқариш органи томонидан сайланади.

Судьяларнинг малака ҳайъатлари ҳар бир судьянинг билими, малакаси, одоб-ахлоқи, ҳалоллиги ва бошқа хислатлари ҳақида тўлиқ маълумотга эгаллигини эътиборга олиб, шунингдек Кенгаш аъзолигига номзодларни танлашнинг холис ва шаффоф тартибини белгилаш, унинг таркибини демократик усулда энг муносиб кадрлар билан шакллантириш мақсадида Кенгаш аъзосига қўйиладиган талабларни, Кенгаш аъзолигига номзодлар судьяларнинг малака ҳайъатлари томонидан кўрсатилиши, Кенгаш раиси томонидан қонунда белгиланган тартибда ўтказиладиган суҳбат натижасига кўра муносиб деб топилган номзодлар Ўзбекистон Республикаси Президенти тасдиғига киритилиши тартибини қонунда белгилаш таклиф этилади.

Шунингдек, қонунда Кенгашнинг жамоатчилик асосида фаолиятини олиб боровчи аъзоларига нисбатан талаблар ҳамда уларни танлаш тартибини белгилаш, уларнинг номзодини ўзлари ишлайдиган ташкилот томонидан сайлаш

йўли билан тақдим этиш тартибини белгилаш мақсадга мувофиқдир.

БМТнинг Судьялар ва адвокатлар мустақиллиги масалалари бўйича махсус маърузачиси Д.Гарсия-Саяннинг хулосасига кўра, Кенгашнинг судья бўлмаган аъзоларини танлашнинг қатъий мезонларининг мавжуд эмаслиги амалда зарур билим ва малакага эга бўлмаган номзодларни фақат уларнинг сиёсий мойиллиги асосида лавозимга тайинлаш имкониятини яратади. Бундай аъзоларни сайлаш масаласини сиёсий бўлмаган органга ишониб топшириш мақсадга мувофиқ, ижро органи эса уларни танлаш ва тайинлаш масалалари билан умуман шуғулланиши мумкин эмас⁸.

Руминияда Кенгашнинг судья бўлмаган аъзоси ҳеч бир сиёсий партияга аъзо бўлиши ва беш йил давомида ҳар қандай ҳокимият органларига сайланиши тақиқланган ҳамда илгари Давлат хавфсизлиги департаменти билан ҳамкорликда фаолият юритмаган бўлиши талаб этилади.

“Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши тўғрисида”ги қонуннинг 30-моддасида Кенгаш аъзосининг ваколатларини муддатидан илгари тугатишнинг асослари белгиланган бўлиб, улар ичида касалликка чалиниш ҳамда шаъни, қадр-қимматига путур етказадиган ҳаракат содир этиш ҳолатлари аниқ мазмунга эга эмаслиги уларни жуда кенг талқин этиш эҳтимолини келтириб чиқаради. Бу эса Кенгаш аъзосини ҳар қандай сабабларга кўра лавозимидан озод этиш имконини яратади. Шунингдек, қонунда Кенгаш аъзосининг ваколатини муддатидан илгари тугатиш тартибининг белгиланмаганлиги, ушбу жараёнда Кенгаш аъзосининг иштирок этиши назарда тутилмаганлиги мазкур масалани холис ҳал қилинишини тўлиқ таъминламайди. Бу эса Кенгаш аъзосининг мустақиллиги кафолати сифатида унинг алмаштирилмаслиги принципнинг қонунда белгиланмаганлиги натижасидир.

Амалдаги қонун талабига кўра Кенгаш Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинладиган судьяларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш тўғрисида Президентга тақдимномалар (таклифлар) киритади. Судьялар орасидан тасдиқланган Кенгаш аъзоларининг судьялик мақоми Кенгаш аъзоси лавозимида бўлиши даврида сақлаб қолиниши ҳамда уларнинг давлат раҳбари томонидан лавозимга тасдиқланиши эътиборга олинса, ушбу тартиб Кенгашнинг ўн бир нафар аъзосига ҳам татбиқ этилиши лозим.

Украина давлати қонунчилигига кўра Кенгаш аъзосини муддатидан илгари лавозимидан озод этиш масаласи Кенгаш ёки уни сайлаган судьялар малака ҳайъатининг қарори асосида амалга оширилади.

Юқоридагиларга кўра, қонунда Кенгашнинг доимий асосда фаолият юритувчи аъзоларининг

*Агар сен чин инсон
бўлсанг, нўлатдай
маҳкам бўл.*

Қирғиз мақоли.

ваколатларини муддатидан илгари тугатишнинг аниқ асосларини белгилаш, ушбу жараёнда Кенгаш аъзосининг мажбурий иштирокини таъминлаш, мазкур масала Судьялар олий кенгашининг асослангилган хулосасига асосан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан ҳал қилиниши тартибини белгилаш мақсадга мувофиқдир.

Халқаро стандартларга кўра Судьялар кенгаши аъзоларининг лавозимга такроран тайинланиши улар мустақиллигига салбий таъсир этувчи омил ҳисобланади. Хусусан, такрорий тайинланиш Кенгаш аъзоларининг уларни тайинловчи (сайловчи) орган ёки сиёсий куч олдида бўйсунувини келтириб чиқариши мумкин. Шунинг учун Кенгаш аъзоларини қайта тайинлашни истисно этган ҳолда уларни бир марта узоқроқ муддатга тайинлаш уларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш имконини беради.

Бир қатор мамлакатларда кенгаш аъзоларини кетма-кет лавозимга тайинлаш тақиқланган. Хусусан, Украинада Кенгаш аъзоси 4 йил муддатга сайланади ва қайта сайланиш ҳуқуқига эга эмас⁹, Болгария ва Испанияда кетма-кет иккинчи муддатга сайланиш ҳуқуқисиз 5 йил муддатга сайланади¹⁰, Венгрияда эса 6 йил муддатда қайта сайланишсиз лавозимга сайланади¹¹.

Судьялар олий кенгаши аъзоларининг мустақиллигини янада кучайтириш мақсадида уларнинг кетма-кет икки марта лавозимга тайинланиш тартибини бекор қилиш таклиф этилади.

Судьялар олий кенгашининг мустақиллигини таъминлаш учун унинг молиявий жиҳатдан мустақиллигига эришиш ҳам муҳим саналади. “Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши тўғрисида”ги қонуннинг 34-моддасида Кенгаш моддий-техник ва молиявий жиҳатдан республика бюджети ва бошқа тақиқланмаган манбалар ҳисобидан таъминланиши белгиланган. Бироқ, Кенгашнинг бюджетини тасдиқлашда унинг вакилининг мажбурий иштироки назарда тутилмаган, амалда келгуси йил сметасида кўрсатилган пул маблағлари ижро ва қонунчилик органи томонидан ўзгартирилиши мумкин ва бунда Кенгашнинг розилиги талаб этилмайди.

Европа судьялари Маслаҳат кенгашининг 2-сонли хулосасига кўра ҳокимиятлар бўлиниши тизимида ижро ва қонунчилик органлари суд органлари бюджетини кўриб чиқишда уларга ҳар қандай усулда босим ўткази олмастиклари ҳолати таъминланиши керак. Судларга маблағларни ажратиш ҳақидаги қарор суд тизимининг мустақиллиги принципига қатъий риоя қилган ҳолда қабул қилиниши зарур. Парламент томонидан судлар бюджетини қабул қилишда судларнинг фикрини ҳисобга олиш тартибининг жорий қилиниши муҳим¹².

Судьялар олий кенгашининг молиявий мустақиллигини янада кучайтириш мақсадида унинг алоҳида бюджетга эга бўлишини таъминлаш ҳамда бюджетни шакллантириш ва қабул қилишда бевосита иштирок этиш, бюджет маблағларини камайитириш ёки рад этиш масалалари Кенгаш билан маслаҳатлашган ҳолда ҳал қилиниши тартибини белгилаш таклиф этилади.

Қайд этилган таклифларнинг амалда ўз ифодасини топиши нафақат судьялар ҳамжамияти органларининг, балки бутун суд ҳокимияти мустақиллигини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.



Фойдаланилган адабиётлар:

1. Дмитриев Ю.А., Шапкин М.А., Шумилов Ю.И. Правоохранительные органы Российской Федерации: учебник // под ред. Ю.А.Дмитриева. – М.: изд-во «Омега-Л», 2010. – С. 269;
2. Органы судебсого самоуправления. Карьера судей. Доклад рабочей группы “Независимые судебные системы”. Страсбург, сентябрь 2011г;
3. Судьяларнинг малака ҳайъатлари тўғрисидаги Низомнинг 2-моддаси;
4. Окончательное заключение БДИПЧ ОБСЕ о проекте изменений в Закон о Национальном судебном совете и некоторые другие законы Польши (5 мая 2017 г.), п. 37;
5. <https://undocs.org/ru/A/HRC/44/47/ADD.1>;
6. ЕСПЧ, Александр Волков против Украины, (Заявление 21722/11), решение от 9 января 2013 г., п. 112, см. на сайте https://www.google.com/url?sa=t&rct=j&q=&esrc=s&source=web&cd=1&ved=2ahUKEwi-o7Pc58bdAhXMKQKHwFQCFwQFjAAegQIABAC&url=https%3A%2F%2Fwww.legislationline.org%2Fdocuments%2Fid%2F17748&usg=AOvVaw0N6_tYvw2G_soEGSb81mQy;
7. Венецианская комиссия, Заключение по проектам Закона о внесении изменений в Закон о Национальном судебном совете, в Закон о Верховном суде, предложенным Президентом Польши, и в Закон об обустройстве обычных судов, (11 декабря 2017 г.), п. 17, на сайте: http://krs.pl/admin/files/www/venice_com._opinion%20cdlad9042017031_of_11.12.2017_on_draft_acts_krs_sn_usp.pdf;
8. <https://undocs.org/ru/A/HRC/44/47/ADD.1>;
9. Статья 5-2 закона Украины «О высшем совете юстиции» № 1798 VIII от 21 декабря 2016 г. <http://www.legislationline.org/documents/id/20642>;
10. https://www.ency.eu/images/stories/pdf/factsheets/bcc_vss_bulgaria.pdf https://www.ency.eu/images/stories/pdf/factsheets/cgpi_spain.pdf;
11. Информационный листок о Национальном судебном совете Венгрии: https://www.ency.eu/images/stories/pdf/factsheets/obt_hungary.pdf;
12. Заключение № 2 Консультативного совета европейских судей (KCEC), пп. 5, 10, см. на сайте: <https://rm.coe.int/1680747492>.



Бахтиёр ИСРАЙЛОВ,
Тошкент шаҳар
иқтисодий суди
судьяси

ИНГЛИЗ ҲУҚУҚИДА ХОДИМ СОҒЛИФИГА ЕТКАЗИЛГАН ЗАРАР УЧУН ИШ БЕРУВЧИНИНГ ФУҚАРОЛИК-ҲУҚУҚИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

Иш берувчининг ходимнинг соғлигига (меҳнатда майиб бўлиши, касб касаллигига чалиниши ёки у ўз меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда соғлигининг бошқача тарзда шикастланиши сабабли) етказилган зарарни қоплаш бўйича жавобгарлиги ва ушбу зарарни қоплаш масаласи саноатлашган даврда Европа ва Англия ҳуқуқида долзарб аҳамият касб этган.

XIX аср бошларида завод ва фабрикалар кўпайиши натижасида ишлаб чиқаришда ходимларнинг жароҳатланиши Европада давлатлар томонидан меҳнат хавфсизлигини таъминлаш ҳамда меҳнатда жароҳатланган ходимлар ҳуқуқларини оммавий-ҳуқуқий тартибга солиш йўли билан қатъий талаблар ўрнатилишига олиб келди (масалан, Англияда 1897 йилдаги “Ишчиларга етказилган зарарни қоплаш тўғрисида” конун (Workmen’s Compensation Act 1897)¹).

Соғлиққа етказилган зарар азалдан фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солиш объекти бўлиб, бу деликт доирасида ҳал қилиб келинган. Бироқ, юқорида келтирилган каби ҳолатлар кўпайгач, ходимлар учун қулай ва қисқа фурсатда, узоқ ва оғир суд жараёнларисиз соғлиққа етказилган зарарни қоплаш механизмларини ишлаб чиқиш талаб этиларди. Бу мақолада биз Англия ҳуқуқида ходим соғлигига етказилган зарарни қоплашнинг ҳуқуқий асосларини Ўзбекистон ҳуқуқига қиёслаб кўриб чиқамиз.

Англия ҳуқуқида ходим соғлигига етказилган зарар бўйича иш берувчининг жавобгарлиги

Инглиз ҳуқуқида ходим соғлигига етказилган зарар ўрта асрлардан буён анъанавий тарзда (Рим ҳуқуқи анъаналари) деликт ҳуқуқи доирасида ҳал қилиб келинган. Яъни, бу ҳолат фуқаролик ҳуқуқий муносабат сифатидагина тан олинди, ходим ҳуқуқлари фуқаролик-ҳуқуқий ҳимоя қилиш механизмлари билан ҳимоя қилинган.

Ходимнинг ўз соғлигига етказилган зарарни қоплаш бўйича берган биринчи даъвоси 1837 йилда берилган ва бу даъво суд томонидан қаноатлантирилмаган. Кейинги юз йилликда ҳам бундай даъволар кўпайди, бироқ уларнинг аксарияти қаноатлантирилмади. Инглиз ҳуқуқшунос олими М. Стейн (М. А. Stein) кўплаб сабабларни келтиради: соғлиққа етказилган зарарда айбни исботлаш жуда қийин эди, қолаверса кўплаб статут нормалари юқори исботлаш стандартлари сабабли иш берувчиларга жавобгарликдан қутулиб қолиш имконини берарди. Судлар эса ишчилар ҳуқуқлари ҳимоясини кўзлаб ишлаб чиқилган янги нормаларни бирма-бир бекор қиларди².

Лекин, судлар ишлаб чиқаришдаги жароҳатланишни деликт доирасида кўришга нисбатан позицияларини ўзгартира бошлади ва ҳукумат алоҳида қоидалар ишлаб чиқишга киришди. Чунки, жароҳатланиш кўпайиб борар ва уларни суд орқали ҳимоя қилиш қийинлашарди. Масалага ечим топиш учун парламент ишлаб чиқарувчиларнинг ходим соғлигига етказилган зарар учун жавобгарлигини суғурталаш талабини ҳам киритди.

Судлар меҳнат хавфсизлигига оид қонунчилик талабларини бузиш ўз-ўзидан деликт мажбуриятларни бузиш ҳисобланмади ва жавобгарликка асос бўлолмади, деган тўхтамга келишди. Лекин, айни ўхшаш вазиятда эса йўл ҳаракат хавфсизлигини бузиш деликт мажбуриятлар келтириб чиқариши ҳақида қарор чиқарарди.

Ходимлар соғлигига етказилган зарарни қоплаш (Workers’ compensation) бўйича алоҳида нормалар

Унга кўра ишлаб чиқариш жараёнида ишчи соғлигига етказилган зарарни иш берувчи қоплашига оид алоҳида қоидалар белгиланди. Юқорида айтилган каби, ишчи соғлигига етказилган зарарни деликт доирасида ундиришнинг узоқ ва қийинлиги, юқори исботлаш стандартлари мавжудлиги, судларнинг позицияларидан келиб чиқиб алоҳида тартибга солиш механизми талаб этиларди. Ушбу ҳолат ишчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга давлат кучининг интервенциясини тақозо этди ва 1897 йил Англия парламенти “Ишчилар соғлигига етказилган зарарнинг компенсацияси тўғрисида”ги қонунни қабул қилди.

Бугунги кунгача мазкур қонунга бир неча ўзгариш киритилиб, ушбу соҳани тартибга солувчи янги қонунлар қабул қилинди.

Махсус қонунга кўра ходимнинг соғлигига етказилган зарар тўлиқ иш берувчи томонидан қопланади. Ушбу жавобгарлик куйидаги шартларга асосланади:

соғлиққа етказилган зарар (жароҳат, касаллик, майиб бўлиш)нинг меҳнат фаолияти билан боғлиқ бахтсиз ҳодиса сабабли юзага келиши;

меҳнат (ишлаб чиқариш) фаолиятдан ташқари бўлса-да, ишлаб чиқариш жойида бошқа шахслар ноқонуний ҳаракати (учинчи шахслар иш жойига келиб жароҳат етказиши) ёки объектив сабабларга кўра (иш вақтида чақмоқ уриши) зарар етиши;

зарар иш вақтида ва иш жойида етказилиши (ишлаб чиқаришдан танаффус вақтида, лекин ишлаб чиқариш жойида содир бўлиши);

ишга бориш ва келишда етказилган зарар;

иш фавқулодда ҳолатлардаги фаолиятда зарар етказиши (фавқулодда вазиятларда ходимнинг фавқулодда чоралар кўриши оқибатида унинг соғлигига етказилган зарар).

Шундай қилиб, ходим ўз соғлигига етказилган зарарни иш берувчидан ундиришда қуйидагиларни исботлаши етарли:

зарар етказилганлик фактини;

иш берувчи томонидан мажбуриятларининг бузилиши (масалан, техника хавфсизлиги учун етарли шароит яратмаганлиги);

унда иш берувчининг айби;

зарар ва меҳнат фаолияти ўртасидаги сабабий боғланишни.

Мазкур жавобгарлик таркиби деликт билан деярли бир хил бўлса ҳам, унинг исботлаш стандартлари ходимнинг фойдасига енгилроқдир. Масалан, ишлаб чиқариш жараёнида ходим юрак хуружига учради, бу ҳолат иш берувчида жавобгарлик келтириб чиқаради. Бунда ишлаб чиқариш юрак хуружига зарурий сабаби бўлгани исботланиши талаб этилмайди, фақатгина ишлаб чиқариш жараёни юрак хуружи келиб чиқишига потенциал шароит (causa causans) яратганини исботлаши етарлидир³.

Иш берувчи жавобгарлиги белгилари (Elements of liability)

Ходим соғлигига етказилган зарар бўйича иш берувчининг кенг маънодаги жавобгарлиги инглиз ҳуқуқида қуйидагилардан иборат:

ходим томонидан учинчи шахсларга етказилган зарар бўйича жавобгарлик (vicarious liability);

умумий ҳуқуқ нормаларининг бузилиши учун иш берувчининг жавобгарлиги (breach of common law duty);

иш берувчининг ўзи томонидан унга қонун билан юклатилган мажбуриятларни бузганлик (breach of statutory duty) учун.

Юқорида айтганимиздек, иш берувчига ходим соғлигига етказилган зарарни қоплаш ва унинг шартлари қонун билан юклатилган. Демак, қонун ўрнатган талабларнинг (масалан меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлигига оид) иш берувчи томонидан бузилиши оқибатида ходим соғлигига зарар етган тақдирда иш берувчи зарарни тўлиқ қоплаши лозим бўлади.

Иш берувчи меҳнат шароитлари яратишда назарда тутиши шарт бўлган хавфлар ва унинг мажбуриятларини аниқлаштириш бўйича қизиқ кейс мавжуд. Унга кўра иш берувчи берган ҳимоя оёқ кийимидаги кичкина тешиқдан ходим оёғига сув киради ва оқибатда



ходим оёғини совуқ уради. Ушбу ҳолат бўйича ходим судга мурожаат қилади, у берган ҳимоя оёқ кийимидаги нуқсон – тешик сабабли оёғи совуқ урганини таъкидлайди. Лекин, суд иш берувчига жавобгарлик юкламайди. Суднинг фикрича, гарчи иш берувчи сифатсиз ҳимоя оёқ кийими берган бўлса-да, у оёқ кийими совуқ урушидан ҳимоя қилишга мўлжалланмаган ва бунинг хавфини олдини олиш учун берилмаган. Мазкур оёқ кийимлар ходим оёғини бошқа предметлар тепадан тушиши оқибатида зарар етмаслиги учун ҳимоя воситаси сифатида берилган⁴. Бу эса махсус қоидалар белгилаган жавобгарлик устидан деликт жавобгарлик механизми устунлигини кўрсатади.

Иш берувчи жавобгарлигини суғурталаш

Бугун Англияда деярли барча иш берувчилар ходим соғлигига етказилган зарар бўйича жавобгарликдан суғурта қилинган. Шу сабабли ҳам 98% ходим соғлигига зарар етказиш бўйича ишлар суддан ташқари ҳал бўлади. Иш берувчилар ҳам кам ҳолатлардагина жавобгарлик бўйича низолашадилар. Тадқиқотларга кўра ўз жавобгарлигини тан олмай низолашган иш берувчилар 20% ни ташкил этган, холос⁵.

Хулосалар

Ҳозирда Англия статутлари ва Европа Иттифоқи директивалари билан тасдиқланган меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлигига оид кенг қамровли норматив ҳужжатлар мавжуд. Улар иш берувчиларни ишлаб чиқариш ва меҳнат фаолияти жараёнидаги мажбуриятларини аниқ белгилаб берган. Ушбу норма талабларининг бузилиши оқибатида ходим соғлигига зарар етиши Англияда иш берувчининг жавобгарлигини келтириб чиқаради.

Энг муҳими, ушбу алоҳида нормаларнинг ишлаб чиқиши ходим соғлигига етказилган зарарни қоплаш жараёнида ходим ҳуқуқларини ҳимоя қилишни назарда тутлади.

Агар деликт доирасида зарар ундирилиш белгиланса, юқорида айтилгани каби ходим учун бу бир қанча қийинчиликларни келтириб чиқаради. Иш берувчи ушбу муносабатларда кучли ўйинчи бўлиб, исботлаш стандартлари унинг фойдасига ишлайди, зарар ундириш узоққа чўзилади айрим ҳолларда имконсиз бўлиб қолади. Айни шу сабабли кўплаб зарар етган ходимлар судга мурожаат қилмайди.

Хуқуқ эса адолатни таъминлашга хизмат қилувчи воқелик бўлгани ҳолда мазкур реалликни ҳисобга олиши лозим эди. Махсус статутнинг ишлаб чиқилиши (биринчиси 1897 йил), зарарнинг судгача маъмурий тартибда ундирилишининг йўлга қўйилиши, иш берувчи жавобгарлигининг суғурталаниши, айрим ҳолатларнинг (масалан, техника хавфсизлиги учун тўлиқ шароит яратгани) исботлаш мажбуриятининг иш берувчига юкланиши (яъни презумпцияни ўзгариши) ходимлар соғлиғига етказилган зарар учун иш берувчи жавобгарлигининг муқаррарлиги ва адолатли ҳал этилишини таъминловчи механизм бўлди.

Мазкур механизм сабабли Англияда ходим соғлиғига етказилган зарар бўйича иш берувчи жавобгарлигини таъминлаш аксарият ҳолларда судга етиб бормайди. Бироқ, низо бўйича тарафлар мазкур махсус қоидаларга кўра жавобгарликни белгилай олмаса, низо деликт тартибида кўрилиши ҳам мумкин. Бу йўл доим очик.

Ўзбекистон Республикасида ходим соғлиғига етказилган зарарни қоплаш масалалари

Меҳнат кодексининг 187-моддасида ўз меҳнат вазибаларини бажариши муносабати билан ходимга етказилган зарарни иш берувчи тўлиқ ҳажмда тўлаши белгилаб қўйилган. Шуни таъкидлаш керакки, иш берувчининг ходимга етказилган зарар учун жавобгарлиги тўлиқ моддий жавобгарлик бўлиб, у фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик билан зарарни қоплаш ҳажми ва миқдори бўйича айнан бир хил эмас. Шу туфайли иш берувчининг ходимга етказилган зарар учун жавобгарлигида ҳам икки хил: меҳнат ҳуқуқидаги зарар категорияси ва фуқаролик ҳуқуқидаги зарар категорияси қўлланилади. Бу ҳар икки категориялар турли жавобгарлик турларини вужудга келтиради.

Меҳнат қонунчилигидаги

жавобгарлик оқибатида зарарни қоплаш

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 187-моддасига мувофиқ, иш берувчи қуйидаги ҳолларда моддий жавобгарликка тортилади:

1) *ходимнинг соғлиғига меҳнатда майиб бўлиши, касб касаллиғига чалиниши ёки у ўз меҳнат вазибаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда соғлиғининг бошқача тарзда шикастланиши ёки вафот этгани сабабли етказилган зарар (шу жумладан маънавий зарар) учун (МК 189-м.);*

2) *ходимнинг меҳнат қилиш имкониятидан зайриқонуний равишда маҳрум этилганлиги туфайли етказилган зарар учун (МК 188-м.);*

3) *ходимнинг мол-мулкига етказилган зарар учун (МК 196-м.).*

Таъкидлаш лозимки, Меҳнат кодексининг 189, 196-моддаларида қайд қилинган моддий жавобгарликнинг турлари ҳам мунозаралидир. Мазкур моддаларда назарда тутилган объектларга нисбатан зарар етказилганида жавобгарликнинг айнан қайси тури белгиланиши ҳақида баҳс-мунозаралар ҳамон давом этиб келмоқда.

Фуқаролик ҳуқуқий-жавобгарлик билан зарарни қоплаш

Ходим соғлиғига етказилган зарар бўйича иш берувчининг жавобгарлиги фуқаролик-ҳуқуқий жиҳатдан деликт ҳисобланади ва Фуқаролик кодексининг тегишли нормалари қўлланилади.

Деликт даъвода ходим қуйидаги шартларни исботлаши лозим бўлади:

зарар фактини;

иш берувчининг гайриҳуқуқий ҳаракатини ёки мажбуриятлари бажарилмаганини;

иш берувчининг айбини;

зарар ва иш берувчи ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги ўртасидаги сабабий боғланишни.

Бироқ, Ўзбекистон қонунчилиги ҳам деликт даъво орқали ходим ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қийинлигини, исботлаш механизмлари мураккаблиги ва ходимнинг кучсиз тараф эканлигини инobatта олган ҳолда меҳнатга оид қонунчиликда ходимга етказилган зарарни қоплаш шартлари ва асосларини белгилаб берган. Лекин, бу деликт даъволарни истисно қилмайди.

Хулосалар

Ўзбекистон меҳнат қонунчилиги ривожланган ҳуқуқ-тартиботлар каби ходимга етказилган зарарни қоплаш бўйича қатъий алоҳида нормалар ишлаб чиққан ва Меҳнат кодексига уларни белгилаган. Бу ходимга зарарни ундириш бўйича устун имконият беради ва деликт йўли билан судларда кўп вақт ва куч йўқотишининг олдини олади. Албатта, кучсиз тараф сифатида этика нуқтаи назаридан хусусий-ҳуқуқий муносабатларга бундай оммавий-ҳуқуқий интервенция адолатлидир.

Шунга қарамасдан, судлар ходимлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича даъволарда фуқаролик-ҳуқуқий механизмларни қўллаш тарафдори бўлган ишлар мавжуд. Янги Меҳнат кодекси лойиҳасида ходимга етказилган зарарни қоплашга қаратилган нормаларни қолдириш, имкон қадар уларни фан-техника тараққиётини инobatта олган ҳолда такомиллаштириш зарур. Бунда Халқаро меҳнат ташкилоти тавсиялари ва Европа Иттифоқи директиваларидан андоза олиш мақсадга мувофиқдир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Richard Lewis. Employers' Liability and Worker's Compensation: England and Wales. Employers' Liability and Workers' Compensation Publisher: De Gruyter. 2012. 15;
2. Stein, Michael Ashley, Victorian Tort Liability For Workplace Injuries. University of Illinois Law Review, Vol. 2008, p. 933, 2008, William & Mary Law School Research Paper No. 09-04, Available at SSRN: <https://ssrn.com/abstract=1354828> ;
3. Richard Lewis. Employers' Liability and Worker's Compensation: England and Wales. Employers' Liability and Workers' Compensation Publisher: De Gruyter. 2012. 151;
4. The Management of Health and Safety at Work at Regulations 1999 (SI No 3242) reg 3;
5. T Goriely/R Moorhead/P Abrams, More Civil Justice? The Impact of the Woolf Reforms on Pre-Action Behaviour (2002) 103.

ТИЛ ВА ЮРАК



Луқмони ҳакимни бир киши сотиб олиб, даргоҳида хизмат қилдирарди ва ундаги илми ҳикматни гоҳи-гоҳида синаб кўрарди. Бир куни имтиҳон тарзида буюрди:

– Эй Луқмон, менга бир кўйни сўйиб, энг яхши аъзосини олиб келгин.

– Бош устига, – деди Луқмон ва кўйни сўйиб, тили билан юрагини хожасига элтди.

Анча муддат ўтгандан кейин хожя уни яна чақириб, деди:

– Эй Луқмон, бир кўйни сўйгинда, менга унинг энг ёмон аъзосини олиб келгин.

Луқмон кўйни сўйиб, яна тили билан юрагини кўтариб келди. Хожя деди:

– Нега кўйнинг энг яхши аъзосини сўрасам ҳам, энг ёмонини сўрасам ҳам тил ва юракни кўтариб келдинг?

Луқмон деди:

– Эй хожя, агар пок бўлса, ҳеч нарса тил ва юракдан яхши эмас. Агар нопок бўлса, ҳеч нарса улардан ёмонроқ эмас.



Абдуманноб РАХИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти ҳузуридаги
Давлат бошқаруви
академияси мустақил
изланувчиси, юридик
фанлар номзоди

ПАРЛАМЕНТ – ЖАМИЯТ ҲАЁТИНИНГ КЎЗГУСИ

Дарҳақиқат, дунёдаги ривожланган мамлакатларнинг фуқаролари – бундай тараққиётга қандай эришгансиз, деган саволга, аксарият холларда бир хил жавоб беришади, “Биз ислохотларни энг аввало мамлакатда қонун устуворлигини таъминлашдан бошладик”.

Демак, бундан хулоса қилиш мумкинки, қонун устувор бўлса ислохотлар самара беради. Самарали ислохотлар мамлакат тараққиётга хизмат қилади. Тараққиёт бўлса, адолат бўлади. Адолатли жамиятдагина инсон ҳуқуқ ва эркинликлари таъминланади, фуқаролар давлатдан рози бўлади. Шунинг учун ҳам Давлатимиз раҳбари 2017 йил халқимиз ва парламентга йўллаган Мурожатномасида — “Мен бир фикрни такрорлашдан чарчамайман: халқимиз ҳамма нарсадан устун кўядиган адолатни ҳаётимизда том маънода қарор топтириш энг асосий вазифамизга айланиши шарт” эканлигига алоҳида эътиборимизни қаратган эдилар.

Таъбир жоиз бўлса, мамлакатда қонун устуворлиги деганда Асосий қонун – Конституциянинг устуворлиги тушунилади. Конституция қачон устувор бўлади, қачонки бирорта ҳам қонун ёки норматив-ҳуқуқий ҳужжат Конституция нормалари ва қоидаларига зид келмаганда. Ушбу конституциявий қоида қонун чиқарувчи ҳокимият ва норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиш ваколати-

га эга бўлган давлат органлари мансабдор шахсларга катта масъулият юклайди.

Шу ўринда қонун чиқариш ваколатига эга бўлган олий вакиллик органи – Олий Мажлис фаолиятига эътиборингизни қаратсак.

Дунё амалиётидан маълумки, ҳар қандай демократик давлатларда ислохотларнинг ҳуқуқий пойдевори сифатида мамлакат парламенти чиқарган қонунлар хизмат қилади. Фақат парламент томонидан чиқарилган қонунларгина ислохотларнинг самарали ижросини таъминлай олади. Чунки, парламент доим очиқ ва ошқора фаолият юритади, қонунларни халқ билан бамаслаҳат (муҳокамадан ўтказиб) қабул қилади. Халқ вакиллари ва фақат улар олдида ҳисобдор бўлган Қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг фаолияти бошқача бўлиши мумкин эмас.

Қолаверса, Президентимиз томонидан “Бизнинг мақсадимиз – халқ ҳокимиятини сўзда эмас, амалда таъминлашдан иборат. Бу – биз яшаётган бугунги мураккаб даврнинг асосий талабидир. Такрор айтишга тўғри келади – одамларимиз ўз ҳаётида ижобий ўзгаришларни бугун кутмоқда” деган таъкидларида миллий парламент фаолиятини самарали йўлга қўйиш талаби кўйилган десак, тўғри бўлади.

Кейинги йилларда Президентимиз таклифи билан мамлакат парламенти — Олий Мажлис катта ваколатларга эга бўлди. Масалан, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ва Сенати раисининг биринчи ўринбосарлари лавозимини таъсис этилганлиги унинг самарали фаолият юритишига замин яратди. Шунингдек, парламент назорати институти янада такомиллаштирилди. Масалан, жойларда бюджет маблағларининг мақсадли сарфланиши ва улардан самарали фойдаланилиши масалаларини ўрганиш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви



органлари раҳбарларининг улар томонидан қонунларга риоя этилиши, Қонунчилик палатаси ва унинг Кенгаши, Қонунчилик палатаси кўмиталари қарорларининг бажарилиши тўғрисидаги ахборотини эшитиш, Қонунчилик палатасида қоида тариқасида, бир ойда бир марта ҳукумат аъзоларининг Қонунчилик палатаси депутатлари саволларига жавоб бериши (ҳукумат соати), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аъзолигига номзодларни Қонунчилик палатаси томонидан маъқуллангандан кейингина Президент томонидан тасдиқланиши (лавозимидан озод қилиш) каби қоидалар қонунларда мустаҳкамланди.

Албатта юқорида келтирилган ваколатлар доирасида парламент ўз фаолиятида сезиларли ўзгаришларга эришмоқда. Бироқ, буларни бугунги кун талаби даражасида деб бўлмайди. Шунинг учун ҳам юқорида номи қайд этилган Давлат дастурида демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва мамлакатни модернизация қилишда Олий Мажлис палаталари ролини янада кучайтириш муҳим вазифа сифатида бежизга белгиланмаган, деб ўйлаймиз.

Дунё амалиётида парламентни давлат ҳокимияти тизимидаги ўрни алоҳида эканлигини юқорида келтириб ўтдик. Шуни кўшимча қилишимиз мумкинки, давлат ҳокимияти органлари парламентга қанчалик ҳисобдор бўлса, демак улар халқ олдида ҳам шунчалик ҳисобдор бўлади. Шундагина давлат халқ иродасини ифода этади, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулиятини ҳис этади.

Қолаверса, бизнинг тасаввуримиздаги Янги Ўзбекистонда истиқомат қилаётган барча фуқароларнинг орзу-ҳаваслари, умидлари, қўйингки ғам-ташвишлари давлат ҳокимияти тизимининг олий вакиллик органида ифода этилмас экан, Олий Мажлис – миллий парламент жамият ҳаётининг кўзгусига айланмайди.

Келгусида Олий Мажлисни янада самарали фаолият юритиши учун нималарга эътибор қаратилиши керак?

Биринчидан, парламент томонидан қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва қабул қилиш босқичларида шовша-шошарликка йўл қўйилмаслик керак. Парламент аъзолари бу каби шовша-шошарликларни ислохотларни жадал олиб борилаётганлиги билан ҳас-пўшламаслиги лозим. Чунки, қонунларни қисқа муддатларда ишлаб чиқиш ва қабул қилиш амалиёти уларни сифатига албатта салбий таъсирини ўтказмасдан қол-



майди. Сифатсиз қонунлар эса жамиятда турли муаммоларни келтириб чиқаради.

Иккинчидан, Конституция ва қонунларга ўзгартиш ва қўшимчаларни тез-тез киритилиши уларга нисбатан фуқароларда ишончсизлик ҳиссини пайдо қилади. Ахир барқарор муносабатларни тартибга солиш мақсадида қабул қилинган қонунлар ўзи ҳам барқарор бўлиши керак-да.

Учинчидан, Олий Мажлис давлат органлари ва мансабдор шахслар томонидан қонунларнинг ижросини, шунингдек хориждан жалб қилинаётган давлат ташқи қарзларини, уларни мақсадли ишлатилишини қаттиқ назоратга олиши жуда муҳим ҳисобланади.

Шундагина, миллий парламент Давлат раҳбарининг талабларига мувофиқ фаолият юритган бўлади. Қолаверса, фуқаролар ҳам ўзлари ишонч билдириб Олий Мажлис қуйи палатасига сайлаган вакилларидан, қолаверса, давлатдан рози бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси: Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессиясида 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган – Тошкент: Ўзбекистон, 2017.;
2. “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида”ги Конституциявий қонуни // Олий Мажлис ахборотномаси. – 2002. – № 12. – 215-модда;
3. “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида”ги қонун // Олий Мажлис ахборотномаси. – 2003. – №9 – 10. – 136-модда;
4. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2018.;
5. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси (матн) / Ш.М.Мирзиёев. – Тошкент: “Тасвир” нашриёт уйи, 2020.



Маликахон ҚАЛАНДАРОВА,
Судьялар олий мактабининг “Иқтисодий ҳуқуқ” кафедраси мудири, юридик фанлар номзоди

ҲУҚУҚ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ҲОЗИРГИ БОСҚИЧИДА – РАҚАМЛИ ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИ

Давлат харидлари миллий иқтисодиёт ўсишининг омилларидан бири бўлиб, кичик бизнеснинг ривожланиши ва мамлакат иқтисодий тараққиётида иштирок этишида муҳим роль ўйнайди ҳамда ҳудудларнинг ривожланишига хизмат қилади. Шу муносабат билан иқтисодий бошқарув сифатини яхшилашда давлат харидларида шартнома муносабатларининг субъекти сифатида давлат иштирокининг самарадорлигини ошириш талаб қилинади.

Рақамли иқтисодиёт шароитида давлат харидларини амалга ошириш тенденциялари

Жаҳон иқтисодиётида юз бераётган таркибий ўзгаришлар, инновация ва ахборот омилининг кучайиши¹ ва тўртинчи саноат инқилобининг бошланиши² ўз навбатида давлат иқтисодий фаолиятини тартибга солиш тизимидаги туб ўзгаришларни, ахборот тизимлари инфратузилмасини, шу жумладан, давлат ва бюджет ташкилотлари эҳтиёжлари учун давлат харидлари соҳасида, хусусан, давлат томонидан тартибга солиш тизимида, ахборот тизимлари инфратузилмасида туб ўзгаришларни белгилайди. Илмий-техник ва технологик инқилоб харидларни амалга ошириш ёндашувларини ўзгартирмоқда.³

Рақамли технологиялардан фойдаланиш натижасида инсоннинг кундалик ҳаёти, ишлаб чиқариш муносабатлари ҳамда иқтисодиёт ва таълимда самарали ёндашув ўзгариб бормоқда. Шунингдек, алоқа, ахборот тизимлари ва хизматларига янги талаблар пайдо бўляпти, натижада давлат буюртмаси бозорини ташкил этишининг янги институционал шаклини модернизация қилиш ва шакллантириш зарурати юзга келмоқда. Бу эса “ақлли” харид иқтисодиётини яратишга имкон беради⁴.

Жаҳон амалиёти шуни кўрсатадики, давлат харидлари тизими рақамли трансформациянинг воситаси бўлиб хизмат қилади. Давлат харидлари тизимининг жорий этилиши унинг иштирокчилари учун бу жараённи ошқора, бизнес учун қулай, иқтисодий жиҳатдан самарали ва коррупцияга қарши қаратилган ёндашувга асосланишини талаб этади.

Давлатнинг халқаро рейтинглардаги ўрни яхшилаш давлат ва бюджет ташкилотлари эҳтиёжларини қондиришининг самарадорлигини ошириш, давлат харидлари тўғрисидаги қонунчиликни ислоҳ қилишга устувор вазифалардан бири сифатида қараш билан бир қаторда, ўз

навбатида, янги ахборот технологияларидан фойдаланиш орқали эришиш мумкин бўлган рақобат тартиб-таомилларини жорий этишни ҳам биринчи ўринга қўйишни талаб қилади. Жумладан, мамлакатнинг рақобатбардошлиги ва фаровонлигини ошириш учун ахборот ва коммуникация технологияларидан тўлиқ фойдаланишга имкон берадиган омиллар, сиёсат ва институтларни баҳолайдиган тармоқ тайёрлиги кўрсаткичида Ўзбекистон иштирокчи давлат сифатида олинмаган. Бунга сабаб сифатида ушбу индексни шакллантириш учун белгиланган 4 та йўналишдаги мезонлардан 3 та йўналишдаги саволларга барча маълумотлар борлигига қарамадан, технологияларга оид мезонлар ҳақида маълумотлар мавжуд эмаслиги кўрсатилган⁵.

Ўзбекистонда давлат харидлари жараёнини рақамлаштиришнинг ҳуқуқий асослари

Президентимизнинг 2020 йил 5 октябрдаги “Рақамли Ўзбекистон - 2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора тadbирлари тўғрисида”ги фармонида электрон ҳукуматни ривожлантириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Очiq маълумотлар порталида давлат органлари ва ташкилотлари томонидан давлат харидларини амалга оширишга оид маълумотлар онлайн режимда жойлаштирилишини таъминлаш, давлат харидлари махсус ахборот порталини такомиллаштириш назарда тутилган⁶.

Ҳозирги кунда давлат харидлари тизими электронлаштиришга қаратилган сезиларли ўзгаришлар амалга оширилди. Электрон платформа яратилди, давлат харидлари махсус ахборот порталида “электрон дўкон” модули ишга туширилди. Давлат харидлари тизимидаги кейинги босқич “ақлли” технологияларга (блокчейн, смарт контрактлар, сунъий интеллект) ўтиш орқали рақамлаштириш ҳисобланади.

Президентимизнинг 2018 йил 3 июлдаги “Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига кўра, 2021 йил 1 январдан давлат харидларини амалга оширишда блокчейн технологияларини тадбиқ этиш назарда тутилган эди⁷.

Кейинчалик, Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 26 январдаги “Давлат харидларини амалга оширишда харид қилиш тартиб-таомилларини ташкил этиш жараёнларини ахборот коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда янада такомиллаштириш чоралари тўғрисида”ги қарори билан давлат харидлари марказий ахборот портални юритиш бўйича функционал талаблар тасдиқланди.

Давлат харидлари тизимининг ривожланиши электрон харидлари билан боғлиқ бўлиб, у энг аввало сотувчиларни (пудратчи, ижрочи) аниқлашнинг барча усулларини электрон шаклга ўтказишга қаратилган.

Амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларда давлат бошқаруви тизимини тубдан ислох қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”нинг 1.2 — “Давлат бошқаруви тизимини ислох қилиш” бандида иқтисодиётни тартибга солишда давлат иштирокини босқичма-босқич қисқартириш орқали давлат бошқаруви ва давлат хизмати тизимини ислох қилиш назарда тутилган бўлиб, унда давлат харидларини бошқаришнинг самарали тизимини шакллантириш алоҳида ўрин эгаллайди.

Мазкур мавзуни тадқиқ қилишдан мақсад интеллектуал шартнома тизимини харидлар жараёнига жалб этишнинг айрим фуқаролик-ҳуқуқий жиҳатларини ўрганиш ва субъектив инсон омилини истисно этиб, давлат харидлари соҳасида қарорлар қабул қилиш, шартномалар тузиш функциясини сунъий интеллектга беришнинг афзалликларига ҳуқуқий жиҳатдан баҳо бериш бўлиб ҳисобланади.

Давлат харидлари тизимига интеллектуал технологияларни жорий этиш бўйича қуйидаги таклифларни билдириш мақсадга мувофиқ.

Ҳозирги вақтда, амалиётда давлат томонидан харид қилиш ва сотиш доирасидаги хизматларни яхшилаш учун:

- блокчейн-тармоғидан фойдаланиш:

Украинада блокчейн технологиясига асосланган мусодара қилинган мулкни сотишда фойдаланиладиган дунёдаги биринчи электрон аукцион расмий ишга туширилиши бўлиб ўтди⁸;

- рақамли юридик интерфейс функциясининг пайдо бўлиши: “МегаФон” алоқа оператори “Харидларни бир соатда таҳлил қилиш” деб номланган давлат харидлари ҳужжатларини текшириш хизматини ишга туширди. Ушбу хизмат



савдоларда ҳуқуқшунос ёрдамисиз иштирок этиш, ҳужжатларни текшириш ва зарур бўлганда шикоят аризаларини расмийлаштириш имконини беради, бу эса адвокатсиз савдода иштирок этиш, ҳужжатларни текшириш ва керак бўлганда шикоят қилиш имконини беради⁹;

- сунъий ақлнинг нейрон тармоқлари ва алгоритмларидан фойдаланиш: “Газпром” “Антирутина Корпорация” тизими ёрдамида ўз харидларини каталоглаштиришни амалга оширди, бу эса “бошқарув каталог”ини шакллантириш, нотўғри башорат қилиш хавфини минималлаштириш, моддий харажатлар соҳасида бошқарув ва шаффоликни оширишга имкон беради¹⁰;

- қоидабузарликларни кузатиш функцияси орқали автоматик назоратни амалга ошириш, хусусан, харидларни интеллектуал таҳлил қилиш тизими ва алгоритмидан фойдаланиш ҳисоби учун: Ҳисоб палатаси томонидан давлат назоратини масофадан ўтказишнинг ахборот-аналитик тизими ишлаб чиқилди ва жорий этилди¹¹.

Давлат ва бюджет ташкилотлари эҳтиёжларини таъминлаш учун товарлар, ишлар, хизматларни харид қилишнинг шартнома тизимини ҳар томонлама рақамлаштириш, хусусан, мижозларга (иккинчи тарафга) йўналтирилган бошқарув тизимларини (Биг дата) яратиш, энг истиқболли ғоялар ва ривожланишнинг энг яхши йўналишларини танлаш, қайта алоқа тизимини шакллантириш, фикр-мулоҳазалар ва таклифларни танлаш ва умумлаштириш — бюрократик чекловларни бартараф этиш ва жамоат эҳтиёжларини қондириш самарадорлигини оширишнинг асосларидандир.

Давлат харидларини электронлаштириш тенденцияси

Давлат харидлари соҳасида электронлаштириш жорий этилиши катта ўзгаришларга олиб келди. Хусусан, харидлар соҳасида бюрократия, коррупция ва бошқа шу каби ҳуқуқбузарликларнинг нисбатан камайишида электронлаштириш муҳим ўрин тутади.

Бугунги кунда электрон дўкон, аукцион, танлов, тендер ва ягона буюртмачи орқали амалга ошириладиган харидлар деярли электрон шаклда амалга оширилмоқда. Оммавий харидларни рақамлаштиришга трансформация қилиш электрон давлат платформаларига жойлаштириш орқали амалга оширилади. Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 26 январда “Давлат харидларини амалга оширишда харид қилиш тартиб-таомилларини ташкил этиш жараёнларини ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда янада такомиллаштириш чоралари тўғрисида”ги 37-сон қароридан 2021 йил 1 сентябрга қадар давлат харидлари бўйича барча маълумотларни жамловчи ва ташқи ахборот тизимлар билан ўзаро электрон ҳамкорликни таъминловчи Давлат харидлари марказий ахборот портали дастурий мажмуасини яратиш ва уни кузатишни таъминлаш чораларини кўриш белгиланган.

Харидларни электрон шаклга ўтказиш нафақат Ўзбекистонда давлат харидлари тизимида хос, балки жаҳон тенденциясидир.

Халқаро савдо ҳуқуқи бўйича БМТ Комиссияси (ЮНСИТРАЛ) томонидан 2011 йилдаёқ 1994 йилда қабул қилинган “Товарлар, ишлар ва хизматлар хариди тўғрисида”ги қонунни давлат харидларини амалга ошириш, электрон хабар бериш имкониятларини жорий этиш мақсадида қайта кўриб чиқилган¹². Натижада 2011 йил 9 декабрда ЮНСИТРАЛнинг “Оммавий харидлар тўғрисида”ги намунавий қонуни қабул қилинди¹³. Ва унда электрон харидлар (электрон эълон, ҳужжатларни электрон тақдим этиш, электрон очиқ тендерлар, электрон баҳолаш, электрон аукционлар ва электрон келишув) назарда тутилди.

Жумладан, Европа Иттифоқининг “Европа — 2020” Стратегиясининг давлат харидлари бўйича кўрсатмаларида ҳам харидлар тизимини 2018 йилнинг охирига қадар тўлиқ электронлаштириш таклиф қилинган. Шу муносабат билан Европа Иттифоқига аъзо давлатларнинг қонунчилигида давлат харидларининг электронлаштириш бўйича қонунлар қабул қилинди. Ушбу ўзгаришлар, буюртмачилар ва ижрочилар учун қулай, самарали давлат харидларининг механизмни яратиш, очиқлик ва рақобат тамойилларини рўёбга чиқаришда шаффофликни таъминлаш учун баҳо ва сифатнинг мутаносиблигига эришишга қаратилган. Бундан ташқари, аризаларни тақдим этиш, харбардор қилишга қаратилган барча маъмурий тартиб-таомиллар соддалаштирилди, харидларни амалга ошириш жараёнидаги муддатлар қисқартирилди. Мазкур ўзгаришлар, энг асосийси, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш мақсадида уларга қулай шароит яратиш, коррупцияга қарши курашиш, манфаатлар тўқнашуви ва давлат

харидлари жараёнида фирибгарликнинг олдини олишга қаратилган.

Товарлар, ишлар, хизматларнинг барча харидларини электрон форматга ўтказиш тўғрисидаги қонунларни қабул қилишнинг энг муҳим ютуғи харид қилиш тизимини ривожлантиришнинг кейинги босқичи – рақамлаштириш босқичига ўтишга имкон беради.

Давлат харидлари тизимини ривожлантириш босқичлари¹⁴



Бугунги кунда аксарият мамлакатлар давлат харидларини кейинги ривожлантириш босқичи – рақамлаштиришга ўтказиш устида ишламоқда.

Давлат харидлари тизимини смарт контракт технологияларини жорий этиш орқали такомиллаштириш

Ривожланган ахборот технологияларидан фойдаланиш (электрон савдо тизимлари, онлайн-дўконлар ва электрон савдо майдончалари, мобил иловалар, Б2Б бозори ва бошқалар) харид қилиш соҳасида суиистеъмоллик, самарасизлик ва коррупцияга қарши курашишнинг техник усулларини амалга оширишга хизмат қилади. Харидларни ривожлантиришнинг янги босқичи блокчейн, ақлли шартномалар ва нейрон тармоқларидан фойдаланишга асосланган ақлли харидлар тизимини яратиш учун давлат харидларида илғор ахборот технологияларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтиради.

Ақлли контрактлардан фойдаланиш етказиб берувчиларга автоматик равишда шартнома (гаров) бажарилишини таъминлаш ва шартнома ижроси бўйича маблағларни ўз ҳисоб рақамларига ўтказиш имконини беради.

Бундай хизматларни хорижий давлатлар тижорат бозорида таклиф этиш ҳам бошланди. Хусусан, Россияда Сбербанк товарлар ва хизматларни етказиб берувчилар ҳамда харидорлар ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китобларни ҳимоя қилиш учун онлайн восита “кафолатли ҳисоб – китоблар хизмати”нинг янгиланган версиясини тақдим этди. Ушбу тизим сотувчига маҳсулот ёки хизматларни етказиб берганлик учун тўловлар амалга оширилишини кафолатлаш имкониятини, харидорга эса – маҳсулот ёки хизматни олиш имконини беради¹⁵. Шунингдек, Россия Федерациясида смарт контрактлардан давлат органлари фаолиятида ҳам харид жараёнида

қўллаш бошланмоқда¹⁶. Смарт контрактлардан ягона етказиб берувчи билан тузиладиган шартномаларда ҳам фойдаланиш мумкин: элементар алгоритмларга асосланиб, тизим тавсифга кўра энг мос маҳсулот, иш, хизматни танлаши ва белгиланган мезонларга мувофиқ автоматик равишда шартнома тузиши мумкин. Умуман олганда, смарт контракт технологиясидан фойдаланиш юриспруденцияда қўлланиладиган тартибга солишнинг анъанавий институтларининг ўзгараётганлиги ва классик шартнома ҳуқуқининг тугаш жараёни бошланаётганлигининг белгиси ҳисобланади¹⁷.

Ақлли шартномалар интеллектуал контракт тизимини яратишга имкон беради. Интеллектуал контракт тизимининг 1980-йилларда ишлаб чиқарилган биринчи версияси Америка ахборот алмашинуви (АМИХ) бўлиб, у сплит (ярим смарт, ярим инсон аралашувчи) контрактлардан фойдаланиш имкониятини яратган. Ушбу электрон майдончада шартномалар компьютер кодига айлантирилиши, тизимда сақланиши ва такрорланиши мумкин бўлиб, блоklar занжирига асосланган компьютерлар тармоғи томонидан назорат амалга оширилган. Шунингдек, бу маҳсулотни ёки хизматни олгандан кейин пул ўтказиш каби тескари ҳисоб-китоб механизмнинг пайдо бўлишига олиб келди.

Бугунги кунда марказлаштирилмаган онлайн хизматлар кўрсатувчи энг истиқболли стартаплардан бири (100 миллиард доллардан ортиқ капиталлашувга эга) — бу Виталик Бутерин томонидан 2013 йил охирида ишлаб чиқилган ақлли контрактлар тизимини таъминловчи Ethereum блокчейн платформасидир. Ethereum технологияси блокчейн каби шартномаларнинг марказлаштирилмаган базасига асосланган, ҳар қандай активлар билан боғлиқ битимларни анъанавий ҳуқуқий тартиб-таомилларга мурожаат қилмасдан рўйхатдан ўтказиш имконини беради¹⁸.

Блокчейн технологияси ва ақлли шартномалар амалий жиҳатдан икки тушунчага асосланади:

- ақлли шартнома — реал дунёда ёки рақамли тизимларда баъзи воқеаларнинг бажарилишини ўз ичига олувчи шартлар мажмуини тавсифловчи электрон алгоритм, 1994 йилда Н.Сзабо томонидан таклиф қилинган¹⁹;

- крипто-валюта протоколи ва Сатоши Накамото томонидан ишлаб чиқилган дастурий таъминотнинг биринчи намунаси²⁰.

Смарт контрактлар ижрони таъминлайди, битимни адолатсиз бажариш хавфини камайтиради, шартномаларни тузиш ва бажариш билан боғлиқ транзакцион харажатларни камайтиради. Улар анъанавий шартнома ҳуқуқига нисбатан кўпроқ ривожланиш потенциалига эга. Смарт контрактлар шартнома тизимининг инновацион элементи, шу жумладан, давлат ва бюджет таш-

килотлари эҳтиёжлари учун товарлар, ишлар, хизматларни харид қилиш соҳасида фойдаланиладиган тизим сифатида қаралиши мумкин.

Давлат харидларида смарт контрактлар тизимини жорий қилиш учун амалий механизмларнинг мавжудлиги юқоридаги маълумотлардан кўриниб турибди ва бу амалий жиҳатдан такомиллаштирилиб борилмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Дятлов С. А. (2014). Инновационная реиндустриализация экономики России в условиях усиления гиперконкуренции на мировых рынках // Инновации. – с. 52-56;
2. Глазьев С. Ю. (1993). Теория долгосрочного технико-экономического развития. М.: ВладДар;
3. Оценка бизнесрегулируемого. Doing Business Report // Всемирный банк. (<http://russian.doingbusiness.org/rankings?region=europe-and-central-asia> – Дата обращения: 10.02.2018);
4. Б.М.Бижоев Основы интеллектуальной контрактной системы в сфере государственных закупок, Journal of economic regulation (Вопросы регулирования экономики) Том 9, № 1. 2018, 111-112;
5. <https://networkreadinessindex.org/2019/countries/uzbekistan/> (Oxirgi marta ko'rilgan sana: 27.02.2021);
6. Қонун ҳужжатлари маълумотлар миллий базаси / 06.10.2020 й., 06/20/6079/1349-сон;
7. Қонун ҳужжатлари маълумотлар миллий базаси. 04.07.2018 й., 07/18/3832/1452-сон;
8. Ukrainada blokcheyn texnologiyasiga asoslangan elektron kim oshdi savdosi rasman boshlandi // (<https://forklog.com/v-ukraine-ofitsialno-zapushhen-elektronnyj-auksion-na-baze-tehnologii-blokcheyn/> – oxirgi marta ko'rilgan: 28.02.2021);
9. Kompaniya davlat xaridlari hujjatlarini tekshirish bo'yicha xizmatni ishga tushirmoqda (<https://www.kommersant.ru/doc/3479797>, oxirgi marta ko'rilgan: 28.02.2021);
10. «Gazprom» xaridlarni tahlil qilish uchun sun'iy intellekt algoritmlarini yaratishga ixtisoslashgan yangi mahsulot uchun litsenziya oldi. (<https://www.comnews.ru/content/110511/2017-11-16/ii-podumaet-nad-zakupkami-gazpoma>, oxirgi marta ko'rilgan: 28.02.2021);
11. Б.М.Бижоев Основы интеллектуальной контрактной системы в сфере государственных закупок, Journal of economic regulation (Вопросы регулирования экономики) Том 9, № 1. 2018, 111-112;
12. European Commission (2014). MEMO/14/18 от 15.01.2014 г. (http://ec.europa.eu/internal_market/publicprocurement – Дата обращения: 10.02.2018);
13. A brief guide to the 2014 EU public procurement directives. Crown Commercial Service. (2014). (https://www.gov.uk/government/uploads/system/uploads/attachment_data/file/560261/Brief_Guide_to_the_2014_Directives_Oct_16.pdf – Дата обращения: 10.02.2018);
14. Б.М.Бижоев Основы интеллектуальной контрактной системы в сфере государственных закупок, Journal of economic regulation (Вопросы регулирования экономики) Том 9, № 1. 2018, 111-112;
15. Sberbank mijozlarga operatsiyalarni kutilmagan xatarlardan himoya qilishga yordam beradi, <https://retail-loyalty.org/news/sberbank-pomozhet-klientam-zashchitit-sdelki-ot-nepredvidennykh-riskov/>;
16. Iqtisodiy rivojlanish vazirligi blokcheynni sotib olish faoliyatida sinab ko'rishni boshladi, <https://rns.online/economy/Minekonomrazvitiya-nachal-testirovanie-blokcheyna-v-svoei-zakupochnoi-deyatelnosti-2018-01-26/>;
17. Савельев А. И. (2016). Договорное право 2.0: «умные» контракты как начало конца классического договорного права // Вестник гражданского права, № 3;
18. Why Bitcoin may herald a new era in finance // The Economist. (<http://perspectives.eiu.com> – Дата обращения: 01.02.2018);
19. Szabo, N. (1994). Contracts with Bearer. (http://szabo.best.vwh.net/bearer_contracts.html – Дата обращения: 01.02.2018);
20. Nakamoto, S. (2010). Bitcoin P2P e-cash paper. (<http://article.gmane.org/gmane.comp.cryptography.general/12588/> – Дата обращения: 01.02.2018).



Махмуджон ЭШИМБЕТОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Олий суди судьяси



Нозима ТОЖИЕВА,
Судьялар олий мактаби
тингловчиси

МАНСАБДОР ШАХСЛАРНИНГ ҚАРОРЛАРИНИ ҲАҚИҚИЙ ЭМАС ДЕБ ТОПИШ ТЎҒРИСИДАГИ ИШЛАРНИ СУДДА КЎРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Мансабдор шахс деганда доимий, вақтинча ёки махсус ваколат бўйича тайинланадиган ёки сайланадиган, давлат органларида, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида ҳокимият вакили вазифаларини бажарадиган ёхуд ташкилий-бошқарув, маъмурий-ҳўжалик вазифаларини амалга оширадиган ва юридик аҳамиятга эга ҳаракатларни содир этишга ваколат берилган шахс тушунилади.

Маъмурий органлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан қабул қилинган қарор, буйруқ, кўрсатма, ордер, гувоҳнома ва шу каби ҳуқуқий оқибат келтириб чиқарувчи бошқа ҳужжатлар, агарда улар қонун ҳужжатларига мувофиқ бўлмаса ёки ташкилотлар ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузган тақдирда, суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин. Жумладан, шу каби ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги ҳужжатлар ҳам суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

Суд маҳаллий давлат ҳокимият органлари мансабдор шахсларининг қарорларини ҳақиқий эмас деб топиш билан боғлиқ низоларни кўришда, биринчи навбатда, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари доирасини ва таллуқчилиги масаласини аниқлаб олиши лозим бўлади.

Ишни мазмунан кўриб чиқишда суд аҳамиятга эга бўлган барча ҳолатларни, хусусан, қуйидагиларни синчковлик билан текшириши лозим:

- маъмурий орган, мансабдор шахс қарор қабул қилиш ёки ҳаракатни амалга ошириш ваколатига эга ёки эга эмаслигини;

- маъмурий орган ёки мансабдор шахс томонидан қарор қабул қилиш, ҳаракатни амалга ошириш тартибига риоя этилган-этилмаганлигини, башарти норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда бундай талаблар (шакл, муддатлар, асослар, тартиб-тамойил ва ҳ.к.) белгиланган бўлса;

- низолашлайётган қарор, содир этилган ҳаракат (ҳаракатсизлик) мазмуни мазкур ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи қонун ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига мос келиш-келмаслигини.

Қабул қилинган қарорлар, содир этилган ҳаракатларнинг (ҳаракатсизликнинг) ноқонунийлиги ҳақида далолат берувчи юқорида кўрсатилган ҳолатларнинг ҳеч бўлмаганда биттасининг мавжудлиги аризани (шикоятни) қаноатлантиришга асос бўлиши мумкин.

Демак, устидан шикоят қилинаётган қарор ёки унинг айрим қисмлари ёхуд ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) қонун ҳужжатларига зид эканлигини ҳамда аризачининг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузётганли-

гини аниқласа, суд қарорни ёки унинг айрим қисмларини ёхуд ҳаракатларни (ҳаракатсизликни) қонунга хилоф деб топиш тўғрисида ҳал қилув қарори қабул қилади.

Агар устидан шикоят қилинаётган қарор ёки унинг айрим қоидалари ёхуд ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) қонунга мувофиқ эканлигини ҳамда аризачининг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаётганлигини суд аниқласа, у арз қилинган талабни қаноатлантиришни рад этиш тўғрисида ҳал қилув қарори қабул қилади.

Қарор, ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) қонунга хилоф деб топилган тақдирда суд тегишли органнинг ёки мансабдор шахснинг зиммасига қуйидаги мажбуриятларни юклайди:

қонунга мувофиқ қарор қабул қилиш ёки муайян ҳаракатларни амалга ошириш ёхуд аризачининг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг бузилишларини бошқача усулда бартараф этиш;

йўл қўйилган бузилишларни бартараф этиш ва ҳал қилув қарорининг ижроси тўғрисида судга ва аризачига, агар суд томонидан бошқача муддат белгиланмаган бўлса, суднинг ҳал қилув қарори қонуний кучга кирган кундан эътиборан бир ой ичида хабар қилиш.

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси 185-моддаси 1-қисмининг 1-бандига кўра, манфаатдор шахс маъмурий органнинг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг қарорларини ҳақиқий эмас, улар мансабдор шахсларининг ҳаракатларини (ҳаракатсизлигини) қонунга хилоф деб топиш тўғрисида ариза (шикоят) билан, агар бу қарор, ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) туфайли унинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатлари бузилса судга мурожаат қилишга ҳақли.

Бироқ, амалиётда шундай низолар ҳам учрайдики, унга кўра қарор чиқарилган пайтда бирон-бир шахснинг қонуний ҳуқуқлари бузилмайди, бироқ келажакда бузилиши мумкин.

Масалан: “Х” тумани “Х” шахри, “Х” кўчасида “У” кафе-сига яқин туташ ердан пойабзал ишлаб чиқаришга ихтисослашган цех куриш учун ер ажратиш ҳақида “Х” туман ҳокимининг қарори чиқарилган. Бундан ушбу ҳудудда жойлашган “У” МЧЖ норози бўлиб судга ариза бергани,

аризада цех қуриш учун унга тегишли умумий овқатланиш жойига туташ ердан ер берилгани, келажакда цех ишга тушса ундан чиқадиған чанг, шовқин ва ёқимсиз ҳид сабаб унинг мижозлари сонининг камайишига сабаб бўлишини асос қилиб цех қуриш учун ер ажратиш ҳақидаги қарорни ҳақиқий эмас деб топиш ҳақида судга мурожаат қилган.

Шунга кўра, Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекснинг 185-моддаси 1-қисмининг 1-банди манфаатдор шахс маъмурий органнинг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг қарорларини ҳақиқий эмас, улар мансабдор шахсларининг ҳаракатларини (ҳаракатсизлигини) қонунга хилоф деб топиш тўғрисида ариза (шикоят) билан, агар бу қарор, ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) туфайли унинг ҳуқуқлари ва қонун билан кўриқланадиган манфаатларини бузган ва бузиши мумкин бўлган ҳолларда судга мурожаат қилишга ҳақли деб тўлдириш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Яна бир ҳолат, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари мансабдор шахсларининг қарорларини ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги ишлар бўйича:

“Х” шаҳар ҳокимининг “Фарғона йўли кўчасида қайта таъмирлаш, кенгайтириш ва ободонлаштириш ишларини олиб бориш ҳақида”ги 2012 йил 12 ноябрдаги 894-сонли қарори қабул қилинган. Ушбу қарорга асосан 2017 йилнинг охирига келиб кўп қаватли уй-жой қуриш мақсадида фуқаро М.А ва унинг фарзандлари доимий рўйхатда туриб яшаб келган “Х” тумани, “Х” кўчаси, “Х”-уй ҳам бузиб ташланган.

Шу сабабли, аризачи М.А судга ариза билан мурожаат қилиб, “Х” туман ҳокими мансабдор шахсларининг бузилишга тушган уй-жойга нисбатан компенсация беришни рад этиш тўғрисидаги хатти-ҳаракатларини ғайриқонуний деб топишни ва “Х” туман ҳокимлиги зиммасига у ҳамда фарзандлари доимий рўйхатда туриб яшаб келган “Х” тумани, “Х” кўчаси, “Х” уй давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб кўйилиб бузилганлиги сабабли, бошқа уй-жойни компенсация сифатида бериш мажбуриятини юклашни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан ариза қисман қаноатлантирилган. “Х” туман ҳокими мансабдор шахсларининг бузилишга тушган уй-жойга нисбатан компенсация беришни рад этиш билан боғлиқ хатти-ҳаракатлари ғайриқонуний деб топилган ҳамда “Х” туман ҳокимлиги зиммасига М.А ва фарзандлари доимий рўйхатда туриб яшаб келган уй давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб кўйилиб бузилганлиги сабабли қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда компенсация турини белгилаш комиссияси йиғилишида М.Ага компенсация бериш масаласини кўриб чиқиш мажбурияти юклатилган.

Аммо, суднинг ҳал қилув қарори билан туман ҳокимлиги мансабдор шахсларининг хатти-ҳаракатлари ғайриқонуний деб топилиб, аризачига комиссия йиғилишида компенсация бериш масаласини кўриб чиқиш мажбурияти юклатилган бўлса-да, унда ҳал қилув қарорининг ижроси тўғрисида судга ва аризачига суднинг ҳал қилув қарори қонуний кучга кирган кундан эътиборан бир ой ичида хабар қилиш мажбурияти юклатилганлиги кўрсатилмаган.

Ваҳоланки, МСИЮтК 189-моддасининг тўртинчи қисмига кўра, қарор ҳақиқий эмас, ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) қонунга хилоф деб топилган тақдирда суд тегишли органнинг ёки мансабдор шахснинг зиммасига қуйидаги мажбуриятларни юклайди:

қонунга мувофиқ қарор қабул қилиш ёки муайян ҳаракатларни амалга ошириш ёхуд аризачининг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг бузилишларини бошқача усулда бартараф этиш;

йўл кўйилган бузилишларни бартараф этиш ва ҳал қилув қарорининг ижроси тўғрисида судга ва аризачига, агар суд томонидан бошқача муддат белгиланмаган бўлса, суднинг ҳал қилув қарори қонуний кучга кирган кундан эътиборан бир ой ичида хабар қилиш.


Маҳаллий давлат ҳокимият органлари мансабдор шахсларининг қарорларини ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги ишларни судда кўришнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда қуйидаги таклифларни келтириб ўтишни лозим деб ҳисоблаймиз:

МСИЮтКнинг 23 бобидаги “Маъмурий органларнинг ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, улар мансабдор шахсларининг қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилиш тўғрисидаги ишларни юритиш” деган тушунча ўрнига умумий тартибда “Маъмурий органлар” дейилса мақсадга мувофиқ бўлади. Чунки, МТТҚнинг 4-моддасида маъмурий орган тушунчасига таъриф берилганда, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи ҳам маъмурий орган сифатида келтириб ўтилган.

Бундан ташқари, “Маъмурий органлар ва уларнинг мансабдор шахсларининг қарорларини ҳақиқий эмас деб топиш” деган тушунчанинг ўрнига “Маъмурий органларнинг ҳужжатларини ҳақиқий эмас деб топиш” деган тушунчани киритиш керак деб ҳисоблаймиз. Сабаби, маъмурий органлар нафақат қарор, балки улар ҳуқуқий оқибат келтириб чиқарувчи бошқа ҳужжатларни (қарор, буйруқ, кўрсатма, ордер, гувоҳнома ва шу каби ҳужжатлар) ҳам қабул қилишади. Маъмурий ҳужжат маъмурий қарорга нисбатан кенгроқ тушунча ҳисобланади.

Шунингдек, ишни кўриб чиқишдаги муддатларга эътибор қаратадиган бўлсак, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексини 150-моддасида умумий даъво муддати 3 йил. Шу жумладан, тарафларнинг мол-мулкка бўлган ҳуқуқлари билан боғлиқ бўлган битимларга доир ишлар бўйича ҳам умумий даъво муддати 3 йил.

МСИЮтКнинг 186-моддасига кўра судга мурожаат қилиш муддати 3 ой қилиб белгиланган. Бу муддат маъмурий органнинг тўғридан тўғри бирор бир шахсга тегишли бўлган мол-мулкка оид чиқарилган ёки қабул қилган маъмурий қарорига нисбатан ҳам татбиқ этилади. Шу муносабат билан ҳар иккала кодексдаги судга мурожаат қилиш муддатларини бир хиллаштириш мақсадида МСИЮтКнинг 186-моддасига “шахсни тўғридан тўғри мулк ҳуқуқидан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлган маъмурий қарорлар устидан 3 йил” деб ўзгартириш киритиш таклиф этилади.



Шахло ХАМРАЕВА,
Ўзбекистон Республикаси
Бош прокуратураси
Академияси мустақил
изланувчиси

ВОЯГА ЕТМАГАН АЙБЛАНУВЧИНИ СЎРОҚ ҚИЛИШДА ПЕДАГОГ ЁКИ ПСИХОЛОГНИНГ ИШТИРОКИ

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақола вояга етмаганларга оид жиноят ишларини юритишда процесс иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларига оид масалаларга бағишланган. Хусусан, вояга етмаган айбланувчининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари қўшимча кафолатларини белгиловчи ҳуқуқ нормалари ва уларни амалиётга қўллаш билан боғлиқ муаммолар ёритилган. Вояга етмаган айбланувчини сўроқ қилишда педагог ёки психологнинг иштироки таҳлил этилиб, илмий асослантирилган таклифлар келтириб ўтилган.

Калит сўзлар: махсус нормалар, далил, вояга етмаган, қонуний вакил, педагог, психолог, мутахассис.

Ҳуқуқ нормаларига кўра, вояга етмаганлар деганда ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар назарда тутилди. Халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларда ҳам айнан ушбу ёш вояга етмаганлик мезони сифатида тан олинган¹.

Вояга етмаганлар Конституция ва бошқа қонунларда кўрсатилган ҳуқуқларни тасарруф қила олиш, мажбуриятларни бажариш лаёқатидан шунингдек, ижтимоий-ҳуқуқий ҳолатидан келиб чиқиб, ўзига хос алоҳида мақомга эга бўлган ҳуқуқ субъекти ҳисобланади.

Махсус қоидаларда умумий процесс иштирокчиларидан ташқари айбланувчи вояга етмаганнинг қонуний вакили (васийлик ва ҳомийлик органи вакили) ҳамда педагог ёки психологнинг иштироки назарда тутилганлиги билан вояга етмаганлар томонидан процессуал ҳуқуқларини тасарруф қилинишига кўмаклашилади.

Вояга етмаганнинг ўзига хос ҳуқуқий ҳолатидан келиб чиқиб, суриштирув, дастлабки тергов ва суд жараёни унинг руҳиятига салбий таъсир кўрсатишининг олдини олиш ва унга нисбатан олиб бориладиган процессуал ҳаракатларни тўғри (индивидуал ёндашувга асосан) амалга оширишда педагогнинг ўрни алоҳида аҳамиятга эга. Унинг процессуал иштироки, ўз ўрнида вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфатларини ишончли ҳимоясининг кафолатидир.

Суд-тергов жараёнида ҳуқуқни қўллаш амалиёти шуни кўрсатмоқдаки, алоҳида тоифадаги жиноят ишларини юритишда педагог иштирокини тартибга солувчи жиноят-процессуал нормаларини мукамал деб бўлмайди.

Бу эса суриштирув ёки дастлабки терговда вояга етмаган айбланувчини сўроқ қилишда педагогнинг процессуал ҳолати ҳамда унинг вазифаларини бажариши билан боғлиқ ҳуқуқ ва мажбуриятларининг аниқ белгиланмаганлиги сабабли айбланувчига педагогик-психологик ҳимоянинг пассив эканлиги, исботланиши лозим бўлган ҳолатларнинг тўлиқ аниқланишида муайян руҳий тўсиқларнинг юзага келиши билан изоҳланади.

Вояга етмаганларга нисбатан жиноят ишларини юритишда педагогнинг процессуал мақомига,

шунингдек унинг процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятларига оид муаммоларни ҳал этмасдан туриб, унинг иштироки самарадорлигига эришиб бўлмайди.

Жиноят-процессуал доктринасида ушбу тоифадаги ишларни юритишда педагогнинг процессуал мақоми баҳсли масалалардан бири бўлиб келган ва ҳозирги кунга қадар бу масала ўз долзарблигини йўқотмаган.

Жумладан, кўпчилик ҳуқуқшунос олимлар вояга етмаганларга оид жиноят ишларини юритишда “педагог”нинг мутахассис сифатида иштирок этишини, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятини алоҳида норма сифатида белгилаш мақсадга мувофиқ эмас деб ҳисоблайди.

Бошқа бир гуруҳ ҳуқуқшунос олимлар эса аксинча педагог вояга етмаган айбланувчини сўроқ қилишда унинг мутахассисдан процессуал функцияси билан фарқ қилишини ва процесснинг мустақил иштирокчиси эканлигини таъкидлашади.

Жиноят-процессуал кодексининг 554-моддасига асосан вояга етмаган айбланувчини сўроқ қилишда суриштирувчи, терговчи ёки прокурорнинг ихтиёрига кўра педагог ёки психолог иштирок этади.

Ушбу модда билан педагог фақат айбланувчини сўроқ қилиш тергов ҳаракатини амалга оширишда жалб қилиниши мумкинлиги белгиланган.

Сўроқ қилиш тергов ҳаракати шахсдан ишнинг юридик аҳамиятига эга бўлган фактик ҳолатлар бўйича маълумотларни сўрашдан иборат².

Педагог болани тарбиялаш билан шуғулланувчи махсус тайёргарликка эга бўлган шахс бўлиб³, у сўроқ қилиш давомида вояга етмаган айбланувчининг руҳий-жисмоний ҳолатини кузатиб бориш билан унга процессуал ҳуқуқ ёки мажбуриятларини амалга оширишда кўмаклашиш мақсадида ишга жалб қилинади.

Бинобарин, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Балоғатга етмаган болаларга нисбатан одил судлов юритишга доир минимал стандарт қоидалари (Пекин қоидалари)нинг 10.3-бандида ҳуқуқ-тартибот органлари билан балоғатга етмаган ҳуқуқбузар бола ўртасида алоқалар балоғатга етмаган боланинг

хуқуқий мақоми ҳурмат қилинадиган, балоғатга етмаган боланинг фаровонлигига кўмаклашадиган ва ишнинг барча жиҳатларини тегишлича ҳисобга олган ҳолда болага зиён етказишдан эҳтиёт бўлган тарзда амалга оширилиши кераклиги кўрсатилган.

Хуқуқшунослар В.В. Степанов ва Л.Г. Шапиловларнинг педагог вояга етмаган шахснинг ҳуқуқ лаёқатини тўлдириб туришдаги процессуал функцияси билан мутахассисдан фарқланиши тўғрисидаги фикрига⁴ кўшилиш мумкин.

М.С. Строгович ҳам шунга ўхшаш мулоҳаза билдириб, "мутахассис" ва "педагог"ни бир мақомда тушуниш мумкин эмаслиги ҳақида айтган⁵.

Хуқуқшунос олим С.М.Саҳаддинов педагогнинг мутахассис сифатида ҳам эмас, гувоҳ сифатида ҳам эмас у ўзига хос мақомга эга бўлган алоҳида процессуал субъект ҳисобланишини таъкидлайди⁶.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси (кейинги ўринларда ЖПК) 70-моддасига биноан мутахассис суд муҳокамасида иштирок этаётган шахсларга суриштирувчининг, терговчининг, прокурор ва суднинг рухсати билан саволлар бериш ҳуқуқига эга.

ЖПКнинг 554-моддаси 2-қисмига мувофиқ педагог суриштирувчининг, терговчининг рухсати билан айбланувчига саволлар беришга, сўроқ тугаганидан сўнг эса, сўроқ баённомаси билан танишиб, баённомадаги ёзувларнинг тўғрилиги ва тўлиқлиги ҳақида ўз фикрларини ёзма равишда беришга ҳақли.

Ушбу нормаларнинг қиёсий-хуқуқий таҳлили педагогнинг айбланувчини сўроқ қилишдаги иштироки билан чегараланганлиги ва фақат айбланувчига савол бериш ҳуқуқи белгиланганлиги уни мутахассис каби иштирокини инкор этади.

Бошқа томондан эса педагогнинг мутахассисга нисбатан кенг процессуал ҳуқуқларга эга эканлигини ҳам кўриш мумкин.

Педагог мутахассисдан фарқли равишда (ЖПК 70-модда) сўроқ баённомаси билан танишиб, баённомадаги ёзувларнинг тўғрилиги ва тўлиқлиги ҳақида ўз фикрларини (ЖПК 544-модда) ёки эътирозини ёзма равишда беришга ҳақли эканлиги унинг ушбу белгиланган процессуал ҳаракатларини суриштирувчи ёки терговчига нисбатан мустақил амалга оширишини англатади.

ЖПКнинг 69-моддасида тергов ва суд муҳокамасини ўтказишда далилларни топиш ва мустаҳкамлашда суриштирувчига, терговчига, прокурорга ва судга ёрдам бериш учун мутахассис шу жумладан шифокор, педагог ҳамда зарур билим ва малакага эга бўлган бошқа шахслар чақирилиши мумкинлиги ҳақида норма белгилаб қўйилган.

Ушбу нормага ҳавола қилган ҳолда бир гуруҳ олимларимиз мутахассис сифатида иштирок этишини, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятини алоҳида норма сифатида белгилаш мақсадга мувофиқ эмас деб ҳисоблайди.

Масалан, З.Ф.Иноғомжонова, Г.З.Тўлагановларнинг фикрига кўра, вояга етмаган айбланувчини сўроқ қилишда педагог мутахассис сифатидаги ишга жалб қилинади⁷.

С.В.Сурменова ҳам вояга етмаганларга оид жиноят ишларини юритишда жалб қилинган "педагог"нинг мутахассис сифатидаги иштирокини назарда тутиш лозимлиги ҳақида фикр билдирган⁸.

Шу ўринда вояга етмаган айбланувчини сўроқ қилишда иштирок этувчи педагог билан тергов ва суд муҳокамасини ўтказишда далилларни топиш ва мустаҳкамлашда мутахассис сифатида иштирок этувчи педагогни бир-биридан фарқ қилиш лозим бўлади.

Бунда мутахассиснинг процессдаги иштирокини назарда тутувчи нормалар мазмунини шарҳлаш билан изоҳлаш мақсадга мувофиқ.

Далилларни қайд этишда ёрдамчи усулларни қўллаш Жиноят-процессуал кодексининг бир қатор моддалари, хусусан (91-модда), далилларни қайд этишнинг тўғрилигини тасдиқлаш (92-модда), кўздан кечириш (136-модда), ҳодиса жойини кўздан кечириш (137-модда), мурдани кўздан кечириш (138-модда), гувоҳлантиришни ўтказиш (146-модда), мурдани эксгумация қилиш (147, 149, 151-моддалар), эксперимент ўтказиш (156-модда), тафтиш ўтказиш (22¹-боб), суриштирувчи, терговчи ёки суд томонидан намуналар олиш (193-модда) каби процессуал ҳаракатларни амалга оширишда мутахассиснинг иштироки назарда тутилган.

Хуқуқшунослар Н.П.Дудин ва С.А.Луговцевалар ҳам педагогнинг мутахассис сифатидаги иштироки унинг процессда далилларни олишда (дафтар ёки кундалик), баҳо бериш учун жалб қилиниши мумкинлиги ҳақида фикр билдирган⁹.

Жиноят-процессуал ҳуқуқи назариясига кўра, ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсга нисбатан жиноят ишларини юритишда педагог (психолог) иштирокига оид нормаларнинг назарда тутилиши авваламбор, вояга етмаганнинг ёши, шахсини тавсифловчи объектив ва ижтимоий-психологик омиллар билан боғлиқ бўлиб, ишда педагог (психолог) қатнашиши дастлаб (XIX аср бошларида) жиноий жавобгарлик масаласи ҳал қилинган вояга етмаганга нисбатан жазо тури ва миқдорини тайинлашда унинг ҳақиқатда жиноят содир қилишида ўз ҳаракатларини англай олиш қобилиятини аниқлаш мақсадида жалб қилинган.

Ўсмирларни сўроқ қилишда педагогнинг ишдаги иштироки, улар ҳаракатларининг асл мотивини аниқлашда, тергов билан боғлиқ реакциясига баҳо беришда муҳим аҳамиятга эга. Бу иш юзасидан тўғри кўрсатув олишни таъминлайди¹⁰.

Шунингдек, педагог боланинг ҳаяжонланиш даражасини пасайтиради, болани сўроқ қилишда унинг ёши ва шахсий-психологик хусусиятларини инобатга олиб, сўроқ сифатини оширишга кўмаклашади ҳамда сўроқ қилишнинг бола шахси ва тарбиясига салбий таъсиридан сақлайди¹¹.

Педагогнинг жиноят процессидаги ушбу вазифани бажаришидан келиб чиқиб, хорижий мамлакатларнинг ҳуқуқ тизимида вояга етмаганлар иштирокидаги жиноят ишларини кўриб чиқишда унинг иштироки мажбурийлиги белгиланган.

Жумладан, Молдава, Эстония каби давлатларнинг жиноят-процессуал қонунчилигидаги талабларга кўра вояга етмаганларга оид жиноят ишларини кўришда педагог иштирокининг мажбурийлиги кўрсатилган¹².

Ўки, Россия Федерацияси Жиноят-процессуал кодексининг 75-моддаси 2-қисмида вояга етмагани сўроқ қилишда педагогнинг иштироки мажбурийлиги, педагогнинг иштирокисиз олинган барча далиллар мақбул эмаслиги эътироф этилган.

Педагогнинг ишда қатнашиши муҳимлиги шундаки, нафақат руҳий тўсиқларни бартараф этишда балки, судга жазо тайинлаш масаласига ҳам тавсиялар беради.

Мутахассис эса бирор соҳада махсус билим ва тажрибага эга шахс¹³, бўлиб, у иш учун зарур предметни аниқлаш ёки олиб қўйишни амалга ошириш учун жалб қилинади ҳамда унга илмий-техник воситалардан фойдаланган ҳолда нарса ва ҳужжатларни аниқлаш, олиб қўйиш вазифаси юклатилади.

Мутахассис иштирокини тартибга солувчи нормалар моҳиятига кўра, мутахассис тергов ҳаракатлари ва суд муҳокамасини юритишда далилларни топиш ва мустаҳкамлаш учун илмий-техника воситалари, махсус билим ва малакасидан фойдаланган ҳолда иштирок этади.

У ўз фикрини билдиришда илмий-техника воситалари ва махсус билимларидан тўлиқ фойдаланиши лозим¹⁴.

Мутахассис тегишли соҳа бўйича, тегишли вазиятда нима сабабдан бундай фикрга келганлигини аниқ илмий-техник жиҳатдан асослантирган ҳолда тушунтириб бериши лозим¹⁵.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, вояга етмаганларга оид жиноят ишларини юритишда педагог ва мутахассиснинг процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятлари, шунингдек, вазифалари бир-биридан фарқ қилади. Уларнинг процессуал ўхшашлиги, махсус билимга эга эканлигида ифодалансада педагог ёки психолог айбланувчини сўроқ қилишда ўз ҳуқуқларини мустақил равишда тасарруф этади.

Ҳуқуқ назариясида шахснинг процессуал мақоми деганда унинг процессдаги ҳуқуқий ҳолатини белгилувчи ҳуқуқ ва мажбуриятлар мажмуи тушунилади¹⁶.

Демак, вояга етмаганларга оид жиноят ишларини кўришда иштирок этадиган педагог ўзига хос ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлиб, процесснинг мустақил иштирокчиси ҳисобланади.

Кўпчилик дунё мамлакатларининг жиноят-процессуал ҳуқуқ тизимида ҳам вояга етмаганга нисбатан жиноят ишларини юритишда педагогнинг процессуал ҳолати алоҳида белгиланганлигини ҳам кўриш мумкин.

Жумладан, Франция, Азәрбайжон, Туркменистон давлатларнинг жиноят процессуал нормаларида ҳам педагог иштироки назарда тутилган.

Масалан, Туркменистон Жиноят-процессуал кодексининг 254-моддасида вояга етмаганларга оид жиноят ишлари кўришда педагогнинг алоҳида процесс иштирокчиси сифатидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгиланган.

Грузияда қонун нормаларига кўра мазкур тоифадаги ишларни юритишда суриштирувчи, терговчи, прокурор ва судья педагогик ёки психологик соҳага оид махсус тайёргарликдан ўтиши талаб этилади¹⁷.

Юқоридагиларга кўра айтиш мумкинки, вояга етмаган айбланувчини сўроқ қилишда жалб қилинган педагогнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини алоҳида норма сифатида кўрсатган ҳолда процессуал мақоми белгилаш лозим.

Шунга кўра, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси “Жиноят процессида иштирок этувчи бошқа иштирокчилар” деб номланган 6-бобини 69¹-моддаси билан тўлдиришни ва қуйидагича баён этишни таклиф қиламиз.

69¹-модда. Педагог

Педагог – айбланувчи вояга етмагани суриштирув, дастлабки тергов ва судда сўроқ қилишда чақирилади.

Педагог: ўзининг қандай мақсадда чақирилганлигини билиши; суриштирувчининг, терговчининг рухсати билан айбланувчига саволлар бериши, сўроқ тугаганидан сўнг эса, сўроқ баённомаси билан танишиб, баённомадаги ёзувларнинг тўғрилиги ва тўлиқлиги ҳақида ўз фикрларини ёзма равишда бериш ҳуқуқига эгадир.

Педагог: суриштирувчи, терговчи, прокурор, суднинг чақирувига биноан ҳозир бўлиши; ишнинг тергови ва суд мажлиси вақтида тартибга риоя этиши керак.

Фойдаланилган адабиётлар:

- Саҳаддинов.С., Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига шарҳлар. Махсус қисм. – Тошкент: Янги аср авлоди. 2014. – Б.387.
- Ўзбекистон юридик энциклопедияси/иккинчи шарҳ/нашр учун масъул Р.А.Муҳитдинов ва бошқ.; -Т.: Адолат, 2011.-Б.437.
- http://n.ziyouz.com/books/uzbek_tilining_izohli_lug`ati/O`zbek%20tilining%20P.pdf
- Машинская Н.В. Проблемы обеспечения эффективного участия педагога и психолога. Государство и право. Экономика. 2015 г. 124 С. <https://justicemaker.ru/view-article>.
- Ўша жойда.
- С.Саҳаддинов.“Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига шарҳлар”. Махсус қисм. “Янги аср авлоди”, 2014 й. 388 Б.
- З.Ф.Иноғомжонова, Г.З.Тўлаганова. Алоҳида тоифадаги жиноят ишлари бўйича иш юритиш. қўлланма. – Т.: ТДҶОИ нашриёти, 2009. 23 Б.
- Сурменова С.В. Участие педагога в стадии предварительного следования: автореф.дис...канд.юрид наук Челябинск, 2009 год.8 с. <https://justicemaker.ru/view-article>.
- Машинская Н.В. Проблемы обеспечения эффективного участия педагога и психолога. Государство и право. Экономика. 2015 г. –С.127 С. <https://justicemaker.ru/view-article>.
- Саҳаддинов.С., Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига шарҳлар. Махсус қисм. –Тошкент: Янги аср авлоди. 2014. – Б.401.
- Саҳаддинов.С., Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига шарҳлар. Махсус қисм. –Тошкент: Янги аср авлоди. 2014. – Б.120.
- Дудин Н.П., Луговцева С.А., СПб.: СПб юрид. Ин-т Генеральной Прокуратуры РФ, 2005 г.- С.119.
- http://n.ziyouz.com/books/uzbek_tilining_izohli_lug`ati/O`zbek%20tilining%20M.pdf
- Саҳаддинов.С., Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига шарҳлар. Махсус қисм. –Тошкент: Янги аср авлоди. 2014. – Б.157.
- Ўша жойда.
- Ўзбекистон юридик энциклопедияси/иккинчи шарҳ/нашр учун масъул Р.А.Муҳитдинов ва бошқ.; -Т.: Адолат, 2011.-Б.651.
- Дудин Н.П., Луговцева С.А., СПб.: СПб юрид. Ин-т Генеральной Прокуратуры РФ, 2005 г.- С.119.

ЖУРНАЛИСТИКАДА ҲАМ СОҲАВИЙ ИХТИСОСЛАШУВНИНГ ВАҚТИ КЕЛДИ



Зиёдахон СОЛИЕВА,
Судьялар олий мактаби тингловчиси

Судьялар олий кенгашининг 2018 йил 29 январдаги қарори билан тасдиқланган “Судьяларнинг одоб-ахлоқ кодекси”нинг 14-моддаси 3-қисмига кўра, суднинг иш юритувида бўлган ишлар бўйича қабул қилинган суд ҳужжатлари қонуний кучга киргунга қадар судья улар юзасидан оммавий ахборот воситаларида чиқиш қилишга ҳақли эмас. “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги қонуннинг 6-моддаси 3-қисмига кўра, прокурор, терговчи ёки суриштирувчининг ёзма рухсатисиз суриштирув ёки дастлабки тергов материалларини эълон қилиш, муайян иш бўйича суд қарори чиқмасдан туриб ёки суднинг қарори қонуний кучга кирмай туриб, унинг натижаларини тахмин қилиш ёхуд судга бошқача йўл билан таъсир кўрсатиш тақиқланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг 2020 йил 21 февралда “Суд муҳокамаси ошкоралигини ва судлар фаолиятига доир ахборот олиш ҳуқуқини таъминлаш тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Унга кўра, суд муҳокамаси ошкоралиги, судлар фаолияти тўғрисида жамоатчиликка ўз вақтида ва объектив ахборот бериш жамиятда ҳуқуқий хабардорлик даражаси ошишига имкон яратади, одил судловни амалга оширишнинг муҳим кафолати ҳисобланади, судлов фаолияти устидан жамоатчилик назоратини таъминлаш ва судга нисбатан жамият ишончини оширишнинг самарали воситасидир. Қонунга кўра, очиқ суд мажлисини фототасвирга тушириш, видеоёзувни амалга ошириш, шунингдек, оммавий ахборот воситаларида трансляция қилишга фуқаролик ишини кўриш пайтида — суд мажлисида раислик қилувчининг тарафлар розилиги олингандан кейин берган рухсати билан йўл қўйилади.

Процесс иштирокчилари илтимосномаларини, оммавий ахборот воситалари вакиллари мурожаатларини қаноатлантириш ёки рад этиш ҳақида суд жойида ажрим чиқаради ва суд мажлиси баённомасига киритади.

Барчамизга маълумки, фуқаролик ишлари бўйича судларда кўриладиган ишларни кўпчилигини оилавий муносабатлардан келиб чиқадиган низолар ташкил қилади. Оммавий ахборот воситалари фуқаролик суди оstonасига қадам босар экан, аввало журналист фуқаролик суд ишларини ёритишда кўриладиган ҳар бир фуқаролик иши нозик масала эканлигига эҳтиёткорлик билан ёндашиши керак.

Жамият ва давлат учун оила, никоҳ, оналик, оталик ва болалик ижтимоий жиҳатдан муҳим аҳамиятга эгадир. Зеро, ушбу тушунчалар жамият ва давлат шаклланишини таъминловчи муҳим омиллар ҳисобланади.


Конституциямизнинг 63-моддасида “Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга” – деб белгиланган. Оила кодексининг 4-моддасида

ҳам оила, оналик, оталик ва болалик давлат ҳимоясида эканлиги мустаҳкамланган.

Никоҳдан ажратиш ишини кўришда оила тўғрисидаги қонунчилик талабларидан келиб чиқиб, қонунда назарда тутилган ҳамда оилани мустаҳкамлаш, эр-хотин ва уларнинг болалари ҳуқуқлари ҳамда қонун билан кўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган чораларни кўришади, эр-хотин ўртасидаги ўзаро муносабатлар хусусиятини ҳисобга олиб, ишни иккала тараф иштирокида кўришади. Қонуний кучга кирган суд қарорлари матни суднинг расмий веб-сайтида эгасизлаштирилган ҳолда ёки процесс иштирокчилари розилиги билан тўлиқ эълон қилиниши мумкин.

Судлар оилавий муносабатлардан келиб чиқадиган низолар ишларни хусусиятига қараб тарафларнинг розилигисиз оммавий ахборот воситаларини суд мажлисига киритишга ва иш ҳолатларини оммавий ахборот воситаларида ёритиб боришга йўл қўймасликлари лозим, деб ҳисоблайман. Сабаби, агар ушбу ҳолат юзага келадиган бўлса, ярашиш истагида турган эр ва хотин, фарзандлари борлигини инобатга олган ҳолда уйга киритишга ўзаро келишувга келиб турган қайнона ва қайнота ҳеч қачон келинни кечирмаслиги, келгусида болалар тирик етим бўлиб қолиш каби оқибатларга ҳам олиб келиши мумкин.

Бугунги кунда судлар ихтисослашувига эришилган экан, фикримизча журналистика учун ҳам соҳавий ихтисослашувнинг вақти келди. Журналист қайси бир соҳани ёритар экан аввало, ўша соҳани яхши тушуниши ва амалдаги қонун қоидаларга ҳамда журналистика этика қоидаларига қатъий амал қилиши лозим бўлади.





Фируз РАШИДОВ,
Ўзбекистон халқаро
ислом академияси
ўқитувчиси, Тошкент
давлат юридик
университети мус-
тақил тадқиқотчиси

“ҚАЕРДА ОИЛА МУНОСАБАТИ КУЧЛИ ИНТИЗОМГА ТАЯНСА, МАМЛАКАТ ВА МИЛЛАТ ҲАМ ШУНЧА КУЧЛИ ВА МУАЗЗАМ БЎЛАДИ”

Шахс ўз ҳаёти давомида турли хил ижтимоий гуруҳлар: мактаб, олийгоҳ, меҳнат жамоаси ёки бошқа жамоаларга бирикиши мумкин, аммо тугилишданоқ инсонга доимий ҳамроҳ бўладиган жамоа фақат оиладир. Оила фуқаролик жамияти аъзоларини демографик тўлдириш нуктаи назаридан ҳам, шахснинг бирламчи ижтимоийлашуви нуктаи назаридан ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Оила дин, сиёсат, давлат, ижтимоий тоифаларидан олдин пайдо бўлган, моҳияти қадимги даврлардаёқ ўрганишга эътибор қаратилган ижтимоий институтдир. Ушбу ҳодисани биринчилардан бўлиб аниқлашга ҳаракат қилган қадимги юнон файласуфи Афлотун бўлиб, у давлатлар оилаларнинг бирлашишидан вужудга келишини эътиборга олиб, патриархал оилани ўзгармас бошланғич ижтимоий бирлик деб ҳисоблаган¹.

Француз мутафаккири Жан-Жак Руссо жинслар ўртасидаги ижтимоий тенгсизликнинг қонунийлигини инкор этган ҳолда уларнинг табиий, функционал ва ижтимоий фарқларига эътибор қаратган. Шу муносабат билан у аёллар ва эркаклар хусусиятларига дифференциал ёндашишни таклиф қилади. Руссо ўз асарларида: “Барча жамиятларнинг энг қадимги ва ягона табиийси оиладир. Шундай қилиб, оила, таъбир жоиз бўлса, сиёсий жамиятларнинг прототиپидир...” деб таъкидлайди².

Замонавий дунёда оила институтининг трансформацияси муносабати билан англиз социологи Энтони Гидденс оилани бир-бирини ижтимоий, иқтисодий ёки психологик усуллар билан қўлаб-қувватлайдиган хужайра сифатида кўради³.

Шарқ уламолари, хусусан, жадидлар оила асосини тўғри қурмасдан ва ёш авлодни тўлақонли тўғри йўлда тарбияламасдан туриб жамиятни ислоҳ қилиш, унинг ривожини тараққиёт сари йўналтириш мумкин эмас ва охир оқибатда, миллат тақдирининг оиласининг ҳолатига боғлиқ, дейдилар.

“Ҳар бир миллатнинг саодати ва иззати, албатта, шу халқнинг ички интизоми ва тотувлигига боғлиқ. Тинчлик ва тотувлик эса шу миллат оилаларининг интизомига таянади. Қаерда оила муносабати кучли интизомга таянса, мамлакат ва миллат ҳам шунча кучли ва муаззам бўлади”, — деб ёзади Фитрат⁴.

Ҳақиқатан ҳам, оила фуқаролик жамиятининг таянч нуктаси, барқарор тузилмасидир. Чунки, бу муқаддас даргоҳда нафақат инсон дунёга келади, балки у маънан ва ахлоқан тарбия топади.

Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексига белгиланганидек, оила тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг вазибалари оилани мустаҳкамлашдан,

оилавий муносабатларни ўзаро муҳаббат, ишонч ва ҳурмат, ҳамжиҳатлик, бир-бирига ёрдам бериш ҳамда оила олдига унинг барча аъзоларининг масъуллиги ҳисси асосида қуришдан, бирон-бир шахснинг оила масалаларига ўзбошимчалик билан аралашшига йўл қўймастикдан, оила аъзолари ўз ҳуқуқларини тўсқинликсиз амалга оширишини ҳамда бу ҳуқуқларнинг ҳимоя қилинишини таъминлашдан иборатдир⁵.

Оиланинг мақсадларидан бири – бу болалар тугилиши ва тарбияси эканлиги сабабли, Ўзбекистон Республикасида оилавий муносабатлар соҳасидаги демографик ва ижтимоий характердаги масалаларни ҳал қилишда қонунчиликдаги ёндашув негизида никоҳни эркак ва аёлнинг иттифоқи сифатида тушуниш ётади. Оила, жамиятнинг миллий ва конфессионал таркиби, ижтимоий-маданий ва бошқа тарихий хусусиятларини ажодлардан авлодларга етказишда кўприк вазифасини таъминловчи институт ҳисобланади. Бу Ўзбекистоннинг кўп миллатли халқи ҳаётида болалар тугилиши ва тарбияланишини сақлаш ва ривожлантириш учун муҳим.

Турли йилларда мамлакатда оилавий ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш, оилалардаги ижтимоий-маънавий муҳитни барқарор сақлашга қаратилган турли саъй-ҳаракатлар ўзининг етарли даражадаги ижобий натижасини бермади. Натижада оилавий можаролар ва келишмовчиликлар, ажримлар сони аввалги йилларга нисбатан кескин ошди.

Давлат органларининг, фуқаролик жамияти институтлари ўзаро ҳамкорлиги тизимининг аниқ ишлаши, қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва давлат дастурларини сўзсиз амалга ошириш, шунингдек, оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги муаммоларни ўз вақтида аниқлаш ва самарали ҳал қилиш турмуш фаровонлигига эришининг муҳим шартини ҳисобланади⁶.

2018 йил 27 июнда Ўзбекистон Республикаси Перзидентининг қарори билан Ўзбекистон Республикасида оила институтини мустаҳкамлаш концепцияси қабул қилинган бўлиб, ушбу ҳужжатда соҳада давлат сиёсатини муваффақиятли

олиб боришга ғов бўлаётган бир қатор тизимли муаммо ва камчиликлар баён этилган.

Оилани ривожлантириш масалалари бўйича давлат ва фуқаролик жамияти институтлари, шунингдек, хусусий сектор ҳамкорлиги паст даражада эканлиги, оилаларда ажримлар сонининг ўсиб бораётгани, мазкур соҳада салбий тенденциялар ва муаммолар сабабларини асословчи тадқиқот ишлари етишмаслиги, миллий менталитетга ёт бўлган ғоя ва қарашлар таъсирининг олдини олиш борасидаги ишлар самара бермаётгани қайд этилган.

Ушбу муаммоларнинг ечими сифатида оила институтининг институционал ва ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш билан бирга ижтимоий шерикликни кучайтириш, амалий ва фундаментал тадқиқотлар олиб бориш, жамиятда анъанавий оилавий қадриятларни сақлаш ва маънавий-ахлоқий муҳитни яхшилаш таклиф этилади.

Ҳақиқатан ҳам, Концепцияда келтирилган муаммоларнинг ечимини топмай, оилалардаги ижтимоий муҳитни барқарор ҳолатга келтирмай туриб мамлакат келажагини таъминлаш, демократик ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамиятини қуриш мушкул.

Фуқаролик жамияти институтларининг, жумладан, диний ташкилотларнинг кучи ва салоҳиятидан, шунингдек, муқаддас диний манбаларда келтирилган оилавий муносабатларни тартибга солишга оид нормалардан фойдаланиш ўзининг ижобий натижаларини беради.

Бугунги кунда жамиятда оилавий муносабатларга оид диний қарашлар ва ҳуқуқий муносабатлар ўртасида маълум қарама-қаршиликлар мавжуд бўлиб, бу турли муаммоларни келтириб чиқармоқда.

Жумладан, амалдаги қонун нормаларида бўлажак эр-хотин белгиланган тартибда никоҳни давлат рўйхатидан ўтказганларидан сўнг диний расм-русумлар асосидаги никоҳ ўқитилиши белгиланган. Аммо, диний манбалар диний расм-русумлар асосида ўқиладиган никоҳ уни ўқий олиш қобилиятига эга бўлган ҳар қандай шахс томонидан амалга оширилиши мумкинлигини белгилайди. Қонуний никоҳни расмийлаштирмаган фуқаролар орасида диний ташкилот вакилининг тушунтириш ва эътирозларига қарамасдан диний расм-русумлар асосидаги никоҳни бошқа шахсларда ўқитиш ҳолатлари учрамоқда. Бу ҳуқуқий асосларга эга бўлмаган ва давлат томонидан тан олинмаган оилада турли ижтимоий муаммоларни келтириб чиқариш билан бирга диний ташкилот расмий вакилининг аҳоли ва жамоатчилик орасидаги обрў-эътиборининг пасайишига ва айни пайтда амалга оширмаган хатти-ҳаракати учун назорат қила олмаганлиги важи билан маъмурий жавобгар бўлишига олиб келмоқда.

Яна бир муаммоли вазият оилада учинчи шахсларнинг аралашуви, шунингдек, ислом шариати нормаларидаги "талок" сўзи билан боғлиқ бўлиб, диний нормаларда эр ўзининг хотинига мана шу сўзни уч марта айтиши билан улар ўртасидаги ни-



коҳ риштаси узилиши, улар бошқа эр-хотинлик муносабатида бўла олмаслигини белгилайди.

Оила қонунчилиги ва суд амалиёти оилаларни биргаликда ҳаёт кечира олмаслик важларини текшириб ишонч ҳосил қилгандагина никоҳни бекор қилишни назарда тутди. Юқоридаги ҳолат ажримга асос деб баҳоланмайди.

Ушбу муаммоли вазият ҳам оилалардаги расмий никоҳнинг сақланиб қолишига қарамасдан амалда оила бўлиб яшамаслик, эр-хотинларнинг бошқа расмий бўлмаган никоҳга киришиш ҳолатларининг юзага келишига сабаб бўлмоқда.

Ушбу муаммолар ҳақиқатдан ҳам оила институтининг институционал ва ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришни;

оила ва фуқаролик жамияти бошқа институтлари ўртасидаги ижтимоий шерикликни кучайтиришни;

оила институтини чуқур таҳлил қилувчи амалий ва фундаментал тадқиқотлар олиб боришни; жамиятда анъанавий оилавий қадриятларни сақлаш ва маънавий-ахлоқий муҳитни яхшилашни талаб этади.

Бунинг учун:

ёшлар мажбурий таълимнинг юқори босқичларида мамлакатда оилавий ҳуқуқий муносабатлар оила қонунчилигидаги секуляр принциплар асосида шакллантирилганлиги, оилада эркак ва аёл муносабатлари ижтимоий тенгликка асосланишини тушуниб етишлари;

диний расм-русумлар асосида тузилган никоҳ ҳеч қандай ҳуқуқий оқибат келтириб чиқармаслигини билишлари;

амалдаги ҳуқуқ нормаларига зид бўлмаган оилавий муносабатларни яхшилашга хизмат қилувчи миллий қадриятларга амал қилиш мақсадга мувофиқлигини тушунишлари;

учинчи шахсларнинг аралашуви жамиятнинг энг кичик бўғини деб таърифланадиган оиланинг парчаланishiга олиб келиши мумкинлигини англашлари ва уни химоя қила олишлари лозим бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Антонов А. И. Семья как социальный институт // Основы социологии. Курс лекций. Изд. 2-е, часть II. - М.: "Знание", 1994. - 304 с;
2. Красноярский И. Психология семейных отношений - URL: <http://igkrasn.narod.ru/page1.htm>;
3. Қаранг: Цит. П. Томпсон Дж. Л., Пристли Дж. Социология. М.: АСТ, 1998. 496 с.;
4. Абдураф Фитрат. Оила ёки оила бошқариш тартиблари // Т.: "Маънавият", 2000. - Б 4;
5. Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси /1-модда/ <https://lex.uz/docs/104720>;
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 июндаги ПҚ-3808-сон қарорига 1-илова Ўзбекистон Республикасида оила институтини мустаҳкамлаш Концепцияси/ <https://www.lex.uz/docs/3797625>.



Холмурод ИСАНОВ,
Судьялар олий мактаби докторанти,
юридик фанлар номзоди, доцент

ФОРС-МАЖОР ТУШУНЧАСИ ВА БЕЛГИЛАРИ

Форс-мажор сўзи инглизча “force-major”, французча “force-majeure” сўзидан олинган бўлиб, “енгиб бўлмайдиган куч”ни ифодалашда ишлатилмайдиган тушунчани англатади. Демак, форс-мажор деганда, кенг маънода, маълум бир енгиб бўлмайдиган куч натижасида юзага келган фавқулодда ва муқаррар ҳолат тушунилади.

“Форс-мажор” сўзининг маъноси ва уни шартнома талабларининг бажарилмаслиги билан боғлиқлиги “Юридик энциклопедия”да қуйидагича ифодаланган: “Фуқаролик ҳуқуқида шартнома талабларининг бажарилмаслигига олиб келадиган фавқулодда ва муқаррар ҳолатларнинг вужудга келиши. Форс-мажор натижасида шартномани имзолаган томонлардан бири ўзи истамаган ва билмаган ҳолда иккинчи томонга зарар етказиши”¹. Юридик луғатда ҳам форс-мажор сўзининг маъноси “фавқулодда ва олдини олиб бўлмайдиган ҳолатлар юзага келиши натижасида шартнома шартларининг бажарилмаслиги ҳамда бунинг оқибатида шартнома томонларидан бири ўз хоҳишига боғлиқ бўлмаган равишда иккинчи томонга зарар етказувчига айланади”², деб кўрсатилган.

Илмий адабиётларда форс-мажор тушунчаси тўғрисида кўплаб фикрлар учрайди. Чунончи, А.П.Фоконинг таъкидлашича, “форс-мажор – тасодифий ва енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари бўлиб, қоида тариқасида, қарздорни фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликдан озод қиладиган ҳолатлар қаторига киради. Тасодифийлик – мажбурият иштирокчиларидан бирортасининг айби йўқлигини кўрсатувчи ҳолат. Енгиб бўлмайдиган куч – бу фавқулодда ва енгиб бўлмайдиган ҳодисани англатади. Буларга ҳалокатли табиат ҳодисалари (тошқинлар, зилзилалар ва бошқалар), шунингдек баъзи ижтимоий ҳодисалар (ҳарбий ҳаракатлар, иш ташлашлар ва бошқалар) киради”³.

Таъкидлаш керакки, расмий равишда барча фуқаролик ҳуқуқи тизимларида форс-мажор ҳолатлари шартнома тузган томонларни жавобгарликдан озод қиладиган ҳолат сифатида тавсифланади. Яъни, фуқаролик ҳуқуқи нуқтаи назаридан форс-мажор ҳолати енгиб бўлмайдиган куч таъсирида фавқулодда ва олдини олиб бўлмайдиган ҳодиса сифатида маълум оқибатларни келтириб чиқаради ва мавжуд ҳуқуқий муносабатларга жиддий таъсир кўрсатиши таъкидланади. Демак, форс-мажор ҳолати томонларнинг хоҳиш-иродаси ва фаолиятларига боғлиқ бўлмаган турли хилдаги табиат ҳодисалари (зилзила, кўчки, бўрон, сув тошқинлари, қурғоқчилик каби) ёки ижтимоий-иқтисодий вазиятлар (пандемия, уруш ҳолати,

оммавий намоийишлар, давлат манфаатларини кўзлаб импорт ва экспортни тақиқлаш) сабабли юзага келган шароитларда томонларга ўз мажбуриятларини бажариш имконини бермайдиган фавқулодда ва кутилмаган ҳолатдир.

А.Алексеевга кўра, “мажбуриятни бузган шахс айбдор деб топилади (айблилик презумпцияси). Агар у ўз айбининг йўқлигини исботласа, унда жавобгарлик бўлмайдиган (айб йўқ – жавобгарлик йўқ). Шу билан бирга, қонун ёки шартномада мажбуриятни бажармаган ёки уни лозим даражада бажармаган тақдирда ҳам қарздорнинг жавобгарлиги назарда тутилиши мумкин. Демак, умумий қоида тариқасида, тадбиркорлик фаолияти жараёнида мажбуриятни бузган шахс айбдор ёки айбсиз бўлишидан қатъи назар жавобгар бўлади. Фақатгина шахс енгиб бўлмайдиган куч оқибатида юзага келган фавқулодда ва бартараф этиб бўлмайдиган шароит туфайли мажбуриятни лозим даражада бажара олмаганлигини исботласа, жавобгарликдан озод қилинади. Россия Федерациясининг Фуқаролик кодексига (401-модда) енгиб бўлмайдиган куч ҳолатларининг алоҳида белгилари кўрсатилмаган, аммо енгиб бўлмайдиган куч ҳолатларига тааллуқли бўлмаган, жумладан, қарздорнинг контрагентлари томонидан мажбуриятнинг бузилиши, мажбуриятни бажариш учун керак бўлган товарларнинг бозорда йўқлиги ҳамда қарздорда зарур пул маблағларининг йўқлиги ҳолатлари келтириб ўтилган. Енгиб бўлмайдиган куч ҳолатларига, одатда, мажбуриятларни бажаришга тўсқинлик қиладиган турли хил табиий офатлар (зилзила, тўфон каби) киради. Шу билан бирга, юқорида кўрсатилган умумий қоидалардан истисно тариқасида, қонун ёки шартнома билан бошқача тартиб ўрнатилиши мумкин. Масалан, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган шахс мажбуриятни бузганликда фақат айбдор бўлганда, яъни унинг айби қасд ёки қўпол бепарволик шаклида бўлганда жавобгарлик белгиланиши мумкин ва ҳоказо”⁴.

А.Алексеевнинг ушбу фикрлари Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига форс-мажорга оид ҳуқуқ нормасига ҳам тааллуқли эканлигини таъкидлаш ўринли. Жумладан, кодекснинг 333-модда-

сида кўрсатилишича, “башарти, қонунда ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда мажбуриятни бажармаган ёки лозим даражада бажармаган шахс мажбуриятни лозим даражада бажаришга энгиб бўлмайдиган куч, яъни фавқулодда ва муайян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар (форс-мажор) туфайли имкон бўлмаганлигини исботлай олмаса, жавобгар бўлади. Қарздорнинг шартлашувчи шериклари томонидан мажбуриятларнинг бузилиши, мажбуриятни бажариш учун зарур товарларнинг бозорда йўқлиги, қарздорда зарур пул маблағларининг бўлмаганлиги бундай вазиятлар жумласига кирмайди”. Айтмоқчимизки, қонунда форс-мажор ҳолатларининг алоҳида белгилари кўрсатиб берилмаган, лекин энгиб бўлмайдиган куч ҳолатларига тааллуқли бўлмаган, жумладан, қарздорнинг контрагентлари томонидан мажбуриятнинг бузилиши, мажбуриятни бажариш учун керак бўлган товарларнинг бозорда йўқлиги ҳамда қарздорда зарур пул маблағларининг йўқлиги ҳолатлари келтириб ўтилган. Шундай ёндашувни Беларусь Республикасининг Фуқаролик кодексига (372-модда) ҳам учратиш мумкин, яъни “агар, қонунда ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, мажбуриятни бажармаган ёки уни тадбиркорлик фаолияти жараёнида нотўғри бажарган шахс, агар у мажбуриятни мажбурий равишда бажарилиши мумкин бўлмаган ҳолатлар, яъни фавқулодда ва муқаррар ҳолатлар туфайли мумкин эмаслигини исботлай олмаса, жавобгар бўлади”, деб кўрсатилган.

Кўриниб турибдики, ушбу қонунлар нормаларида қонун чиқарувчи форс-мажор ҳолатларининг фақат “фавқулоддалик”, “бартараф этиб бўлмайдиган” ва “муқаррарлик” каби белгиларини ажратиш кўрсатган. Демак, энгиб бўлмайдиган куч деганда, маълум шароитларда муқаррар юзага келган фавқулоддалик ва бартараф этиб бўлмайдиган белгиларга эга бўлган ҳолат тушунилади. Энгиб бўлмайдиган кучнинг пайдо бўлиши жавобгар шахс фаолияти билан боғлиқ бўлмайди. Энгиб бўлмайдиган куч ҳуқуқий муносабатлар иштирокчиларининг хоҳиш-иродасига бўйсунмасдан, уни олдиндан кўра олиш имкониятларини ҳам истисно этади. Бартараф этиб бўлмайдиган ҳолатлар эса шундан иборатки, бунда маълум шароитларда юзага келган муқаррар вазият ва у билан боғлиқ оқибатларни бартараф этишнинг техникавий ва бошқа воситалар ёрдамида имконияти бўлмайди. Бизнинг фикримизча, форс-мажорнинг қонун чиқарувчи томонидан ажратиш кўрсатилган “фавқулодда”, “бартараф этиб бўлмаслиги” ва “олдиндан айтиб бўлмаслиги” каби белгилари, унинг мазмун-моҳиятини тўлиқ очиб бера олмайди. Булардан ташқари, унинг “ноодатий”, “тўсатдан”, “муқаррар” ва “ташқи характери” сингари белгиларига ҳам эътибор қаратиш лозим. Зеро, ҳуқуқни қўллаш ва суд амалиётида форс-мажорнинг барча белгиларини аниқлаш муҳим ва улarga объектив равишда ҳуқуқий баҳо бериш орқали энгиб бўл-



майдиган куч ҳолати мавжуд бўлган ёки бўлмаганлиги тўғрисидаги масаласини адолатли ҳал қилиш мумкин. Шу сабабдан, форс-мажорнинг “ноодатий”, “тўсатдан”, “муқаррар” ва “ташқи характери” каби белгиларига батафсил тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ.

Форс-мажорнинг моҳияти ҳақида фикр билдирган Е.А.Павлодский шундай дейди: “Фақатгина фавқулодда ва энг ноодатий ҳолатни форс-мажор ҳодисалари деб, аташ мумкин”⁵. Олимнинг ушбу фикридан шундай савол туғилади: қандай ноодатий (ғайриоддий) ҳолат фавқулодда ҳисобланади? Бир қарашда, бу саволга жавоб аниқдек кўринади. Чунки, фавқулодда ҳолат ўзининг жуда кенг қамровда намоён бўлиши билан ажралиб туради. Масалан, кўплаб хавfli табиат ҳодисалари (бўронлар, тўфонлар, тошқинлар, зилзилалар) қудратли катта куч билан пайдо бўлиб, кенг қамровли зарар етказиши билан тавсифланади. Уларнинг содир бўлиш кўлами, миқёси эса анъанавий равишда форс-мажор (кўчкилар, сел келиши ва дўл ёғиши кабилар) деб ҳисобланадиган баъзи ҳолатларнинг мажбурий белгиси эмас. Демак, ғайриоддий ёки ноодатий ҳолат, ўзининг миқёси жиҳатдан оддий ҳолатдан ташқарига чиқадиган ҳолатдир.

Таниқли олим О.Оқюлов форс-мажорнинг моҳияти ҳақида фикр билдириб, унинг “тўсатдан”лик белгисига алоҳида эътибор қаратади: “Форс-мажор ҳолатининг моҳияти шундаки, энгиб бўлмайдиган куч тўсатдан пайдо бўлади ва қарздор инсофли асосда қарши турса ҳам мажбуриятни бажаришга имкон топа олмайди. Одатда форс мажор ҳолатлари табиий офатлар, ҳарбий ҳаракатлар, иш берувчи ва ходимлар ўртасидаги забастовка кўринишидаги низолар, давлат ҳокимият ва идора органларининг қонуний ёхуд ғайриқонуний ҳаракатлари ҳисобланади”⁶. Дарҳақиқат, О.Оқюлов тўғри таъкидлаганидек, форс-мажор ҳолатларининг барчаси тўсатдан пайдо бўлади ва фавқулодда ҳолат характерига эга. Хусусан, бу ҳолатлар мажбуриятни бажармаган тараф учун фавқулоддалиги ва унинг салбий оқибатларининг олдини олиш имконияти йўқлигида намоён бўлади. Яъни, форс-мажорнинг белгиси сифатида тўсатданлик ҳолати шундан иборатки, бунда қарздор юзага келган салбий таъсирларга барча мумкин бўлган чоралар билан қаршилик кўрсатган бўлса ҳам уни бартараф эта олмайди. Акс ҳолда эса,

у форс-мажор ҳолатларини қўллаш ҳуқуқига эга бўлмайди, чунки бунда унинг оқибатларини енгиб бўлмаслиги ноаниқ бўлиб қолади. Демак, қарздор тўсатдан юзага келган вазиятнинг зарарли оқибатларининг олдини олиш учун барча зарур чораларни кўрганини, агар уларнинг олдини олиш иложи бўлмаган бўлса, тегишли равишда оқибатларини минималлаштириш бўйича чора-тадбирларни амалга оширганини исботлаши талаб этилади. Шунини ҳам алоҳида таъкидлаш ўринлики, тўсатданликнинг ўзига хос хусусияти бу каби ҳодисанинг фақат ўзини эмас, балки унинг оқибатларини ҳам англади.

Шулар қаторида, М.М.Агарковнинг “ҳар қандай чоралар билан олдини олиш мумкин бўлмаган ҳодиса енгиб бўлмайдиган кучдир”⁷, деган фикрини учратиш мумкин. Бироқ, олимнинг ушбу фикрига тўлиқ қўшилиб бўлмайди. Чунки, енгиб бўлмайдиган куч тўғрисидаги бундай ёндашувга риоя қилинса, қарздор (жисмоний ёки юридик шахс) учун табиий офатлар, ҳарбий ҳаракатлар ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳодисаларининг олдини олиши мажбурий бўлиши керак, аммо амалда эса буни қилиб бўлмайди. Зеро, фуқаролик ҳуқуқи классиклари томонидан тўғри таъкидланганидек, “ҳодисалар, ҳатто бирор-бир инсон кучлари томонидан муқаррар бўлса ҳам, ирода эркинлигини йўқ қилмайди ва эҳтиёткорлик чоралари билан зарарнинг олдини олиш имкониятини истисно қилмайди”⁸. Яъни, бундай ҳолатларда қарздор (жисмоний ёки юридик шахс) ҳалоллик ва инсофлик билан қўлидан келган барча чораларни кўриши лозим.

Ҳозирги давр илмий адабиётларида форс-мажорнинг муқаррарлик белгиси тўғрисида турли хил талқинлар мавжуд бўлиб, улар уч хил концепция (ёндашув)дан иборат. Биринчи концепциянинг моҳияти шундан иборатки, агар қарздор томонидан мавжуд бўлган барча имкониятларни ҳисобга олган ҳолда ҳодисанинг салбий оқибатларининг олдини олиш мумкин бўлмаса, бу ҳодиса форс-мажор ҳолатидир (субъектив назария)⁹. Бизнингча, ушбу нуқтаи назарга қўшилиб бўлмайди. Чунки, масалага бундай ёндашув билан муқаррарлик белгисининг мақсадини таҳлил қилсак, у рағбатлантирувчи характерга эга, — деган хулосага келамиз. Дарҳақиқат, муқаррарлик белгиси

форс-мажор ҳодисаларининг салбий оқибатларининг олдини олиш (минималлаштириш) бўйича қарздорнинг зиммасидаги мажбуриятларини бажаришда янада масъулиятли бўлишга ёрдам беради. Аммо қарздор олдини олиш чораларини амалга ошираётганда, худди шундай чоралар кўриш соҳасида фаолият олиб бораётган шахсларнинг имкониятларини ҳисобга олмаган (ёки билмаган) ҳолда, фақатгина ўз имкониятларидан келиб чиққан ҳолда ҳаракат қилиш ҳуқуқига эга. Шундай экан, ушбу вазиятда қарздор ўз контрагентларининг мулкчилик соҳасига ўта салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган асоссиз равишда имтиёзли мавқега эга бўлади. Бундан ташқари, мазкур ёндашув айбсиз жавобгарлик институтининг мавжудлигига шубҳа туғдиради, чунки ҳодиса ва форс-мажор ўртасидаги чегаралар йўқолади. Шу сабабдан ҳам, юзага келган ҳолатлар оқибатларининг муқаррарлиги ҳодисанинг муҳим белгиси эканини эсдан чиқармаслик керак. Кўрсатиб ўтилган барча камчиликларга қарамай, мазкур “субъектив назария” концепцияси хорижий доктринада кенг қўллаб-қувватланиб келинмоқда. Иккинчи концепция (объектив назария)га кўра, “ҳодисанинг оқибатлари нафақат маълум бир шахс учун, балки ҳар қандай бошқа шахс учун бутун жамиятнинг илм-фан ва технологияларининг ривожланиш даражасини ҳисобга олган ҳолда ҳам муқаррар бўлса, бу енгиб бўлмас куч – форс-мажор ҳолатидир”¹⁰. Ушбу нуқтаи назар жуда баҳслидир, чунки муқаррарликнинг бундай талқин этилиши форс-мажор ҳолатларига тааллуқли бўлган ҳолатларни минималлаштириб юборади. Масалан, мазкур ёндашувга мувофиқ жинойи ҳатти-ҳаракатлар, умуман, форс-мажор ҳолатларига тааллуқли эмас. Учинчи концепция тарафдорлари “у ёки бу ҳодиса, ташқи таъсирнинг ўхшаш шароитида бир хил фаолият билан шуғулланадиган барча шахслар учун муқаррар бўлса, енгиб бўлмайдиган куч ҳисобланади”, дея таъкидлайдилар¹¹. Фикримизча, масалага бундай ёндашув тўғри нуқтаи назар бўлиб, бу бизга дастлабки икки ёндашувга хос бўлган камчиликларга йўл қўймаслик имкониятини беради. Яъни, юзага келган вазиятлар юзасидан қарздорни жавобгарликдан озод қилиш мумкин бўлган ҳолатлар рўйхатини қисқартириш ёки кенгайтириш учун имконият яратади. Ушбу концепцияга кўра, хулоса қилиш мумкинки, муқаррарлик – бу фавқулодда ҳолатнинг бевосита натижаси бўлиб, уни енгиб бўлмас куч келтириб чиқаради ва кўрилган барча чоралар ҳам олдини олиш имкониятини бермайди.

Форс-мажор ҳолатининг яна бир белгиси сифатида унинг “ташқи характери”ни кўрсатиш мумкин. Унинг ушбу белгиси таҳлили шуни кўрсатадики, форс-мажор ҳолати ҳуқуқбузарнинг фаолиятига нисбатан ташқи омил ҳисобланади, яъни ушбу ҳодисанинг пайдо бўлиши ва мажбуриятли шахс фаолияти ўртасида сабабий боғланиш мавжуд эмас. Лекин, жавобгарликдан озод бўлиш учун вужудга келган форс-мажор ҳолатлари ҳуқуқбузарнинг фаолиятига маълум даражада таъсир қилган бўлиши, унинг ноқо-



нуний хатти-ҳаракатлари форс-мажорнинг натижаси бўлиши керак. Ҳозирда форс-мажор ҳолатларининг ташқи характери баъзи ҳуқуқшунос олимлар томонидан турли баҳсларга сабаб бўлмоқда. Фикримизча, бу биринчи навбатда, ҳуқуқий доктринада форс-мажор ҳолатларининг субъектив ва объектив назариялари мавжудлиги билан боғлиқ. Субъектив назария тарафдорлари ҳодиса ва форс-мажор ҳолатларининг аниқ идентификациясини ҳисобга олган ҳолда, кўриб чиқилаётган белги (ташқи характери)нинг мавжудлиги қонунийлигини инкор этадилар. Масалан, О.С.Иоффе “енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатларининг ташқи келиб чиқишини унинг учун умумий белги сифатида қабул қилиш мумкин эмас”, деб ҳисоблайди¹².

Бизнинг фикримизча, форс-мажорнинг белгилари уни тавсифлаш ва унинг қамрови тўғрисида тасаввур ҳосил қилиш учун асос бўлиб хизмат қилади. Лекин, унинг барча белгилари ўша пайтнинг ўзида намоён бўлиши ёки бўлмалиги муҳим эмас, балки ҳодисанинг оқибатлари муҳимдир. Чунки, фуқаролик қонунчилиги ҳуқуқбузарнинг айбдорлиги презумпциясидан келиб чиққан ҳолда, унинг айбдорлиги эҳтимол тутилиши муносабати билан қарздор жавобгарликдан озод бўлиши учун зарар форс-мажор ҳолатлари натижасида келиб чиққани, айбининг йўқлигини исботлаши талаб этилади. Яъни, бунда форс-мажорнинг барча белгилари мавжудлигини исботлаш талаб этилмайди. Шу сабабли, маълум ҳолларда суд қарздорни форс-мажор ҳолатига кирадиган ҳодисанинг барча белгилари мавжудлигини исботлашдан озод қилиши мумкин. Гап шундаки, баъзи ҳодиса ёки ҳаракатлар ҳаммага маълум бўлган фактлар бўлиши мумкин ва уларни исботлаш шарт эмас. Бинобарин, суд жараёнида жавобгар ҳисобланган қарздор, масалан, зилзила ёки террористик ҳаракатни исботлашдан озод қилинади, аммо у ушбу ҳаракат ёки ҳодиса форс-мажор эканлиги ва оқибатлари мавжудлигини исботлаши керак. Албатта, форс-мажорнинг барча белгиларига эътибор қаратиш масалани тўғри ҳал этишда ёрдам беради. Айтилганлар билан бирга, форс-мажорга тавсиф беришдан олдин мажбуриятни бузганлик учун жавобгарликни белгилаш механизмида унинг ўрнини ойдинлаштириб олиш муҳим ҳисобланади. Ҳуқуқ назариясида¹³ юридик жавобгарлик ва қилмишнинг ҳуқуққа хилофлигини истисно қилувчи ҳолатлар мавжуд бўлиб, уларга “ақли норасолик”, “зарурий мудофаа” “охирги зарурат”, “ижтимоий хавфлилик даражаси бўлмаган ҳуқуқбузарликлар содир этилганда” ва “казус” (тасодифлар) киритилган. Ушбу кўрсатиб ўтилганлардан фуқаролик ҳуқуқида фақатгина ижтимоий хавфлилик даражаси бўлмаган ҳуқуқбузарликлар содир этилганда жавобгарликдан озод этиш асоси қўлланилмайди ва бошқа барча ҳолатларда юридик жавобгарлик ва қилмишнинг ҳуқуққа хилофлигини истисно қилувчи ҳолатлар мавжуд бўлганда қўлланилади. Жумладан, жавобгарликдан озод қилишнинг энг муҳим асосларидан бири – енгиб бўлмас куч (форс-мажор) ҳисобланади. Г.К.Матвеев таъкид-

лашича, цивилист олимлар енгиб бўлмас куч масаласида умумий ҳулосага келганлар, яъни улар енгиб бўлмас кучни шахснинг муайян ҳаракатларни амалга оширишга халақит қилган ёхуд аксинча, шахсни муайян ҳаракатларни қилишга мажбур қилган ҳолатлар сифатида эътироф этадилар. Шу маънода енгиб бўлмас кучни фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликдан озод қилиш асоси сифатида кўрадилар¹⁴. Шулар билан бир қаторда, яна кўплаб юридик адабиётларда форс-мажор ҳолатини қарздорнинг кредитор олдидаги мажбуриятини бажаришда инсон хоҳиш-иродаси, ихтиёридан ташқари ҳодиса ёки вазият туфайли олдини олиш мумкин бўлмаганлиги учун жавобгарликдан озод этишнинг асоси сифатида қараш лозимлиги тўғрисидаги фикрлар учрайди.

Юқоридагиларга асосланиб, форс-мажорга қуйидагича тавсиф бериш мумкин: “Енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) – шартнома тузилгандан кейин қарздорнинг хоҳиш-иродасига боғлиқ бўлмаган, олдиндан башорат қилиб бўлмайдиган, тўсатдан ва фавқулудда, муайян шароитларда оқибатлари олдини олиб бўлмайдиган ва муқаррар, қутилмаган ташқи таъсирлар натижасида қарздорнинг айбисиз шартнома мажбуриятларининг бузилишига олиб келадиган ҳолатдир”.

Ҳулоса ўрнида айтиш мумкинки, форс-мажорнинг мазкур тавсифи асосида унинг янги тушунчасини фуқаролик қонунчилигига киритиш, нафақат мажбуриятларни бузганлик учун жавобгарликдан озод этиш соҳасидаги ҳуқуқий муносабатларни, балки томонлар ўртасидаги шартномавий муносабатларнинг ҳам такомиллашувига хизмат қилиши шубҳасиз.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон юридик энциклопедияси. –Тошкент: Адолат, 2011. -486 б.
2. Никитин А.Ф. Юридический словарь. –М., ОЛМА ПРЕСС Образование, 2005. С 586;
3. Фоков А.П. Гражданское право. –М., КРОНУС, 2005. С 315-316;
4. Алексеев А.А. Гражданское право. Учебник. –М., Велби, 2006. С 201;
5. Павлодский Е.А. Случай и непреодолимая сила в гражданском праве. –М., 1978. С 75;
6. О.Оқюлов. Пандемия ва бизнес // Юридик фан ва ҳуқуқни қўллаш амалиётининг долзарб муаммолари. Илмий-амалий конференция материаллари. I жилд. –Т.: Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси. 2020. -170 б.;
7. Агарков М.М. К вопросу о договорной ответственности. –М., Вопросы гражданского права, 2003. С121;
8. Пирвиц Э.Э. Значение вины, случая и непреодолимой силы в гражданском праве. Часть вторая // Вестник гражданского права, 2010. С 36;
9. Иоффе О.С. Избранные труды: в 4 т. Т.1. Правоотношение по советскому гражданскому праву. Ответственность по советскому гражданскому праву. –М., Статут, 2003. С 431;
10. Агарков М.М. К вопросу о договорной ответственности. –М., Вопросы гражданского права, 2003. С 122;
11. Павлодский Е.А. Случай и непреодолимая сила в гражданском праве. –М., 1978. С 84;
12. Иоффе О.С. Избранные труды: в 4 т. Т.1. Правоотношение по советскому гражданскому праву. Ответственность по советскому гражданскому праву. –М., Статут, 2003. С 433;
13. Бобоев Ҳ.Б ва бошқ. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. –Тошкент: Иқтисодийёт ва ҳуқуқ дунёси, 2000. -355 б.;
14. Матвеев Г.К. Основания гражданско-правовой ответственности. –М., Юридическая литература, 1970. С 152.



Равшан РАШИДОВ,
Тошкент шаҳар
суди иқтисодий
ишлар бўйича
судлов хайъатининг
судьяси

ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ



Сарвар СОЛИЕВ,
Тошкент туман-
лараро иқтисодий
судининг раиси

Мавзунинг қонун нормасида белгиланган мазкур қонунда таҳлили билан бошласак. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси (кейинги ўринларда ФК) 1-моддасида эътироф этилган шартнома эркинлиги тамойили шартномалар билан боғлиқ барча нормаларни, шу жумладан шартномани бекор қилиш билан боғлиқ муносабатларни ҳам том маънода қамраб олади. Чунончи, қонунчилик биринчи навбатда шартномани тарафларнинг келишувига асосан бекор қилиниши мумкинлигини назарда тутди (ФК 384-моддасининг биринчи қисми).

Бу эса тарафлар ўртасида кескин ихтилофлар мавжуд бўлмаган ҳолатларда ўзаро муносабатларни келишув йўли билан ҳал этилишига имкон беради. Шунингдек, бу омил низони судга олиб бормасдан тарафлар ўртасида ўзаро ҳал этилишига хизмат қилади.

Албатта, бу ҳуқуқдан қуйидаги учта омил мавжуд бўлсагина фойдаланиш мумкин. Биринчидан, шартнома тузилган бўлиши лозим. ФКнинг 364-моддасига асосан агар тарафлар ўртасида шартноманинг барча муҳим шартлари юзасидан шундай ҳолларда талаб қилинадиган шаклда келишувга эришилган бўлса, шартнома тузилган ҳисобланади. Шартномани тузилган деб ҳисобланишининг аҳамияти шундаки, мазкур давр мобайнида тарафлар муайян ҳуқуқ ва мажбуриятлар билан ўзаро муносабатда бўладилар. Шартнома тузилмаган ёки шартнома юзасидан тарафлар ўртасида ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятда бўлиш даврининг тугаганлиги ҳам бир қатор ҳуқуқий оқибатлар келтириб чиқаришига эътибор қаратиш лозим. Чунончи, Олий ҳўжалик суди Пленумининг “Хўжалик шартномаларини тузиш, ўзгартириш ва бекор қилишни тартибга солувчи фуқаролик қонун ҳужжатлари нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида” 2009 йил 18 декабрдаги 203-сонли Қарорининг 21-бандида белгиланишича, шартномани бекор қилиш тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишда агар суд шартнома тузилмаганлигини ёки шартноманинг амал қилиш муддати тугаганлигини аниқласа, у даъвони рад этиш тўғрисида ҳал қилув қарори қабул қилади.

Иккинчидан, шартномани бекор қилиш ҳақидаги келишув тарафлар ўртасида тузилган шартнома шаклига айнан мос келиши лозим.

Учинчидан, қонун ҳужжатларидан, шартнома ёки иш муомаласи одатларидан шартномани бе-

кор қилиш борасидаги тарафлар келишувига доир бошқача тартиб келиб чиқмаслиги лозим. Одатда, мазкур чеклаш шартнома учинчи шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига бевосита боғлиқ бўлган ҳолатлар нўқтаи назаридан келиб чиқиб белгиланган (ФКнинг 362-моддаси).

Агар, амалда шартнома тузилмаган бўлса ёки уни бекор қилиш ҳақидаги келишув тарафлар ўртасида тузилган шартнома шаклига зид бўлса ёхуд мазкур келишув хусусида қонун ҳужжатларидан, шартнома ёки иш муомаласи одатларидан бошқача тартиб келиб чиқса, тарафлар шартномани ўзаро келишув асосида бекор қилиш ҳуқуқини амалга ошира олмайдилар.

ФКнинг 384-моддаси иккинчи қисмига асосан шартнома суд тартибида ҳам бекор қилиниши мумкин. Биринчи ҳолатда бўлгани каби, шартномани суд тартибида бекор қилинишига эришиш учун қонуннинг бир қатор талаблари бажарилиши лозим. Чунончи, бир тараф шартномани бекор қилиш ҳақидаги таклифга иккинчи тарафдан рад жавоби олганидан кейингина ёки таклифда кўрсатилган ёхуд қонунда ёинки шартномада белгиланган муддатда, бундай муддат бўлмаганида эса — ўттиз кунлик муддатда жавоб олмаганидан кейин, шартномани бекор қилиш ҳақидаги талабни судга тақдим этиши мумкин. Мазкур механизм том маънода низони судгача ҳал этиш тартибини ўзида ифода этади. Шартномани бекор қилиш ҳақидаги талаб билан судга мурожаат этгунга қадар албатта, мазкур тартибга риоя этиш лозим.

Қайд этиш лозимки, низони судгача ҳал этиш тартибига риоя этган ҳолда, шартномани бекор қилиш ҳақидаги талаб билан судга мурожаат қилиш – бу тарафнинг ҳуқуқидир. Тараф ўзи билдирган талабни исботлаган тақдирда, суд унинг талабини қаноатлантиради.

Албатта, шартномани бекор қилиш муайян ҳолатларга асосланган бўлиши лозим. Тарафлар келишуви билан шартномани бекор қилишга асос бўлган ҳолатлар доираси кенг бўлиб, қонунчиликда мазкур ҳолатлар доираси белгиланмаган, шунга кўра уни аниқлаштиришнинг амалий аҳамияти йўқ.

Қонунчилик шартномани суд тартибида бекор қилиш борасида эса асосланиш лозим бўлган муайян ҳолатларни эътироф этади. Хусусан, тарафлардан бирининг талаби билан шартнома суд томонидан фақат иккинчи тараф шартномани жиддий равишда бузса, ёки ушбу кодекс, бошқа қонунлар ва шартномада назарда тутилган ўзга ҳолларда шартнома бекор қилиниши мумкин.

Тарафлардан бирининг шартномани бузиши иккинчи тарафга у шартнома тузишда умид қилишга ҳақли бўлган нарсадан кўп даражада маҳрум бўладиган қилиб зарар етказиши шартномани жиддий бузиш ҳисобланади.

Бир тараф шартномани бажаришдан тўла ёки қисман бош тортиб, қонун ёхуд тарафларнинг келишувида бунга йўл қўйилса, шартнома тегишлича бекор қилинган ҳисобланади (ФКнинг 382-моддаси).

Қонунчиликка мувофиқ шартномани бажаришдан бир тарафлама бош тортишга муайян шартлар мавжуд бўлгандагина йўл қўйилади. Масалан, ФК 422-моддасининг учинчи қисмига кўра, сотиб олувчи ҳақини бўлиб-бўлиб тўлаш шarti билан сотилган ва ўзига топширилган товар учун навбатдаги тўловни шартномада белгиланган муддатда амалга оширмаса, сотувчи шартномани бажаришдан бош тортишга ва гаров нарчасини ундириш учун назарда тутилган тартибда ундирувни товарга қаратишга ҳақли.

Ёки, ФКнинг 746-моддаси биринчи қисмига асосан кредитор қарз олувчини тўловга қобилиятсиз деб ҳисобласа, қарз олувчи кредитни таъминлаш мажбуриятларини бажармаса, шартномада назарда тутилган кредитдан аниқ мақсадда фойдаланиш мажбуриятини бузса, шунингдек шартномада назарда тутилган бошқа ҳолларда қарз олувчига кредит шартномасида назарда тутилган кредитни беришдан бутунлай ёки қисман бош тортишга ҳақли.

Бундай ҳолларда шартномани бекор қилиш талаб этилмайди. Шартномани бажаришдан бир тарафлама бош тортиш учун бу ҳақда иккинчи тарафга хабар беришнинг ўзи етарлидир.

Шартнома тузишда тарафлар учун асос бўлган вазиятнинг жиддий ўзгариши, агар бошқача тартиб шартномада назарда тутилган бўлмаса ёки унинг моҳиятидан англашилмаса, шартномани бекор қилиш учун асос бўлади.

Вазиятнинг тарафлар олдиндан кўра билганларида шартномани умуман тузмасликлари ёки анча фарқ қиладиган шартлар билан тузишлари



мумкин бўлган даражада ўзгариши унинг жиддий ўзгариши ҳисобланади.

Агар тарафлар шартномани жиддий ўзгарган вазиятга мувофиқлаштириш ёки уни бекор қилиш ҳақида келиша олмаган бўлсалар, шартнома манфаатдор тарафнинг талаби билан суд томонидан бекор қилиниши мумкин, агар айни вақтда қуйидаги шартлар мавжуд бўлса:

1) шартномани тузиш пайтида тарафлар вазиятда бундай ўзгариш юз бермайди, деб ҳисоблаган бўлсалар;

2) вазиятнинг ўзгаришини келтириб чиқарган сабабларни, улар пайдо бўлганидан кейин манфаатдор тараф шартноманинг хусусиятига ва муомала шартларига кўра ўзидан талаб қилинадиган даражада виждонийлик ва эҳтиёткорлик қилган бўлишига қарамай, бу сабабларни енга олмаган бўлса;

3) шартномани унинг шартларини ўзгартирмасдан бажариш тарафлар мулкий манфаатларининг шартномага мос келадиган нисбатини бузса ва манфаатдор тарафга зарар етказса, натижада улар шартнома тузишда умид қилишга ҳақли бўлган нарсадан кўп даражада маҳрум бўлсалар;

4) иш муомаласи одатларидан ёки шартноманинг моҳиятидан вазиятнинг ўзгариши хавфига манфаатдор тараф учраши кераклиги англашилмаса.

Вазиятнинг жиддий ўзгариши оқибатида шартнома бекор қилинганда суд ҳар қандай тараф талаби билан шартномани бекор қилиш оқибатларини аниқлашда тарафларнинг ушбу шартномани бажариш билан боғлиқ харажатларини улар ўртасида адолатли тақсимлаш зарурлигига асосланади (ФКнинг 383-моддаси).

Ушбу ўринда фикримизни суд амалиётига мурожаат этган ҳолда давом эттирсак.

Савдо-ишлаб чиқариш фирмаси банкка нисбатан иқтисодий судга мурожаат қилиб, шартномани бекор қилишни сўраган.

Ишдаги ҳужжатларга кўра, банк ва савдо-ишлаб чиқариш фирмаси ўртасида тамаки ферментациялаш цехи биносининг олди-сотди шартномаси тузилиб, бинони қабул қилиш-топшириш далолатномаси асосида даъвогар бинони қабул қилиб олган.

Даъвогар даъво аризасида сотиб олинган цехнинг ускуналари талон-торож қилинганлигини, цехни қайта тиклашга муайян маблағ сарфлаш кераклигини, шунинг учун бинодан воз кечишини кўрсатиб, шартномани бекор қилишни сўраган.

Фуқаролик кодексининг 382-моддаси иккинчи қисмига кўра, тарафлардан бирининг талаби билан шартнома суд томонидан фақатгина иккинчи тараф шартномани жиддий равишда бузса ҳамда ушбу кодекс, бошқа қонунлар ва шартномада назарда тутилган ўзга ҳолларда ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин.

Даъвогар жавобгар томонидан шартнома жиддий равишда бузилганлиги ёки шартномани бекор қилиш учун асос бўлган бошқа ҳолатларни исботлаб бермаган. Ҳолбуки, Иқтисодий процессуал кодексининг 68-моддасига кўра, ишда иштирок этувчи ҳар бир шахс ўз талаб ва эътирозларига асос қилиб келтираётган ҳолатларни исботлаши керак.

Бироқ даъвогар бинони далолатнома асосида бирор-бир эътирозсиз қабул қилиб олган. Цехдаги ускуналар талон-торож қилинганлиги ҳақида жавобгарга бирор марта ҳам маълум қилмаган. Шунга кўра, суд даъвони қаноатлантиришни рад этиш ҳақида қарор қабул қилган.

Акциядорлик жамияти иқтисодий судга даъво аризаси билан мурожаат этиб, масъулияти чекланган жамияти билан бино-иншоотни ижарага бериш ҳақида тузилган шартномани бекор қилишни сўраган.

Ишдаги ҳужжатлардан кўринишича, акциядорлик жамияти ўзига мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган кўчмас мулкни бир йил муддатга масъулияти чекланган жамиятига ижара шартлари асосида берган, шартномада ижарага олувчи ижара тўловларини ойнанинг 15 санасига қадар тўлаб бориш мажбуриятини олган.

Даъвогар ўз шартномавий мажбуриятини бажариб, ижара объектини жавобгарга топширган, ammo жавобгар ижара ҳақини шартлашилган муддатларда тўлаб боришни таъминламаган. Шунга кўра, даъвогар судга мурожаат этиб, ижара шартномасини бекор қилишни сўраган.

Фуқаролик кодексининг 384-моддаси биринчи қисмида шартномалар қандай шаклда тузилган бўлса, уларни ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисидаги келишув ҳам шундай шаклда тузилиши лозимлиги, шу модданинг иккинчи қисмида бир тараф шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги таклифга иккинчи тарафдан рад жавоби олгандан кейингина ёки таклифда кўрсатилган муддатда ёки ўттиз кунлик муддатда жавоб олмагандан кейин, шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги талабни судга тақдим этиши мумкинлиги кўрсатилган.

Ваҳоланки, иш ҳужжатларида даъвогар томонидан қонуннинг ушбу талаби бажарилганлиги, яъни иқтисодий судга мурожаат этишдан олдин жавобгарга шартномани бекор қилиш талаби билан мурожаат этилганлиги ҳақидаги ҳужжат мавжуд бўлмаган. Суд мажлисида иштирок этган тарафлар вакиллари ҳам бундай талабномани олмаганликларини тасдиқлашган.

Шунга кўра, суд даъвони кўрмасдан қолдириш ҳақида хулосага келган.

Қайд этилганлардан қуйидаги хулосаларни илгари суриш мумкин. Биринчидан, шартномани бекор қилиш мавжуд ҳолатдан келиб чиқиб, одатда икки тартибга асосан, яъни тарафларнинг ўзаро келишувига кўра ёки суд тартибига кўра амалга оширилади. Иккинчидан, шартномани суд тартибида бекор қилинишига эришиш учун тараф, албатта низони судгача ҳал этиш тартибига риоя этган бўлиши лозим. Ушбу тартибга риоя этилмаганда, агар талабнома юбориш тартибига риоя этиш имконияти йўқолмаган бўлса, Иқтисодий процессуал кодексининг 107-моддаси биринчи қисмининг 5-бандига асосан шартномани бекор қилиш ҳақидаги даъво талаби кўрмасдан қолдирилади. Бундай ҳолатда, тараф шартномани бекор қилиш ҳақидаги талаб билан судга иккинчи бор мурожаат этиши ҳуқуқидан фойдалана олади. Акс ҳолда, яъни талабнома юбориш тартибига риоя этиш имконияти йўқолган бўлса, Иқтисодий процессуал кодексининг 110-моддаси биринчи қисмининг 8-бандига асосан шартномани бекор қилиш ҳақидаги даъво талаби бўйича иш юритиш тугатилади. Бундай ҳолатда, шартномани бекор қилиш ҳақидаги талаб ўзининг процессуал аҳамиятини йўқотиб, тараф мазкур талаб билан судга иккинчи бор мурожаат этиш ҳуқуқидан маҳрум бўлади.

Умуман олганда, фуқаролик ҳуқуқий муомала иштирокчилари ҳуқуқий онги ва савиясининг даражаси том маънода шартномавий муносабатларда юзага келадиган низоларни қонунчиликда белгиланган муайян тартиблар орқали ҳал этиш, мазкур жараёнларда уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасида самарадорликка эришишда муҳим аҳамият касб этади.

***Биров бутун бир боғни
ҳадя қилади, – бошқа
бирова эса, бир бош
узун ҳам бермайди.
Арман мақоли.***

ТРИПС БИТИМИ ВА ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИГИ



Абдумўмин Юлдашов,
Тошкент давлат
юримдик универ-
ситети катта
ўқитувчиси, юримдик
фанлар бўйича
фалсафа доктори
(PhD)

Бугунги кунга келиб, интеллектуал мулк ҳар бир давлатни жаҳонга танитиш баробарида алоҳида моддий қийматни ҳам ташкил этиб, савдо-иқтисодий муносабатларда катта ўрин тутмоқда. Хусусан, Brand Finance консалтинг компанияси маълумотларига кўра, 2020 йилда биргина “Apple” товар белгиси 263,3 миллиард АҚШ долларига баҳоланган[1]. Агарда XIX асргача интеллектуал мулк маълум бир ҳудуд билан чекланган бўлса, кейинчалик унинг муҳофазасини минтақавий ва халқаро даражада ҳам таъминлаш зарурати юзага келди.

Хусусан, Иккинчи жаҳон уруши даврида АҚШ ва Буюк Британия давлатлари савдо иқтисодий муносабатларни халқаро даражада муҳофаза қилишни тартибга солиш ташаббусини билдиришган. Узоқ йиллик музокара ва муҳокамалардан сўнг 1994 йилда Жаҳон савдо ташкилотини (ЖСТ) тузишга қаратилган битим имзоланди. Шуни таъкидлаш керакки, ЖСТ нафақат савдо алоқаларини тартибга солиш мақсадида, балки ушбу ташкилотнинг асосларидан бири бўлган “Интеллектуал мулк ҳуқуқларининг савдо жиҳатлари бўйича битими” (ТРИПС) доирасида интеллектуал мулк объектларининг ҳуқуқий ҳимоя қилиш масалаларини ҳам тартибга солади.

ТРИПС битимининг асосий мақсади – давлатларнинг интеллектуал мулкка доир қонунчилик нормалари, уларнинг халқаро савдо муносабатларида иштирок этишида тўққинлик қилмаслигини кафолатлаш ҳамда ҳуқуқ эгаси (муаллиф) ва фойдаланувчи ўртасидаги манфаатларнинг барқарорлигини таъминлашдан иборат.

Маълумки, Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти (БИМТ) интеллектуал мулк соҳасидаги халқаро ташкилот бўлиб, у томонидан бошқариладиган халқаро ҳужжатлар интеллектуал мулкнинг умумий қоидалари (мақоми, муҳофазаси, ҳуқуқлар таснифи в.х.к.)ни ўзида акс эттирган бўлса, ТРИПС битими эса айнан интеллектуал мулк натижаларига доир ҳуқуқларнинг ҳимоясига бағишланган.

1995 йил 22 декабрда БИМТ ва ЖСТ ўртасида ҳамкорликни тартибга солишга қаратилган битим имзоланган. Ушбу битимга кўра, ЖСТ интеллектуал мулк объектлари савдоси билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиш ваколатига эга бўлди [2].

Ҳозирда Ўзбекистон узоқ йиллик танаффусдан кейин ЖСТга кириш бўйича ишларни

яна тиклади. Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 24 декабрдаги қарори билан ЖСТ билан ишлаш бўйича идоралараро комиссия таркиби тасдиқланган бўлса, 2020 йил 28 майдаги 339-сон қарори билан эса ЖСТ билан ишлаш бўйича Идоралараро комиссиянинг низоми тасдиқланди. Низомга кўра ЖСТ қоидалари ва тамойилларига мувофиқлаштириш ва уйғунлаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига зарур ўзгартириш ҳамда қўшимчалар киритиш бўйича таклифларни келишиш юқоридаги комиссиянинг энг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади [3].

ЖСТ жаҳон иқтисодий тизимидаги халқаро глобал ташкилот ҳисобланиб, жаҳон савдосининг 90 фоизидан ортиғи ЖСТ доирасида олиб борилмоқда. Шу сабабли ҳам мазкур халқаро ташкилотга аъзо бўлиш мамлакатимиз ташқи иқтисодий сиёсатининг энг асосий йўналишларидан бири бўлиб қолмоқда.

Шуни таъкидлаш керакки, Ўзбекистон ЖСТга қўшилиш бўйича дастлабки ишларини 1995



йилда бошлаган бўлиб, айти ушбу даврда юқоридаги каби Ҳукуматнинг тегишли қарори қабул қилинган эди. Аҳамиятли жиҳати, 2000 йилларга келиб айнан ТРИПС нормалари нуқтаи назардан интеллектуал мулк соҳасига янги қонун (“Интеграл микросхемалар топологияларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш тўғрисида”ги) ҳамда мавжуд норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар янги таҳрирда қабул қилинди (“Селекция ютуқлари тўғрисида”ги, “Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида”ги, “Ихтиролар, фойдали модел-

лар ва саноат намуналари тўғрисида”ги). Бунга асосий сабаб 1998 йилда Ўзбекистоннинг ЖСТга қўшилиш бўйича Меморандум имзоланганлиги ҳамда миллий қонунчилик ҳужжатларини халқаро ташкилот нормаларига мувофиқлаштириш жараёнининг қисман бўлсада амалга оширилганлиги асосий манба бўлиб хизмат қилган [4].

ТРИПС битимининг 2-қисм 1-2, 4-7 бўлимларида келтирилган интеллектуал мулк объектларига доир нормалар Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси ва бир қатор махсус қонунлар билан тартибга солинади.

1-жадвал

ТРИПС битими асосий қоидаларнинг Ўзбекистон қонунчилигида акс эттирилганлигининг айрим ҳолатлари

ТРИПС битимининг асосий жиҳатлари	Ўзбекистон қонунчилигида акс эттирилганлик ҳолати бўйича шарҳ
“Адабий ва бадиий асарларни муҳофаза қилиш тўғрисидаги Берн конвенцияси” ва “Саноат мулкани муҳофаза қилиш бўйича Париж конвенцияси”.	Ўзбекистон ушбу шартномаларга тегишли равишда 2005 йил ва 1991 йилларда қўшилган бўлиб, улар нормалари қонунчиликда тўлиқ аксини топган.
Электрон ҳисоблаш машиналари ва маълумотлар базалари.	Электрон ҳисоблаш машиналари ва маълумотлар базалари билан боғлиқ масалалар 1994 йилдаги “Электрон ҳисоблаш машиналари учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларининг ҳуқуқий ҳимояси тўғрисида”ги қонун билан тартибга солинади.
Муаллифлик ва турдош ҳуқуқлар.	Ўзбекистон 2005 йилда Адабий ва бадиий асарларни муҳофаза қилиш тўғрисидаги Берн конвенциясига қўшилган ва унинг нормалари асосида янги таҳрирдаги қонун қабул қилинган.
Ихтиролар, саноат намуналари ва товар белгилари.	Ушбу объектлар билан муносабатлар Саноат мулкани муҳофаза қилиш бўйича Париж конвенцияси асосида қабул қилинган махсус қонунлар билан тартибга солинади.
Интеграл микросхемалар топологияси.	Ушбу объект “Интеграл микросхемалар топологияларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш тўғрисида”ги (12.05.2001 й.) қонун билан тартибга солинади.
Муҳофаза муддати	Интеллектуал мулк объектларининг муҳофаза муддати даври ТРИПС нормалари билан мувофиқ келади.
Зарарни қоплаш	“Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги қонуннинг 65-моддаси ва “Электрон ҳисоблаш машиналари учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларининг ҳуқуқий ҳимояси тўғрисида”ги қонуннинг 14-моддаси билан тартибга солинади.

2-жадвал

ТРИПС битими асосий қоидаларнинг Ўзбекистон қонунчилиги ва амалиётида ўз аксини топмаган айрим жиҳатлари

ТРИПС битимининг асосий жиҳатлари	Шарҳ
“Фонограммалар ижрочилари, ишлаб чиқарувчилари ва эшиттириш берувчи ташкилотларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича Рим конвенцияси”	Ушбу конвенцияга қўшилиш бўйича баъзи бир ишлар амалга оширилмоқда. Унинг ҳуқуқий асоси сифатида Президентимизнинг ПҚ–4168-сон ҳамда ПҚ–4965-сон қарори билан тасдиқланган “Йўл харита”ларини кўрсатиш мумкин.

Географик кўрсаткич	Ўзбекистон ҳамда Европа Иттифоқи билан ҳамкорлик ва кенгайтирилган шериклик битими лойиҳаси доирасидаги музокараларда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни кўриб чиқиш бўйича тасдиқланган чора-тадбирлар режасига мувофиқ, географик кўрсаткичлар тушунчаси ва уларни ҳимоялаш механизмларини миллий қонунчиликда акс эттириш бўйича ишлар амалга оширилмоқда.
Товар белгисидан ноқонуний фойдаланганлик учун жиноий жавобгарлик	Жиноят кодексига фақатгина муаллифлик ҳуқуқи ва ихтирочилик ҳуқуқини бузганлик учун жавобгарлик мавжуд.
Исботлаб бериш мажбурияти	Миллий қонунчиликка мувофиқ, патент ҳуқуқларининг бузилганлигини исботлаб бериш мажбурияти даъвогар зиммасидадир. ТРИПС битими 34-моддасида эса ушбу мажбурият жавобгарга юклатилиши белгиланган.
Ex officio	Божхона қонунчилигида Ex officio тамойили мавжуд эмас.
Эътироз билдириш тартиби	ТРИПС битими эътироз билдириш ҳуқуқини интеллектуал мулк соҳасидаги алоҳида қонун ҳужжатларида бўлишини назарда тутди. Президентимизнинг ПҚ–4168-сон қароридан товар белгилари билан боғлиқ ҳолатларда эътироз билдириши мумкинлиги баён этилган.

Шу ўринда ЖСТга аъзо бўлиш давомида олинган ўтиш даврининг аҳамияти муҳимлигини таъкидлаш лозим. Ўтиш даври муддати – бу ЖСТга аъзо мамлакатга босқичма-босқич тарзда ташкилот доирасидаги мажбуриятларига риоя этилишини таъминлаш мақсадида мамлакат қонунчилигини ТРИПС асосида гармонизация қилишга қаратилган муддатдир. Ўтиш даврининг охирида аъзо ушбу муддатдан фойдаланган мамлакат ўз бўйнига олган мажбуриятларни тўлиқ равишда таъминлаши лозим. Бугунги кунда ривожланган мамлакатлар ЖСТга аъзо бўлишда ўтиш даври муддати зарур эмаслигини таъкидлашмоқда. Унга кўра, ЖСТга аъзо бўлаётган мамлакатлар ўз қонунчилиги ва ЖСТ мажбуриятларига доир бошқа маъмурий процедураларни ташкилотга қўшилиш жараёнининг ўзида мувофиқлаштиришлари учун етарли вақт бўлишини таъкидлашмоқда.

Ўрганишлар натижасида амалиётда ушбу муддат ривожланган мамлакатлар учун – 1 йил, ривожланаётган мамлакатлар ва ўтиш даври иқтисодийети мамлакатлар учун – 5 йил, нисбатан кам ривожланган мамлакатлар учун – 11 йил берилган. ТРИПС битимининг 65-моддасига кўра, ЖСТнинг марказий режалаштирилган иқтисодиётдан эркин бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнидаги

ЖСТнинг аъзо давлати интеллектуал мулк тизими ислохотини амалга оширишда соҳага доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилишга оид муаммоларга дуч келиши нуқтаи-назаридан ўтиш даври муддатидан фойдаланиш мумкинлиги белгиланган. Унга кўра, ушбу муддатдан фойдаланган ҳар бир давлат белгиланган муддат давомида тегишли қонунлар ва амалиёт қоидаларини ТРИПС битимига мувофиқлаштириши лозим. Маълумот ўрнида айтиш лозимки, Қозоғистон 2015 йилда ЖСТ аъзолигига қабул қилинган бўлиб, унга 5 йиллик ўтиш даври муддати берилган [4].

ТРИПС битимига мувофиқ, ЖСТ аъзоси бўлган давлат ташкилотнинг бошқа аъзоси фуқароларига нисбатан ўз фуқаролари билан тенг имкониятларни яратиб бериши лозим. Шу нуқтаи назардан ТРИПС битими билан боғлиқ бир қатор жиддий масалалар (патент божи миқдори, Ex officio каби) мавжудлиги сабабли ЖСТга аъзолик жараёнида мазкур жиҳатга ҳам аҳамият қаратиш лозим.

Умуман олганда, интеллектуал мулк соҳасидаги халқаро ҳужжатларга қўшилиш ҳамда уларда белгиланган нормаларнинг ижросини таъминлаш мамлакатнинг сиёсий-иқтисодий нуфузи ҳамда инвестициявий жозибадорлигини ошириши табиийдир.



Фойдаланилган адабиётлар:

1. <https://brandfinance.com/press-releases/brand-finance-us-500-2021-apple-reclaims-position-as-worlds-most-valuable-brand-while-us-airlines-lose-us12-bn-in-brand-value>;
2. Agreement between the World Intellectual Property Organization and the World Trade Organization, Source: Communication from the International Bureau of WIPO and the WTO Secretariat, 1995;
3. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 29.05.2020 й., 09/20/339/0683-сон;
4. Working Party on the Accession of Uzbekistan. Available at: https://www.wto.org/english/thewto_e/acc_e/a1_ouz_bekistan_e.htm#status;



**Исматулла
МАМАНОВ,**
Судьялар олий
мактабининг
докторанти

СУДЬЯ (ҚОЗИ)ЛИК ТАЛАБ ҚИЛИНМАЙДИ

Барча замонларда халқ ичидан илми, одил, ҳалол, покиза, сабр-тоқатли ва нафсига голиб бўлган кишилар танланиб, судья (қози) ликка муносиб кўрилган. Бу шарафли ва масъулиятли мансабга жалб этилган судья (қози)ларнинг одиллиги туфайли эл-улусда яшаган фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонун билан қўриқланиши зарур бўлган манфаатлари таъминланган, адолат қарор топган, мамлакатда тараққиёт юксалган ва барқарорлик ҳукм сурган. Бироқ, муносиб кўрилган шахслар бу таклифга юрак ютиб ҳам иша ҳам рози бўлавермаган. Ўшандай тигиз ҳолатда, ушбу мансабни тасодифан бошқа бир нолийқ кимса эгаллаб олмаслиги учун, танланаётган номзод мажбур қилинган.

Бунга оқсоч тарихдан мисоллар кўп.

Шундай воқеа етук фикшунос, Ҳанафий мазҳабининг асосчиси, илму заковати билан ислом оламида юксак мартабага эришган буюк тобеъин Нуъмон ибн Собит Имом Аъзам Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳ ҳазратлари билан содир бўлган.

Нақл қилишларича, Бағдод халифаси Абу Жаъфар Мансур Абу Ҳанифани Бағдод қозиси лавозимига таклиф этган. Лекин, у узрини айтиб таклифга рози бўлмаган. Буни Абу Ҳанифанинг замондошлари ва шогирдлари томонидан ёзиб қолдирилган ишончли манбалар тасдиқлайди.

Жумладан, Муваффақ Маккийнинг “Маноқиб ал-имом ал-Аъзам Абу Ҳанифа розияллоху анҳу ва акром” номли китобида шундай далил келтирилади: “Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳ Бағдодга юборилганларида юзлари ўзгарган ҳолда чиқдилар ва шундай дедилар: Бу одам мени қози бўлишга ундаяпти. Мен унга: “Бу ишга мен ҳақли эмасман. Қозиликка сенинг, боланг ва қўмондонлигинг фойдасига ҳукм чиқара оладиган нафси бор кишигина лойиқдир. Менда ундай нафс йўқ. Сенинг бу таклифингни қабул қилолмайман”, дедим... Абу Жаъфар Мансур: “Ҳеч бўлмаса саройда қолиб, ҳукм чиқарувчи қозилар сиздан маслаҳат оладиган олий мартабада бўлинг. Улар қозиликда сизга муҳтож бўлишлари мумкин”, деди. Бунга ҳам кўнмадим. Кейин Абу Жаъфар мени қамаб қўйди. Лекин мен қози бўлишдан бош тортдим. Ҳатто шу сабабли бир юз ўн қамчи уришди... ..мени яна қайта қамоққа тикди ва кўпол муносабатда бўлиб, қаттиқ азоблади”¹. Орадан бир мунча вақт ўтиб, халифа Мансур қатъий туриб ундан қозилик лавозимини эгаллашни яна сўраган. Аммо, кейинги гал ҳам таклифни рад қилган. Шунда халифа Мансур “ахир сиз фикш илми бобида тенги йўқ олим бўлсангиз, мадрасаларда толиблар айнан сизнинг ёзган асарларингиздан шарият қонун-қоидаларини, адолат

ва одиллик йўл-йўриқларини ўрганишади. Нега шундай зот бизнинг таклифимизни рад этмоқда? Агар рози бўлмасангиз, сизни оғир жазога ҳукм қиламан”, дейди. Абу Ҳанифа шунда ҳам Бағдод қозилиги лавозимини эгаллашни истамаган. Бундан газабланган халифа Мансур уни ўлим жазосига ҳукм этган. Довуд ибн Рошид Воситий шундай ривоят қилади: “Мен Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳнинг қозилик қилишлари учун азобланган кунларига гувоҳ бўлганман. У зотни ҳар куни қамоқдан чиқариб, ўн қамчидан жуда қаттиқ уришарди. Бу қамчилардан кўринадиган даражада из қоларди. Сўнгра у зотни яна жойларига олиб бориб қўйишарди. Шу тариқа бир юз ўн қамчи уришди. Ҳар куни у зотга: “Қозиликни қабул қилгин”, дейиларди. У зот эса: “Мен лойиқ эмасман”, дердилар. Яна уриш бошланганда йиғлар эдилар. Мен у зотнинг паст овозда: “Аллоҳим, ўзинг қудратинг билан мендан уларнинг ёмонлигини даф қил”, деганларини эшитдим. Абу Ҳанифа уларга яна рад жавобини берар, улар таом ва ичимликни камайтириб, қамоқдаги ҳолларини янада қийинлаштиришарди. Ва ниҳоят, яна бош тортган эдилар, улар Абу Ҳанифага заҳар бериб ўлдиришди”². Ҳукм ижроси олтидан Абу Ҳанифадан ўзингиз фикш илми соҳасида қатор асарлар ва шарҳлар битган машҳур аллома бўлишингизга қарамасдан бу юксак ва шарафли лавозимдан нега воз кечдингиз, дея сўрашган.

Шунда, Абу Ҳанифа Ҳазратлари, менинг ҳукм чиқаришда озгина адашиб, бировга билиб-билмай заррача зиён етказишим бир умрлик тоат-ибодатим, эътиқодимни йўққа чиқаради. Халқ олдидаги ана шу гуноҳдан кўрққанимдан бу лавозимга рози бўлмай, ўлимни афзал кўрдим, деб жавоб берган...

Ҳақли савол туғилади. Хўш, нега замонасининг буюк тобеъини, имомлар имоми Абу Ҳанифадек Ҳазрат қозилик лавозимини эгаллашга ройиш бермаган ёки уни хоҳламаган?!

Шу ўринда алоҳида таъкидлаш жоизки, илму урфонда, ахлоқда, сабрда, зуҳд ва охиратни эслашда олий мақомга эришган, ҳис-туйғуларини ташқи таъсирлар чалғита олмайдиган даражада нафсини ва асабини жиловлай олган, мустақил ва мустаҳкам фикрга эга бўлган, Роббидан кўрққан ва хатоларини айтган одамнинг мулоҳазаларини ҳурмат қилган, айбини тан олиб, чин кўнгилдан пушаймон бўлган кимсани кечирган, қатъиятли, ҳақ талабида мухлис ва бошқа кўплаб гўзал сифатлар соҳиби ҳисобланган Абу Ҳанифадек улуг зот “озгина адашиб, бировга билиб-билмай заррача зиён етказиши”, ишончга сазовор эмас.

Ва аксинча, бу жавоб ўлими олдидан Абу Ҳанифанинг Бағдод халифаси Мансурнинг қабих ниятлари ва адолатсиз сиёсатидан норозилигининг ифодаси бўлгани кўпроқ ҳақиқатга яқиндир.

Фикримизни қуйидаги далил ҳам тасдиқлайди: “Мен қозиликка лойиқ эмасман. Даъвогарга ҳужжат, инкор қилганга эса қасам ичиш лозим эканлигини биламан. Лекин қозиликка фақатгина сенинг, фарзандинг ва миршабларинг фойдасига ҳукм чиқара оладиган одам лойиқ, менда эса бундай нафс йўқ”,³ дейди Абу Ҳанифа халифа Мансурга.

“Эҳтимол, Абу Жаъфар Мансур халқнинг ишончини қозониш мақсадида Абу Ҳанифага қозиликни таклиф қилгандир. Чунки, агар Абу Ҳанифа унинг таклифини қабул қилиб қози бўлса, Абу Жаъфарга нисбатан халқнинг ишончи ошарди. Зеро, Абу Ҳанифадек зотнинг Абу Жаъфарнинг қозиси бўлиши давлат обрўси, шаъни ва қадр-қимматини кучайтиришга ҳамда буюк олимларнинг халифалик султонига итоат қилишига замин яратарди. Аксинча, агар унинг таклифини рад этадиган бўлса, у зотдан халос бўлишга тўғри келарди”.⁴ Афсуслар бўлсинки, баъзан ёмон ниятлар ҳам ижобат бўлади.

Ислом тарихидан маълумки, қозилик мансаби Пайғамбаримиз ҳаётликларидан жорий этилган бўлиб, Расулulloҳ (с.а.в.)нинг ўзлари ҳам қозилик ишлари билан шуғулланган. У Бани Махзум қабиласидан бўлган бир аёл ўғрилиқ қилганида қўлини кесишга буюради. Саҳоба Усома аёлнинг гуноҳини кечиршни ўтиниб сўрайди. Шунда Ҳазрат: “Аллоҳнинг қонун ва жазоларидан бирига қарши чиқяпсизларми? Аллоҳга қасамки, қизим Фотима ўғрилиқ қилса ҳам қўлини кесган бўлардим”, деган экан.

Ҳақиқат шундаки, гарчи Расулulloҳ (с.а.в.) қозилик қилиб, айбдорларга нисбатан ҳукм чиқарган бўлсаларда, қозилик касбини дуруст деб билмаган.

Чунончи, Расулulloҳ (с.а.в.): “Қиёмат куни адолатли қози келтирилиб, қаттиқ ҳисоб қилинганидан сўнг, ҳечам икки киши орасида ҳукм қилишдан “истамай қолади”, дейди.

Ёки, Абу Ҳурайра (р.а.), Расулulloҳ (с.а.в.)нинг “Ким қози этиб тайинланса, пичоқсиз сўйилибди”⁵, деганига гувоҳ бўлганини ривоят қилади.

“Қозилар учтадир,- дейди Пайғамбаримиз (с.а.в.). – Биттаси жаннатда. Иккитаси дўзахда. Ҳақни таниб, у билан ҳукм қилган киши жаннатда. Ҳақни таниб туриб, ҳукмда жабр қилган одам дўзахда. Ҳақни танитай, одамлар устидан жохиллик ила ҳукм чиқарган одам дўзахда”⁶.

Бошқа бир ҳадисда Расулulloҳ (с.а.в.): “Ким қозиликни талаб қилса ва унга эришиш учун воситачилар қўйса, у ўз ҳолига ташлаб қўйилди. Кимга қозилик мажбур қилинса, Аллоҳ уни тўғрилиқка йўллаб турувчи фариштани нозил қилади”⁷, дейди.

Шубҳасиз, ҳозирги кунда дунёдаги мусулмонларнинг ярмидан кўпи ибодат қиладиган Ҳанафий мазҳабини машриқу мағрибга тарқатган ва танитган, “олти юз мингдан ортиқ амалий ва назарий фикр масалаларини ечган, биринчи бўлиб фикр илмини ёзган ва уни қисмларга ажратиб, тўрт минг нафар талабалари онгига сингдирган”⁸ улуг шайх Абу Ҳанифа Пайғамбаримизнинг юқорида зикр этилган ҳадисларидан тўла-тўкис хабардор бўлган.

Мана, азиз муштарий!

Буюк ўтмишдошимиз, шайх Абу Ҳанифа ҳазратларининг нима сабабдан қозилик лавозимини хоҳламаганлигига ойдинлик киритишга уришиб кўрдик.

Шунинг баробарида, мавзу сифатида танланган асосий масала, яъни “Судья (қози)лик талаб қилинмайди”⁹ган касб эканлиги, бу касбга муносиб кўрилган кишигина таклиф этилиши, ҳатто номзод мажбур қилиниши ҳам мумкинлиги очикланди.

Ҳўш, Сизчи, Судьялар олий мактабида таҳсил олаётган номзод!?

Сизни муносиб кўришиб, судьяликка таклиф этишяптими ёки мажбур қилишяптими ёхуд ўзингиз таниш-билиш ёинки бошқа нопок йўлларни ишга солиш орқали бу лавозимга эришмоқчимисиз?

Бу ҳақда чуқур мулоҳаза юритиб, муайян тўхташга келиш учун Сизда ирода ҳам, вақт ҳам, имконият ҳам етарли.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Муҳаммад Айюб Ҳомидов ва бошқалар. Имом Аъзам. Тошкент: “HILOL NASHR” нашриёти, 2018 йил, 334-335-бетлар.
2. Муҳаммад Айюб Ҳомидов ва бошқалар. Имом Аъзам. Тошкент: “HILOL NASHR” нашриёти, 2018 йил, 337-338-бетлар.
3. Муҳаммад Айюб Ҳомидов ва бошқалар. Имом Аъзам. Тошкент: “HILOL NASHR” нашриёти, 2018 йил, 81-бет.
4. Ўша жойда. 332-333-бетлар.
5. Ал-Фақиҳ Абу Лайс ас-Самарқандий. Танбеҳул-Фофиллийн (Фафлатдан уйғониш). Учинчи китоб., “Моварауннаҳр”, Тошкент, 2003. 102-103 бетлар.
6. Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Кифоя. 3-китоб., “HILOL-NASHR”, Тошкент, 2018 й. 472-бет.
7. Ўша жойда. 471-бет.
8. Юсуф Товаслий. Ҳикматлар хазинаси. Ривоятлар, ҳикоятлар, ҳикматлар. Тўлдирилган нашр. Иккинчи китоб. “Adabiyot uchqunlari” нашриёти, Тошкент. 2015 йил, 346-бет.
9. Мухтасар (Шариат қонунларига қисқача шарҳ). Нашрга тайёрловчилар Р.Зоҳид, А.Деҳқон. Тошкент. “Чўлпон”, 1994 йил, 254-бет.



Луқмон ҚОДИРОВ,
Бухоро вилоят
судининг раиси

АДОЛАТ ҚАРОР ТОПДИ

Бир ҳукм тафсилоти



Зариф ШЕРОВ,
Бухоро вилоят
судининг
судьяси

Ҳукм одил судловнинг муҳим ҳужжати. Шахснинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинлигига риоя қилиниши ҳукмнинг қонуний, асосли ва адолатли бўлишига боғлиқ. Қонуннинг барча талабларига риоя қилинган ҳолда чиқарилиб қонуний кучга кирган суднинг ҳукми бўлмай туриб ҳеч ким жиноят содир қилишда айбли деб топиллиши мумкин эмас. Суднинг ҳукмда ёритилган хулосалари ҳамма вақт ҳам етарли даражада асослантилмайди.

Айрим ишлар бўйича ҳукмлар Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси моддаларининг талабига зид ҳолда дастлабки терговда тўпланган, лекин суд мажлисида текширилмаган ёки ўз тасдиғини топмаган далилларга асослантилган ҳолда айбдорликни асослантириш учун қонунни бузиш йўли билан олинган далилларни келтириш ҳоллари учраб турибди. Бироқ фуқароларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида оқлов ҳукмлари кўпайди. Хусусан, ўтган йилнинг ўзида судлар томонидан 719 нафар фуқарога нисбатан оқлов ҳукми чиқарилганлиги фикримизнинг далилидир. Қуйида эса шундай оқлов ҳукмларидан бирини эътиборингизга ҳавола қиламиз.

Жиноят ишлари бўйича Қоракўл туман судининг 2019 йил 10 майдаги ҳукмига кўра “Х” тумани “Х” ташкилоти Я.Х. Жиноят кодексининг 167-моддаси 3-қисми “а” банди билан, Жиноят кодексининг 45-моддасини қўллаб, 2 йил мансабдорлик ва моддий жавобгарлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиниб, Жиноят кодексининг 57-моддаси қўлланган ҳолда, энг кам ойлик иш ҳақининг 20 баравари миқдоридан 3 686 000 сўм жарима жазоси, Жиноят кодексининг 209-моддаси 2-қисми “а” банди билан Жиноят кодексининг 57-моддаси қўлланган ҳолда, энг кам ойлик иш ҳақининг 20 баравари миқдоридан 3 686 000 сўм жарима жазоси, Жиноят кодексининг 59, 61-моддалари тартибидан, тайинланган жазоларни тўлиқ қўшиш йўли билан 2 йил мансабдорлик ва моддий жавобгарлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиниб, энг кам

ойлик иш ҳақининг 40 баравари миқдоридан 7 372 000 сўм жарима жазоси тайинланган.

Шунингдек, Ф.Ф. Жиноят кодексининг 167-моддаси 3-қисми “а” банди билан, Жиноят кодексининг 57-моддаси қўлланган ҳолда, энг кам ойлик иш ҳақининг 20 баравари миқдоридан 3 686 000 сўм жарима жазоси, Жиноят кодексининг 28, 209-модда 2-қисми “а” банди билан Жиноят кодексининг 57-моддаси қўлланган ҳолда, энг кам ойлик иш ҳақининг 20 баравари миқдоридан 3 686 000 сўм жарима жазоси, Жиноят кодексининг 59, 61-моддалари тартибидан, тайинланган жазоларни қисман қўшиш йўли билан энг кам ойлик иш ҳақининг 30 баравари миқдоридан 5 529 000 сўм жарима жазоси тайинланган.

Лекин судланувчилар Я.Х. ва Ф.Ф. апелляция шикоятларида жиноят содир этишмагани, биринчи босқич суди томонидан иш ҳолатларига етарли баҳо берилмагани ҳақида важлар келтириб, оқлов ҳукми чиқаришни сўраганлар.

Биринчи босқич суди томонидан судланувчилар Я.Х. ва Ф.Ф. мактаб биноларини бузишдан чиққан 94 470 800 сўмлик қурилиш материаллари ва фойдаланишга яроқсиз бўлган иккиламчи ёғоч материалларини бозор баҳосидан арзон нарҳда ҳамда 90 907 100 сўмлик қурилиш маҳсулотларини ҳисоб-варақ фактураларда акс эттирмаган ҳолда сотиб юбориб, жами 185 378 100 сўмлик жуда кўп миқдорда давлат мулкани ўзлаштириш ва растрата қилиш йўли билан талон-торож қилганликда айбли деб топилган.

Бироқ, Я.Х. ва Ф.Ф.лар томонидан эски биноларни бузишдан чиққан қурилиш мате-

риалларини ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилинганлиги гувоҳларнинг кўрсатувлари, тафтиш далолатномалари, бухгалтерия ҳужжатлари ёки бошқа мақбул далиллар билан исботланмаган. Судланувчилар Я.Х. ва Ғ.Ғ.нинг айбсизлиги ҳақида келтирган важларига эса ҳуқуқий баҳо берилмаган.

Аниқланган ҳолатларга кўра, Я.Х. ва Ғ.Ғ.лар фойдаланишга яроқсиз бўлган мактаб биноларини бузишдан чиққан қурилиш материалларини белгиланган тартибда баҳоловчи ташкилотлар томонидан баҳоланган нархлар асосида сотиб, “Х” ташкилоти ҳисоб рақамига кирим қилишган.

Дастлабки тергов ёки биринчи босқич суди судланувчилар Я.Х. ва Ғ.Ғ.ларни айбланда мактабларнинг эски биноларини бузишдан чиққан қурилиш материаллари сарфи бўйича “Х” МЧЖ мутахассислари Б.П. ва Ҳ.Ҳ.лар томонидан тузилган далолатномаларга асосланган.

Бироқ, мазкур бирламчи далолатномаларни тузишда бузилган биноларнинг кадастр ҳужжатларидаги чизмалар, биноларни қуришда иштирок этган шахсларнинг кўрсатмаларига асосланган ва ҳақиқатда бузишдан олинган қурилиш материалларини кўрмаган ҳолда хулоса қилинган.

Ушбу ҳолат, судда гувоҳ тариқасида сўроқ қилинган Б.П.нинг “Х” МЧЖ да архитектор вазифасида ишлаб келиши, тергов органининг қарорига асосан ҳамкасби Ҳ.Ҳ. билан “Х” ташкилоти балансидаги 3,11,12,13,21,22,29,41-сонли мактабларнинг эски бинолари бузилганидан сўнг, ушбу биноларни қуришда қанча қурилиш маҳсулоти сарфланганлиги ҳолатини ўрганиб, хулоса қилишгани, улар жойига чиққан ҳолда, биноларнинг кадастр ҳужжатларидаги чизмалар, шунингдек биноларнинг қурилишида шахсан иштирок этган мактабларнинг нафақадаги ўқитувчиларининг кўрсатмаларига ва айрим мактабларнинг бузилган биноларидан қолган қолдиқ биноларга ҳамда шу вақтда қурилган бошқа биноларга асосланиб, минимал даражада ҳисоблаб, мутахассислар, мактаб директорлари, ҳудуд маҳалла фуқаролар йиғини вакиллари иштирокида далолатномалар расмийлаштирганлари, далолатномаларни илмий жиҳатдан аниқ асосга эга эмас деб ҳисоблаши, чунки, эски бинолар ёғочдан қурилганлиги сабабли, уларга ишлатилган қурилиш материалларини тахминан ҳисоблаб чиққанлиги, ёғоч материаллари бўйича мутахассис эмаслиги, ҳисоблаш жараёнида бузиш ишларини бажарган шахслар



ёки судланувчилардан сўрамаганликларини билдириб берган кўрсатувлари билан тасдиқланган. Шунга ўхшаш кўрсатмалар тегишли баҳоловчи ташкилотлар мутахассислари томонидан ҳам берилган.

Бундай ҳолатда, мактабларнинг фойдаланишга яроқсиз бинолари бузилганидан сўнг ушбу биноларни қуришда ишлатилган қурилиш материалларининг сарфи ҳақидаги далолатномаларни асосли деб бўлмайди.

Юқорида қайд этилган бирламчи далолатномаларнинг қонуний асосга эга бўлмаганлиги далили судланувчилар Я.Х. ва Ғ.Ғ.нинг 90 907 100 сўмлик қурилиш маҳсулотларини ҳисоб-варақ фактураларда акс эттирмаган ҳолда сотиб юборганликлари ҳақидаги биринчи босқич суди хулосасини рад этади.

Ўз навбатида, мазкур бирламчи далолатномаларда кўрсатилган қурилиш материалларининг эскириш ҳолати чиқариб ташланган ҳолда баҳоси ҳисоблаб берилган Х.Сулаймонова номидаги Республика суд экспертиза маркази хулосаси ҳам судланувчиларни 94 470 800 сўмлик қурилиш ва фойдаланишга яроқсиз бўлган иккиламчи ёғоч материалларини бозор баҳосидан арзон нархда сотишдаги айбловни шубҳа остида қолдиради.

Қайд этилганларга кўра, судлов ҳайъати, судланувчилар Я.Х. ва Ғ.Ғ.ни талон-торож қилганликда айблаш учун асос қилиб олинган қурилиш материаллари сарфи юзасидан тузилган ушбу далолатномаларда тахминий маълумотлар акс эттирилгани боис, уларни далиллар мажмуидан чиқаришни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 23-моддасига кўра, айбдорликка оид барча шубҳалар, башарти уларни бартараф этиш имкониятлари тугаган бўлса, судланувчи-

нинг фойдасига ҳал қилиниши лозим. Қонун қўлланилаётганда келиб чиқадиган шубҳалар ҳам судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши керак.

Жиноят иши бўйича Я.Х. ва Ф.Ф.га олдиндан тил бириктириб, “Х” туманидаги фойдаланишга яроқсиз бўлган мактаб биноларини бузиш ишлари лойиҳа-смета ҳужжатлари “Х” ташкилоти маблағлари ҳисобидан тайёрланиши керак бўлса-да, бошқа масъулияти чекланган жамиятлар томонидан тўловлар амалга оширилган ҳолда “Х” МЧЖ томонидан тайёрлаб берилишига эришиб, эски биноларини бузиш юзасидан “Давлат харидлари тўғрисида”ги қонуннинг 23-моддаси талабларига зид равишда, “Товар хом-ашё биржаси электрон савдолари”да эълонга қўймасдан, бузиш ишларини назорат қилиш комиссияси аъзолари иштирокисиз, белгиланган тартибда танлов ўтказмасдан, сохта танлов савдолари орқали лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаган қурилиш ташкилотларига мазкур бузиш ишларини олдиндан келишган ҳолда топшириб, бузишдан чиққан қурилиш материалларини санокдан ҳамда яроқли-яроқсизга ажратишда комиссия аъзолари иштирокини таъминламасдан, мазкур жараён амалга оширилганлиги тўғрисидаги сохта далолатномалар расмийлаштирилганликда ҳам айб эълон қилинган.

Бироқ, мазкур айблар ўз исботини топмади. Иш ҳолатларига кўра, “Х” туман “Х” ташкилоти балансидаги 3,11,12,13,21,22,29,41-сонли мактабларнинг биноларини бузишдан чиққан қурилиш материаллари қонуний фаолият кўрсатиб келаётган “Х” ва “Х” МЧЖлари томонидан баҳоланган нархлар асоси-

да савдо ғолиблари томонидан харид қилиниб, сотувдан тушган жами 174 908 400 сўм маблағлар “Х” ташкилотининг ҳисоб рақамига кириб қилинган.

Қайд этилганларга асосан, судлов ҳайъати Я.Х. ва Ф.Ф. айбланган, ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиб, давлат манфаатларига жуда кўп миқдорда моддий зарар етказиш эпизоди ишни апелляция судлов инстанцияси муҳокамасида кўриш жараёнида тасдиқланмаганлиги боис, мазкур эпизод бўйича уларнинг ҳаракатларида фақат тўғри қасд билан содир қилинадиган, қурилиш материалларини ўзлаштириш усули сифатидаги мансаб сохтакорлиги ёки давлат ва жамоат манфаатларига кўп миқдордаги зарар ёхуд жиддий зиён етказилишида ифодаланган оқибат талаб этадиган бошқа мансабдорлик жинояти таркиби ҳам мавжуд эмас деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 463-моддасига мувофиқ, айблов ҳукми тахминларга асосланган бўлиши мумкин эмас ва фақат судланувчининг жиноят содир этишда айбли эканлиги суд муҳокамаси давомида исбот қилинган тақдирдагина чиқарилиши, айблов ҳукмига жиноят содир этилишининг иш бўйича барча мумкин бўлган ҳолатларини текшириш, иш материалларида маълум бўлган барча кам-кўстларни тўлдириш, юзага келган ҳамма шубҳа ва қарама-қаршиликларга барҳам бериш натижасида йиғилган ишончли далилларгина асос қилиб олинishi лозим.

Ишда тўпланган далилларнинг етарли эмаслиги, далиллар қонунга зид равишда олинганлиги сабабли улар далил ҳисобланмаслиги ёки қўйилган айбловда судланувчининг тўлиқ айбдорлиги ҳақидаги шубҳани бартараф қилишнинг имконияти йўқлиги ҳақида суднинг асослантилган ҳулосаси оқлов ҳукми чиқариш учун асос бўлади.

Қайд этилганларга асосан судлов ҳайъати Я.Х. ва Ф.Ф.ларга нисбатан суд ҳукмини бекор қилишни, уларнинг ҳаракатларида суд ҳукмида кўрсатилган жиноят аломатлари мавжуд эмас деб ҳисоблаб, ишни ЖПК 83-моддасининг 2-бандига асосан тугатишни, Я.Х. ва Ф.Ф.ларни айбсиз деб топиб оқлашни, уларга етказилган мулккий зиённи қоплаш ҳамда маънавий ва бошқа зиён оқибатларини ЖПКнинг 304-313-моддаларида назарда тутилган тартибда бартараф қилиш ҳуқуқига эга эканлигини эътироф этишни, апелляция шикоятларини қаноатлантиришни лозим топди.

*Фаровонлик истасанг,
бахтлик бўлганигда
ҳам дўст-ёр ортти-
риб ол. Денгиз тўлиб-
тошса ҳам дарё сувига
муҳтождир.*

Ҳинд ҳикмати.



Бахтиёр ПУЛАТОВ,
профессор Академии Генеральной прокуратуры Республики Узбекистан, доктор юридических наук, профессор



Зафарбек ТУРСУНОВ,
старший преподаватель Академии Генеральной прокуратуры Республики Узбекистан

ОБЕСПЕЧЕНИЕ ПРАВ И СВОБОД ГРАЖДАН ЯВЛЯЕТСЯ ВАЖНЕЙШЕЙ ОБЯЗАННОСТЬЮ ОРГАНОВ ПРОКУРАТУРЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАНА

АННОТАЦИЯ

В статье освящены правовые основы защиты прав и свобод граждан в Республике Узбекистан, их совершенствование, реформы, задачи органов прокуратуры, результаты проведенных работ, их перспективы.

Ключевые слова: Конституция, законы и нормативные акты, защита прав и свобод граждан, задачи органов прокуратуры, реформы, их результаты, совершенствования законодательства.

АННОТАЦИЯ

Мақолада Ўзбекистон Республикасида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асослари, уларнинг такомиллашиши, ислохотлар, бундаги прокуратура органларининг вазифалари, амалга оширилган ишларнинг натижалари ва келажакдаги истиқболлари ёритилган.

Калит сўзлар: Конституция, қонунлар ва норматив ҳужжатлар, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимояси, прокуратура органларининг вазифаси, ислохотлар, уларнинг натижалари, қонунчиликни такомиллаштириш.

ANNOTATION

The article highlights the legal basis of protection of human rights and freedoms in the Republic of Uzbekistan, its improvement, the tasks of prosecution bodies in the related reforms, the results of carried out works and their prospects

Keywords: Constitution, laws and normative acts, protection of human rights and freedoms, tasks of prosecution bodies, reforms, results of reforms, improvement of legislation

Защита прав и свобод граждан является приоритетной задачей каждого демократического государства. С принятием Основного Закона нашей страны – Конституции Республики Узбекистан строительство гуманистического правового демократического государства определена как основная цель, а также, была объявлена преданность идеям прав человека и государственного суверенитета, демократии и социальной справедливости, было признано верховенство общепризнанных норм международного права.

Вот уже много лет в Узбекистане последовательно реализуются реформы, направленные на совершенствование механизмов защиты прав и свобод граждан, а также демократизация общества. Основу реформирования составляют общепринятые стандарты в области защиты прав человека и рекомендации международных организаций, которые непосредственно нашли своё отражение в Стратегии развития Узбекистана на 2017-2021 годы.

В основу всех реформ, независимо от того, в какой бы они сфере не осуществлялись, главой государства заложен один принцип - «Интересы человека превыше всего!».

Особой сущностью Конституции нашей Республики является законодательное закрепление и гарантирование интересов граждан. Защита интересов личности возведена в ранг государственной политики. В республике выдвигается идея построения правового демократического государства. На основе нашей Конституции и осуществляемых в стране реформ появляются и совершенствуются законы, закрепляющие общемировые ценности и нормы, регулирующие общепризнанные международные отношения¹.

Следует отметить, что вся деятельность, направленная на совершенствование действующих законодательных актов направлена на построение демократического правового государства, основанного на гуманистических принципах, увеличения авторитета нашей страны на мировой арене, что в свою очередь приведет к безусловному обеспечению конституционно закрепленных прав человека.

Осуществление этих задач является залогом построения демократического государства и сильного гражданского общества, и их разрешение обеспечивается также посредством реализации судебной и правоохранительной деятельности. Главным содержанием деятельности судебных и правоохранительных органов должно стать защита законных прав и свобод граждан.

Одним из таких органов является прокуратура. Конституция признает прокуратуру в качестве важнейшей составной части государственной власти, так как, прокуратура – это орган государственной власти, обязанный обеспечивать права и свободу, безопасные условия жизни каждому гражданину.

На сегодняшний день, если говорить простым языком задачи органов прокуратуры от «обвинителя» изменились в сторону всесторонней защиты прав и законных интересов граждан. Отныне, основным критерием оценки их деятельности стало состояние законности на вверенной им территории, обеспечения прав и свобод граждан, а также, государственных и общественных интересов.

Практически все направления деятельности прокуроров, будь то надзор за исполнением законов следственными органами или надзор за исполнением законодательства в учреждениях по исполнению наказания или участие в судах и других направлениях, пронизаны общей задачей защиты прав и свобод граждан².

В республике реализуются комплексные меры по обеспечению надежной защиты прав и свобод граждан, прежде всего на защиту личной неприкосновенности граждан, предотвращению случаев пыток и жестокого, унижающего честь и достоинство обращения с задержанными лицами со стороны правоохранительных органов, совершенствованию деятельности пенитенциарных учреждений.

За последнее годы в стране проведена серьезная работа по выявлению и искоренению недостатков в правоохранительной деятельности, существенно влияющих на уровень защищенности прав и свобод человека.

Результатом данных реформ является Указ Президента Республики Узбекистан от 30 ноября 2017 года № УП-5268 «О дополнительных мерах по усиле-

нию гарантий прав и свобод граждан в судебно-следственной деятельности». В Указе закреплены важные положения, обеспечивающие надежную защиту прав и свобод граждан в уголовном процессе.

Настоящим Указом признано недопустимым применение пыток, оказание физического, психологического давления и других жестоких бесчеловечных или унижающих достоинство видов обращения в отношении участников уголовного процесса либо их близких родственников. В рамках уголовных дел категорически запрещено использовать любые данные, полученные незаконным путем.

Данным Указом также введена уголовная ответственность за фальсификацию доказательств, полученных путем принуждения к даче показаний, предоставлено право обжалования в судебном порядке определения суда о применении меры пресечения в виде заключения под стражу.

Так, Законом от 4 апреля 2018 года Уголовный процессуальный кодекс дополнен новой статьей 951 (недопустимость доказательств), в соответствии с которыми фактически данные признаются недопустимыми в качестве доказательств, если они получены незаконными методами или путем лишения или ограничения гарантированных законом прав участников уголовного процесса либо с нарушением требований Кодекса, в том числе полученные с применением пыток и других жестоких, бесчеловечных или унижающих достоинство видов обращения.

Как следствие, вышеуказанные нововведения повлияли на результативность повышения ответственности судьей по принятию законных, обоснованных и справедливых решений. С тех пор заметно сократились случаи применения меры пресечения в виде заключения под стражу и назначения наказания, связанных с лишением свободы. Широкое разъяснение требований закона о невозможности применения наказания в виде лишения свободы в отношении лиц, полностью возместивших материальный ущерб, послужило реальному росту возмещения причиненного ущерба. Возмещения ущерба вследствие совершения преступлений является важнейшим направлением деятельности органов прокуратуры.

К категории нормативных актов обеспечивающих надёжную защиту законных прав и свобод граждан также следует отнести и Указ Президента Республики Узбекистан «О мерах по дальнейшему усилению гарантий защиты прав и свобод личности в судебно-следственной деятельности» от 10 августа 2020 года.

В связи с тем, что основными задачами органов прокуратуры является обеспечение верховенства закона, укрепление законности, а также защита прав и свобод граждан, Указом определены ряд основных направлений дальнейшего совершенствования судебно-следственной деятельности:

Первое – обеспечение безусловного соблюдения прав и свобод личности, повышение качества про-



цессуальных действий, пересмотр системы сбора, закрепления и оценки доказательств в уголовном процессе с учетом стандартов доказывания, широко применяемых в передовой зарубежной практике;

Второе – поднятие на новый уровень деятельности правоохранительных органов по раскрытию преступлений, обеспечение неотвратимости ответственности за каждое совершенное преступление и полного возмещения ущерба, причиненному личности, обществу и государству;

Третье – внедрение эффективных механизмов предупреждения совершения деяний, связанных с применением пыток и других жестоких, бесчеловечных или унижающих достоинство видов обращения и наказания, а также усиление ответственности за такие деяния;

Четвертое – широкое внедрение современных информационно-коммуникационных технологий в процесс расследования уголовных дел, дальнейшее укрепление материально-технической базы и повышение кадрового потенциала органов дознания и предварительного следствия;

Пятое – повышение эффективности системы предупреждения преступности, а также внедрение механизмов своевременного выявления и устранения причин и условий, способствующих преступлениям, повышения правовой культуры и формирования у граждан духа законопослушания.

Кроме того, в Указе органам прокуратуры совместно с заинтересованными министерствами и ведомствами указана необходимость обеспечения следующих задач:

- разработка нормативно-правового акта, определяющего в порядке принятия и рассмотрения заявлений, сообщений и другой информации о преступлениях;

- подключения всех органов, проводящих следственную проверку, в Единую информационную систему «Электронная уголовно-правовая статистика», позволяющую осуществлять регистрацию заявлений, сообщений и другой информации о преступлениях в электронном виде и ведение единого электронного учета результатов их рассмотрения;

В исполнение Указа согласно 1 и 2 пунктов совместного постановления между правоохранительными органами Республики Узбекистан утвержден Устав «О порядке принятия и рассмотрения заявлений, сообщений и другой информации о преступлениях», также внедрена электронная система «E-material» в пилотном режиме, который начал функционировать с 15 ноября 2020 года. Полная активизация данной программы начата с 1 января 2021 года.

Исходя из вышеуказанных основных направлений и задач, органами прокуратуры совместно с заинтересованными министерствами и ведомствами ведётся системная работа по усилению гарантий защиты

прав и свобод личности в судебно-следственной деятельности.

В частности:

- (К сведению: проекты законов о внедрении института соглашения о признании вины и порядка предварительного закрепления (депонирования) судом показаний свидетеля и потерпевшего с участием сторон на стадии досудебного разбирательства по уголовному делу приняты 4 декабря 2020 года Законодательной палатой Олий Мажлиса Республики Узбекистан и одобрены Сенатом 5 февраля 2021 года³);

- Кроме этого Генеральной прокуратурой Республики Узбекистан и другими заинтересованными министерствами и ведомствами:

- подготовлено предложение об организации высшего образовательного учреждения, специализирующегося на подготовке квалифицированных кадров в области следствия, которое находится на стадии рассмотрения;

- во исполнение пункта 10 Указа Приказом Генерального прокурора Республики Узбекистан от 28 сентября 2020 года за № 1086 в системе Генеральной прокуратуры и прокуратуры Республики Каракалпакстан, областей и города Ташкента введены должности прокуроров-криминалистов и они обеспечены современными специальными оборудованьями.

Внедрение указанных на данном Указе Президента в право-примирительную практику несомненно даст своих положительных результатов в качественном улучшении деятельности следственных подразделений, прокурорского надзора за исполнением законов на стадии следствия, в подготовке высококвалифицированных кадров в области следствия, а в конечном итоге и надежную защиту прав и свобод, уважение чести и достоинства личности, дальнейшее расширение применения принципа состязательности сторон на всех стадиях судопроизводства.

Таким образом, Узбекистан находится на пути поэтапного реформирования каждой сферы нашей жизни, принятия новых нормативных актов и совершенствования уже существующих является требованием времени. В данной ситуации следует всегда быть на чеку, принимать неотложные и необходимые меры. Масштабные реформы, реализация национальных проектов требует от нас и нового качества прокурорского надзора с тем, чтобы правозащитный и правоохранительный потенциал прокуратуры реально способствовал развитию демократического правового государства. Следовательно, прокуроры, осуществляющие возложенные на них обязанности должны быть неотъемлемой частью механизма по защите правопорядка и законности в стране.

Использованная литература:

1. Конституция Республики Узбекистан ст. ст. 13 -15, 19, 22.
2. Закон Республики Узбекистан «О прокуратуре» ст.ст. 5, 14.
3. Законом Республики Узбекистан «О внесении изменений и дополнений в Уголовный и Уголовно-процессуальный Кодексы Республики Узбекистан» 18 февраля 2021 года, № ЗРУ-675.



Олим ИСМОИЛОВ,

самостоятельный соискатель
Академии Генеральной Прокуратуры
Республики Узбекистан

НАЦИОНАЛЬНО-МЕНТАЛИТЕТНЫЕ ПРИЧИНЫ ВОЗНИКНОВЕНИЯ НЕКОТОРЫХ ВИДОВ ЛАТЕНТНЫХ ПРЕСТУПЛЕНИЙ

АННОТАЦИЯ

В статье рассматриваются содержание, виды и причины возникновения латентной преступности. Освещается значение национальной особенности в возникновении некоторых видов латентных преступлений.

Ключевые слова: латентность, латентная преступность, виды латентной преступности, национальный менталитет.

АННОТАЦИЯ

Мақолада латент жиноятлар моҳияти, таснифи ва келиб чиқиш сабаблари ўрганилган. Айрим латент жиноятларни вужудга келишида миллий ўзига хосликни ўрни ҳақида фикр юритилди.

Калит сўзлар: латент, латент жиноятчилик, латент жиноятчилик турлари, миллий-менталитет.

ANNOTATION:

The article discusses the content, types and causes of latent crime. The importance of national features in the emergence of certain types of latent crimes is discussed.

Keywords: latency, latent crime, types of latent crime, national mentality.

Одной из важнейших задач стоящей перед демократическим государством является борьба с преступностью. Необходимой предпосылкой успешной борьбы с преступным явлением служит информация о его подлинных масштабах, знание о фактическом состоянии преступности, а не только зарегистрированной ее части.

В народные приемные Президента Республики все больше граждан обращаются по вопросам учета и рассмотрения уголовных дел и деятельности правоохранительных органов. Обращая на это внимание, Президент Республики Узбекистан Ш.М.Мирзиёев, отмечал - «Если коротко изложить нашу цель в этой сфере, то в будущем мы должны создать действительно народную систему органов внутренних дел, пользующуюся заслуженным доверием и уважением народа и страны» .

Одной из причин, подвергающих сомнению государственную власть вообще, и деятельность правоохранительных органов в частности является скрытая преступность, выражаясь юридическим языком латентная преступность.

В переводе с латинского «латентный» (latens) означает скрытый, невидимый, внешне не проявляющийся [1]. Данный термин широко используется в различных отраслях знаний для определения явлений и процессов, протекающих внешне не заметно.

В Национальной энциклопедии Узбекистана не дано понятие «латентности», а дано определение «латентному периоду». «Латентный период» скрытый период: 1) физиологически – временный период с момента воздействия какого либо раздражителя на организм (орган, ткань, клетка и д.р.) до получения ответной реакции называется латентным периодом. 2) в медицине - скрытый период развития болезни [2] (н-р: латентный период болезни «каронавируса» Covid (-19) составляет 14 дней).

Как пишет И.П.Рущенко, [3] «в социальных науках исследователь имеет дело с четырьмя видами латентных процессов. Первый вид - это явления до востребования реальные процессы и проблемы общества, которые из-за искусственных внешних преград, установок, ограничений временно выпадают из сферы науки, но могут



быть актуальны в процессе политических и культурных изменений. Второй вид - виртуальная латентность, которая связана со спецификой процесса научного мышления. Имеется в виду право на гипотезу, смелое и парадоксальное предположение, то есть на «вещь», целиком рожденную сознанием исследователя. Третий вид - инструментальная латентность, когда исследователь «кончиками пальцев» чувствует новый социальный пласт, но до поры до времени он ему не доступен. Четвертый вид латентности - классическая, которая способна аккумулировать с одной стороны, все виды латентности, с другой - является специфичной, она объединяет процессы, которые относятся к общественно опасным и нежелательным явлениям и, как правило, находятся под контролем социальных институтов, государства».

В юридической науке понятие «латентный» вошло в период тщательного исследования всех форм преступных проявлений с целью обозначения той части преступности, которая имела место в действительности, но по каким-либо причинам осталась скрытой.

Первые упоминания о латентности встречаются в трудах А.Ж.Кетле, Э.Ферри, Ф.Захаревича [3]. Выдающийся бельгийский криминолог А.Ж.Кетле, одним из первых оценивший значение латентности, отмечал: можно даже сказать, что все нам известное относительно уголовной статистики не представляло бы никакой ценности, если бы не допускалось, что существует почти неизменное соотношение между преступлениями, зарегистрированными и судимыми и всей нам неизвестной суммой совершенных преступлений. Это отношение необходимо, и, повторяю, если оно бы не существовало в действительности, то все до сих пор установленное на основании данных уголовной статистики было бы ложным и бессмысленным. Изучение вопросов, касающихся скрытой преступности, в России началось в конце 60-х годов XX века. Анализ латентной преступности были посвящены работы А.А.Герцензон, Н.Н.Кондрашков, А.С.Шляпочников, Р.З.Акутаева, Х.Д.Аликперова, А.А.Конева, В.В.Панкратова и других криминологов[4].

В юридической энциклопедии, изданной под редакцией У.Таджиханова [5] термин «латентность подразумевает преступления, не выявленные и не сообщенные в государственные органы осуществляющие расследование уголовных дел».



По мнению В.В.Панкратовой, скрытая преступность – это совокупность преступлений, которые не выявили органы полиции, прокуратуры и суда. А значит, данные преступления не нашли отражение в учете уголовно-наказуемых деяний. Она определила, что латентная преступность – это общие совершенные в конкретном регионе за данный период преступные деяния, которые не отражает уголовная статистика [6].

Наиболее приемлемым объяснением латентной преступности на наш взгляд дал А.А.Кавалкин, по его мнению, латентная преступность - это совокупность преступлений и лиц, их совершивших, которые в конкретных условиях места и времени оказались не выявленными или не зарегистрированными уголовной статистикой [6].

Кроме того, понятие латентной преступности была более подробно и правильно дана, в «Инструкции порядке ведения единой электронной информационной системы уголовно-правовой статистики» [7] «латентные преступления – общественно опасные деяния присущи все признаки состава преступления, но не известные или были известными правоохранительным органам, которые корыстно были скрыты от регистрации, ранее незарегистрированные или зарегистрированные, но неправильно квалифицированы в результате чего не признаны как преступление».

Классификации латентной преступности изучена довольно хорошо, данной проблематикой занимались И.В.Шаханов [8], А.М.Алексеев и А.Н.Роша [9], Г.А.Аванесов [10].

Латентную преступность по предложению И.В.Шаханова можно разделить на два вида:

-естественная латентность – когда в компетентном органе отсутствуют сведения о совершенном уголовно-наказуемом дея-

нии, соответственно, оно не внесено в статистическую отчетность, и как следствие, отсутствует правовое (процессуальное) решение по факту его совершения;

-искусственная латентность – когда сведения о совершенном уголовно-наказуемом деянии отсутствует в статистической отчетности, что вызвано нарушением правоохранительными органами установленных правил регистрации и учета преступлений.

Некоторые исследователи предлагают выделить ещё и пограничную латентность – это совокупность преступлений, которая образуется по причине ошибочной или преднамеренно-ложной квалификации более тяжкого преступления как менее тяжкого, либо из-за небрежности или низкой компетентности сотрудников правоохранительных органов, либо когда в отношении потерпевшего было совершено не одно, а несколько преступлений, а зафиксировано лишь одно.

В практике, соотношение между естественной и искусственной латентностью преобладают естественно латентные преступления. Так как в регистрации преступности в современном мире все больше исключается человеческий фактор, являющийся причиной искусственной латентности преступлений. Регистрация преступления может быть осуществлена через IT технологии (если уполномоченный сотрудник отказывается в регистрации преступления, то потерпевший может обратиться в виртуальную приемную или онлайн сообщить о преступлении). В связи с этим, в данной статье больше внимание уделено проблеме изучения естественно латентных преступлений.

В юридической литературе выделяется четыре группы естественно-латентных преступлений [11].

Первая группа включает преступления, о совершении которых может не знать никто, включая и самого преступника. Это

преступления, совершенные по небрежности, либо ситуации, когда в силу правовой некомпетентности участники правоотношений допускают подмену одной нормы уголовно-правовой другой (нравственной или административной).

Многие нарушения бюджетной и штатно-сметной дисциплины (ст. 1841 УК Республики Узбекистан) совершаются со стороны бухгалтеров, впервые осуществляющие бюджетно-сметные операции, ту часть нарушения которая в настоящем является уголовно наказуемой, они зачастую принимают как нарушение норм административного, бюджетного или налогового законодательства. Такую картину можно встретить и при совершении преступлений предусмотренных ст. 148 УК Республики Узбекистан «нарушение права на труд», где зачастую работодатель не осознает свои действия и думает, что нарушает нормы трудового кодекса и совершает административное правонарушение.

Ко второй группе можно отнести преступления, где нет явно выраженной потерпевшей стороны, поэтому и некому сообщить о преступлении в компетентные органы. Эти преступления связанные с посягательством на государственные или общественные интересы. Особенно если такого рода преступления совершаются со стороны должностных лиц кому вверенного или находящегося в его введении государственное имущество. Крадет тот, кому вверено охранять.

Третью группу составляют преступления, где факт его совершения известен узкому кругу лиц либо только виновному лицу. К подобному рода преступлениям можно отнести замаскированные хищения, взяточничество, убийство с последующим скрыванием трупа, хранение наркотических веществ, посягательства на лиц с психическими расстройствами, что затрудняет адекватную оценку происшедшего, некоторые другие.

И наиболее распространенная для нашей Республики является четвертая группа –естественно латентных - преступлений, где потерпевшие не сообщают о них в силу незаинтересованности в их выявлении, то есть публичной огласки. Это зачастую могут быть преступления связанные с половой свободой. Как известно жертвы изнасилований, исходя из национального менталитета часто не сообщают о преступлении при не желании оказаться объектом перед компрометирующих ее материалов, либо



потерпевшая сторона поддается уговорам «мирно уладить дело».

